

Адиб ва
жамиат



Абдумажид
АЗИМ

Монг
табасури

Шеърлар


ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
«ИЖОД» ЖАМОАТ ФОНДИ

*Адиб ва
жалият*

Абдумажид АЗИМ

Тонг табассури

Шеърлар



ТОШКЕНТ
«MASHHUR-PRESS»
2020

УЎК: 821.512.133-1
КБК: 84(5Ў)6
А37

Азим, Абдумажид

Тонг табассуми [Матн]. *Шеърлар* / Абдумажид Азим. –
Тошкент: «MASHHUR-PRESS» нашриёти, 2020. – 208 б.

ISBN 978-9943-6131-7-1

Масъул муҳаррир

Рустам МУСУРМОН,

Қорақалпоғистон Халқ шоири

Абдумажид Азим бетакрор иқтидор эгаси. Унинг ўнлаб шеърий китоблари чоп этилган. Шу забардаст ёшида нафақат шеърлар, балки таржима, публицистика, адабиётшунослик йўналишларида ҳам барабар қалам тебратиб келмоқда. Бу ижодкор ўз ижодини каттакон адабиёт тарозисига қўйиб, салмоғини мўлжаллаб олади ва кейингина кўпчиликка ҳавола этади. Ёзганларининг барокати эса унинг илми ва тинимсиз меҳнатидан.

Ҳурматли китобхон, кўлингиздаги «Тонг табассуми» тўп-лами ҳам ана шундай меҳнат маҳсулидир.

*Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
«Ижод» жамоат фонди ҳомийлигида чоп этилди.*

ISBN 978-9943-6131-7-1

ШОИР ЙЎЛИ

Қуёш йўли, ёруғлик йўли, сув йўли, шамол йўли, қуш йўли мавжудлиги табиий. Сўз йўли, шоир йўли ҳам борлиқдаги ана шу йўлларга ўхшайди.

Таниқли шоир Абдумажид Азимнинг “Тонг табассуми” деган шеърлар тўплами номи билан, назаримда, рамзий маънода юртимизнинг янги тонги отаётганига эътиборимизни жалб этаётгандек.

“Борлиқ китобга кириш учун мавжуд бўлади”, – деган эди Маларме. Шумерлар оламда ҳукм ва хулосалар эмас, ҳаёт ва ўлим масаласи муҳим эканига Нуҳ тўфонидан аввалги замонлардаги эътиқод билан мутлақ ҳақиқат, дея ишонганларини билмагунимга қадар “Сўз ёки борлиқ бирламчими?” деган азалий баҳсда бундан ҳам қатъий қарор бор бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилмагандим. Қадимги римликлар эса, нимаики ёзиб қолдирилмаган бўлса, уларнинг борлиғи – бор бўлишга, яшашга ҳақли эмас, демак, улар умуман бор бўлмаган, йўқ бўлган бўлади, дея ишонишган. Шунинг учун шумерлар ўзларининг машҳур лойкитоблари, миххатларидаги шоҳлар рўйхатидан золим ҳукмдорларнинг номларини ўчириб ташлашган. Фақат келажакни эмас, ўтмишни ҳам ўйлаб шу ишни қилишган. Чунки улар фақат шу йўл билан золим ҳукмдорлар бузиб вайрон қилган, издан чиқарган дунёда тенглик ва уйғунликни тиклаганларига тўлиқ ишонишган.

Нақадар олийжаноб, ажойиб ишонч! Нақадар жозибали, мафтункор ёзув шажараси. Кимнингдир ишончсиз масъулияти тантанавор тарзда ишонч билан орқага қайтарилади, борлиқ ўзгаради. Нақадар

узил-кесил амр: модомики, борлиқ китобга кириш учун мавжуд экан, китоб ҳам, ўз навбатида, борлиққа кириш учун яшаши керак”.¹

Руминиялик шоира Ана Бландиананинг “Китоб ва борлиқ” сарлавҳали сочма шеърини эсладим.

Китобнинг, бадий асарнинг нафақат инсон ҳаётидаги, балки бутун олам барқарорлигини сақлашдаги аҳамияти ҳақидаги фикрлар, тарихий мисоллар мени ҳайратга солади.

Абдумажид Азимнинг янги китобидаги шеърларини ўқиганимда шеърят ҳақидаги ҳис-туйғуларим, сезгиларим, тасаввур-хаёлларим яна бир бор янгилангандай бўлди.

Одам бир кунда қанча нарсани ўйлайди, кўради, ҳис этади. Лекин ҳаммасини ҳам эсида сақлаб қолмайди. Таъсирланганлари унинг ёдида қолади.

Вақт, замон ва макон тушунчалари фақат бадий асардагина нисбий аҳамият касб этади. Инсон тасаввури, хаёли, ақлу шуури, тафаккур олами нақадар чексиз ва теран.

Керак бўлса, бугун ҳаттоки,

Қайтараман ортига вақтни, – деб ёзади Абдумажид Азим бир шеърида. Мантиқан ўйлаганда вақтни орқага қайтариб бўлмайди. Лекин вақтни хаёл кучи билан, ҳаётда ўтган воқеаларни эшлаш билан ортга қайтариш мумкин. Инсон хотираси нималарга қодир эканига тарих гувоҳ. Шу маънода, вақтни орқага қайтаришнинг йўлларида бири – ёзув, яъни бадий адабиёт.

Руҳий қудрат, ирода кучини ифодалаш адабиётнинг асосий вазифаларидан бири. Айнан мана шу куч ёвузлик, зулм ва адолатсизликни енгишда қўл кела-

¹ Ана Бландиана. Книга и мир. Альманах поэзия. – Москва: “Молодая гвардия”, 1990. – С. 224.

ди. Бу мавзуни ҳар бир ижодкор ўзича очиб беришга интилади. Абдумажид Азимнинг шу йўлда топган истиоралари диққатимни тортди. Ёмонлик, мени ҳеч қачон енголмайсан, ҳатто кўрғошиндай эритиб, ўз қолипнингга солишга ҳаракат қилсанг ҳам, менинг руҳимни йўқ қилолмайсан, ҳеч қачон инсонлигимни йўқотмайман, аллақандай махлуққа ёки тошга, темир-га эмас, одамга эвриламан, одамга! Тимсоллар билан шоир нафақат вақтни, балки ўз вужудимни, руҳимни, ҳаётимни ўзгартираман, – деган ҳис-туйғу уйғонди шеърни ўқиганимда.

*Ҳар оқшомда бузиб ўзимни,
Ҳар наҳорда тиклайвераман.
Қуритсалар ҳам илдизимни,
Ажириқдай кўклайвераман.*

Вақтни орқага қайтаришнинг йўлини топган шоир қақнусдай оловда ёниб кетиб, қулдан яна ўз вужудини тиклашнинг, аввал қандай бўлса, шундай ҳолатга келишнинг ҳам йўлини топади.

“Йўл”нинг “шоҳкўча”, “сўқмоқ” маъносидан ташқари “усул”, “илож”, “мақсад”, “орзу”, “ғоя”, “оҳанг”, “мақом”, “ҳаёт” ва бошқа кўпгина кўчма маънолари ҳам бор.

Абдумажид Азимнинг йўли – шеърларидаги усул, мазмун, оҳанг, шакл аниқ ва равшан намоён бўлади. Йўл метафораси бўртиб кўринади. Умуман, унинг шеърлари оралаб битта йўл ўтади, бошқача айтганда, ҳамма шеърлари битта йўл бўйлаб кетаётган одам ҳақида. “Йўллар, бекатлар ўтиб бораман”, “Умр дегани чексиз, туганмас йўл!”, “Йўл босарман ортимга қарамай”, “Йўл босаман, манзил узоқ-узоқ”, “Йиллар ўтар, йироқда манзилим”, “Йўллар пешвоз чиқади қаршимга”, “Сурур беради қўнгилларга йўл”, “Боқиб самовоту Сомон йўлларга”, “Кетаяпман, кетаяпман йўллар чигал”,

“Адаштирар мени йўлнинг белгилари”, “Ета олмай менинг эса ҳалак жоним, Ўз-ўзимни қидирганча... Унмас йўлим”, “Кўча бўйлаб борардим шитоб”, “Болалигим. Тупроқ йўл. Дала”, “Қирқ йилдирки, кечаю кундуз Йўлларимга кўзини тикса”... Ушбу мисралар шоирнинг турли шеърлари йўлига сочилиб кетган ёки улар шоирнинг хилма-хил мавзудаги шеърлари йўлидан териб олинган.

Йўлда кетаётган одам. Умр ҳам бир йўл. Лекин яхши йўл бор, ёмон йўл бор. Халқ номаъқул ишлар қилган одамни ёмон йўлга кириб кетди, дейди. Бунда “йўл” сўзи яна бир маънога кўпаяди. Абдумажид Азим йўлда кетаётган одам фаолиятининг фарқли томонларини бадий талқин қилишга интилади. Аксарият мисолларни ўз ҳаётидан, руҳий ҳолатидан келиб чиқиб, қаламга олади.

“Кетаяпман” сарлавҳали шеърида шаҳардан қишлоққа, яқинларини кўришга бораётган йўловчининг кўнгил кечинмалари тасвирланади.

*Кетаяпман, кетаяпман, йўллар чигал,
Тонг шафағи толиқтирар кўзларимни.
Олисларда уйим мени кутар маҳтал,
Дала-дашлар соғинади изларимни.*

Уйга қайтиш. Эски, анъанавий мавзу. Лекин унда лирик қаҳрамоннинг ички изтироблари билан умрининг мазмуни ҳақидаги ўй-хулосаларининг бадий ҳикоя қилиниши ўқувчини қизиқтиради. *“Тонг шафағи толиқтирар кўзларимни”* иборасининг ичида қанча маъно яширин. Бошимдан қаро кунлар кечди, тонгга чиққунимча қанча азоб чекдим, бирдан ёришган тонг шафағи кўзларимни қамаштириб юборди. Лекин шафақ олисда, унга қўл етмайди, фақат кўз етади. Ёруғликка термула-термула толиқдим, бенаво

бўлдим, бахтни, саодатни соғиндим. У тонг шафағидай фақат ялтираб кўринади. Кўзлари, нигоҳлари, орзуо хаёллари билан эмас, қадамлари билан етиб, қўлларида тутгиси келади одам бахтни. Олисдаги уйнинг маҳтал кутиши, дала-даштлар одамнинг изларини соғиниши каби ибораларда бадий ранг бор. Машина тезлиги, товуш тезлиги, ҳатто қуёш нури тезлиги ҳам инсон хаёлининг тезлигидан паст ва ожиз. Йўловчи тонгдан кун ботгунича, кечгача манзилга етиш учун шошилади. Унинг юраги қушдай патирлайди, талаби – соғинчига имиллаб кетаётган автобус жавоб бера олмайди. Йўловчи нола чекади: *“Адаштирар мени йўлнинг белгилари, Тол чивикдай ингичкарди жуссаларим!”* Йўл белгилари тимсоли бу – қоида, низом дегани. Йўлга қўйилган белгилар – одамни манзилга элтадиган эмас, йўлдан адаштирадиган бўлса, йўловчининг ҳолига маймунлар йиғламайдими?! Йўловчи шундан азоб чекади, қийналганидан унинг жуссаси тол чивикдай ингичкалашиб, озиб-тўзиб кетади. *“Оёқ остим тупроқ эмас, лахча чўғдир”*, дейди у. Зўр истиора руҳиятнинг таржимаи ҳолини кучли таърифлаб беради. Йўл белгилари адаштирса, оёқ ости тупроқ эмас, лахча чўғ бўлса, одам қандай йўлдан ўтиб бора-япти? – деган савол туғилади. Жавоб эса саробга айланган орзу, сўнган умид, ушалмаган армон, алданган ишонч деган сўзлардан иборат бўлади. Йўл, бу – ҳаёт. Кечгача манзилга етиш – умр ўтмасдан мақсадга эришишдир. Одамнинг бу ҳаётда яшашдан мақсади – ўз вақтида бахт-саодатга эришиш, ҳаёт роҳатларидан вақтида баҳраманд бўлиш. Кеч бўлгандан кейин ҳеч қандай қадр қимматнинг, ҳимматнинг ҳам фойдаси йўқ. Одамни вақтида қадрла, унга кеч бўлмасдан меҳр кўрсат, қабилдаги маънавий фазилатларга ишора бор ушбу шеърда.

Куйидаги сатрларда муаллиф мақсади – йўловчи аҳволи янада равшан ифодаланади.

*Ҳайдовчилар тушунмайди аҳволимни,
Ака, дейди ҳовлиқасиз нега бунча?
Толиқдим-ку кута-кута иқболимни,
Этай дейман, манзилимга кун ботгунча.*

Ҳайдовчи йўловчининг тақдирига жавоб берувчи, уни манзилга эсон-омон етказишга масъул шахснинг тимсоли. Тасаввур қилинг, масъул аҳволни тушунмасан, бировнинг дардини англамасан, бундай ҳаёт қандай ҳаёт бўлади? *“Толиқдим-ку кута-кута иқболимни”* деган сатр шеър бошидаги *“Тонг шафағи толиқтирар кўзларимни”* сатрининг мантиқий давоми, муаллиф ишора қилган образнинг очқич калитидир. Демак, олисларда ялтираб кўринган иқболдан ҳамон дарак йўқ. Бахтни кутиб зор-интизор термулган кўзлар тешилиб кетди-ку. Ахир, *этай дейман манзилимга кун ботгунча...* Афсус, надомат, армон, дард чулғаб олади юракни беихтиёр. Шоир ўқувчига ана шундай туйғуларни юқтиради. Огоҳликка чорлайди.

Артюр Рембо, Шарль Бодлер каби шоирларнинг *“Маст кема”, “Альбатрос”* сарлавҳали шеърларида, Хулио Кортасарнинг *“Ютуқ”* романида тасвирланган кема ва ундаги йўловчилар бу – ҳаёт, одамлар турмуши, умуман дунёнинг кичрайтирилган лойиҳасидир, тимсолдир. Абдумажид Азимнинг шеъридаги автобус ҳам – ҳаёт, ундаги йўловчилар эса – одамлар образи.

Йўловчи нўноқ ҳайдовчининг гапларига қулоқ тутмайди, алдамчи йўл белгиларига бўйсунмайди, автобусдан тушиб, манзилга яёв кетишга қарор қилади. Энди у фақат ўзига, ўз оёқларига, ўз кўзига, ўз қарорига ишонади.

*Қисматимнинг ёзиғига келиб мункир,
Адо бўлдим соғинчларнинг қучоғида.
Тўхтат дейман, автобусни тўхтат, ахир,
Пиёдалаб жўнашим шарт буёғига.*

*Рўёларнинг оғушида мен соддадил,
Адашибман узоқларга кўз тикканча.
Энди эса юрагимга сиғмайди қил,
Кетаяпман, кетаяпман... бош эгганча.*

Шеър якунида бу ҳаётнинг нималигини, яшашдан мақсад-муддаони англаган, бошқа шеърида тасвирлаган ажриқдек қайта кўкариб чиққан одам тимсоли гавдаланади. Шу пайтгача кўз тикканим рўё экан, узоқларга кўз тикиб, қўл етмас шафақларда ялтираб кўринган нурдан умид қилиб адашибман, дейди йўловчи. “Ота уй, қора қумғон ва танча ҳақида” сарлавҳали шеърида отам дунёдан ўтиб кетди, ундан хотира бўлиб мана шу нарсалар қолди, энди улар қовушмаган биз – ака-укалар, опа-сингилларни бирлаштиради, деб ёзади. “Кетаяпман” шеърида эса мен саробга ишониб, ҳамма нарсани бой бердим, мени интизор кутган ота-онамни ҳам, қадрдонларимни ҳам, орзу-умидимни ҳам бой бердим, энди эса кўнглимга қил ҳам сиғмайди, бошимни ерга эгганча дарду алам билан кетиб бораяпман, деган фикр ишоралар билан баён этилади.

Шоир йўловчи, унинг ватани, ҳаёти, ўтмиши ва бугуни, болалиги, муҳаббати, орзу-армонлари, хаёллари ҳақида шеър ёзишда давом этади.

Шеърларда учрайдиган “Ўзбекистон”, “Сурхондарё”, “Самарқанд”, “Тошкент”, “Шош”, “Қумқўрғон”, “Хўжасоат” каби жуғрофий атамалар эл-юрт, ватан, замондошлар ҳақидаги фикру тасаввурлар, ҳис-туйғуларни бадиий намоён этади. Юқорида таҳлил қилинган шеърда Тошкентдан Сурхондарёга кетаётган

йўловчининг кечинмалари битилган. У “Самарқанд” шеърида шундай ёзади:

*Орзуларим ўчмас офтоби,
Армонларим тўкилган тупроқ,
Афросиёб – тарих итоби,
Хаёлларим элтади узоқ.*

Ватаннинг шон-шавкати, буюк боболарнинг шуҳрати, дунё тараққиётининг бешиги каби кўплаб фикрлар бир сатрга жамланади: *Орзуларим ўчмас офтоби*. Энди шу ўтмишга муносабатимиз қандай, муқаддас обидаларимиз, моддий ва маънавий қадриятларимизни қай даражада сақлаб қолаяпмиз, деган саволларни кейинги сатр изоҳлайди: *Армонларим тўкилган тупроқ*. Армонлар – Самарқанднинг македонлар, чингизийлар каби босқинчилардан кўрган жароҳату талофатлари, рус армиясининг тўплари билан вайрон этилиши ёки юзма-юз жангларда енгилмаган Алп Эр Тўнгани душманлар сулҳ тузамиз дея меҳмонга чақириб, заҳарлаб ўлдириши, Спитамен, Мирзо Улуғбекларга хиёнаткорона суиқасд каби фожиаларни мужассам этган бўлса, не тонг. *Афросиёб – тарих итоби*. “Итоб” сўзи “қаҳр”, “ғазаб” каби маъноларни англатади. Тарихнинг ҳозирги замонга, бизнинг замондошларимизга қаҳр-ғазаб қилиши иборасининг тагида қандай ишоралар борлигини тасаввур қилинг. Тарихнинг яраларига малҳам қўйиш учун биз бугун буюк аждодларимизга муносиб яшашимиз керак, Ватанимизни жондан ҳам ортиқ севишимиз ва ардоқлашимиз зарур, деган хулосалар фикримизни чулғайверади:

*Ў, она тупроғим, қат-қатларингдан
Фарёд-садоларни тингларман беун.*

*Алп Эртўнганинг даъватларидан
Ватан нелигини англарман бу кун.*

– Ҳа, йўловчи, қалайсан? Бизга яна нималарни сўзлайсан, яна нималар ҳақида шеър ўқийсан?

У изидан эргашиб келаётган, тинимсиз таъқиб қилаётган, қаерга борса ҳам этагидан, енгидан тортиб, тинч қўймаётган боладан зорланади:

*Ётар қанча ишларим чала,
Кўча бўйлаб борардим шитоб.
Ортга боқсам, келар бир бола,
Нигоҳида чарақлаб офтоб.*

Юқорида вақт бадий тимсол касб этувчи асарлар ҳақида фикр юритгандик. Абдумажид Азимнинг “Қиём палласи” номли шеъри ҳам ана шу усулда ёзилган. Йўловчини таъқиб қилаётган ўша бола аслида хаёлда бор. Боланинг ўз орқасидан келаётганини хаёлан тасаввур қилади. Лекин ўқувчига хаёлимда келаяпти, деб айтмайди, ростдан келаяпти, дейди. Ўқувчи ростдан ҳам катта одамнинг изидан бир бола эргашиб бораётганини кўради. Ахир, шеърда шундай ёзилган. “Офтоб” образи юксак орзу-ҳавас, умид ва ишонч, кучли интилиш ва ғайратни ифодалайди. *Бола нигоҳида офтоб чарақлайди.* Лирик қаҳрамон – йўловчига изма-из келаверади, у тўхтаса, бола ҳам тўхтади, ниманидир айтмоқчи бўлади. Йўловчининг фиғони фалакка чиқади: *Тошиб борар дилимда алам (Йўқотганман ўзимни чиндан). Ўғлим тенги қайсар, ўр бола, Таъқиб этар тинмай ортимдан.* Қавс ичидаги сатрлар ҳолатни изоҳлайди. Ўзимни, ўзлимимни, орзу-ҳавасларимни, ҳатто ҳаётимни йўқотдим, деган мазмундаги гапларга ишора бор бу жумлада. Балки

у бола орзудир, эътиқоддир, адолатдир... Ким-нима бўлганда ҳам у поклик ва беғуборлик тимсоли. У бола – кучли, ғайратли. Йўловчи чарчаган, ҳориган. Боланинг кўнгли орзу, умид ва ишончга тўла. Йўловчи орзуси ушалмаган, дилида дарду армон, ишончини йўқотган. Бола олдинга, келажакка интилаяпти. Йўловчи эса ўтмишга, орқасига қараяпти...

Вазият кескинлашади, йўловчининг аҳволи янада танг бўлади:

*Кўрмаганман бундай рақибни, –
Таранглашар бардош, асабим.
Бўлди, дейман, тўхтат таъқибни,
Аммо бола уқмайди гапим.*

Рақиб – қарама-қарши томонда туриб беллашади-ган, майдонда кураш тушадиган, енгишга, маҳв этишга ҳаракат қиладиган шахс. Бола беғуборлиги, тоза ва бегуноҳлиги билан ғолиб. Керак бўлса, у йўловчининг рўпарасидаги кўзгу. Унга қараб ўзининг барча қусурлари, айблари, камчиликларини кўради. Бу кўзгу ўзингни тўғрила, йўлингни тўғрила, ахир, ким эдинг, энди ким бўлиб қолдинг, дея огоҳлантиради. Таъқибни асло тўхтатмайди. У – виждон. Одам агар виждони олдида жавоб бермаса, ўзини ўзи тергамаса, қийналмаса, азоб чекмаса, юраги тош қотиб, одамгарчиликдан чиқади, бешафқат махлуққа айланади. Орқасига қараб, болалигини соғинган йўловчи, ўзининг ўтган умрини, нималарга эришиб, нималарга эришмаганини сарҳисоб қилаётган одам. Агар йўловчи боладай мусаффо, ишончи мустаҳкам бўлса, ўз олдига қўйган мақсадига эришган, орзулари ушалганида эди, уларнинг ўртасидаги фарқ йўқоларди. Яъни йўловчи билан бола бирлашарди, битта одам бўларди. Аслида улар битта одам, лекин ораларидаги, қиёфаларида-

ги фарқ уларни икки қарама-қарши қутбга ажратиб юборган.

Шоир руҳий ҳолат, қаҳрамон кайфиятини чизаётганида табиат манзараларига ишора қилади.

*Дилгир ҳаво, сиқилар кўнгил,
Кетаяпман, билмам, қайга мен?
Ўн икки ёш беғам, соддадил
Болаликка қандай қайтаман?*

Аввал керак бўлса вақтни орқага қайтараман, деган шоир энди беғам ва соддадил ўн икки ёшли болаликка қандай қайтаман деяпти. Аслида ўша ўн икки ёшли болаликни моддийлаштириб – изидан таъқиб қилиб келаётган қайсар болани ҳаётий тасвирлагани шоирнинг вақтни орқага қайтарганидир. *Болаликка қандай қайтаман*, деган иборада маънавий эврилиш назарда тутилган.

Йўловчининг нима учун болаликка қайта олмаслиги сабабини бошқа бир шеърдан топамиз.

*Ажални кўзимга илмасдим, илло,
Агарда гўдаклик пайтимга қайтсам.
Ўн олти ёшимга қайтолсам, ҳатто,
Бошқача яшардим ростини айтсам.*

*Зим-зиё кулбадир юракнинг қаъри,
Унда хатоларим, алам, армонлар.
Унда юрагимнинг мунгли дардлари,
Дўзах азобиди ўтган замонлар.*

*Турмуш, бола-чақа қиларкан кўрқоқ,
Жудо бўлдим, наҳот, яқин дўстимдан.
Тўпори болалик – кўзлари чақмоқ,
Бемалол тиғларнинг келар устидан.*

Шоир йўл, қуёш образига қайта-қайта мурожаат қилганидек, болалик тимсолига ҳам такрор-такрор қайтади. Бола билан катта ёшли кишининг ўртасидаги фарқни бадий талқин этади. Инсон ҳис-туйғулари, феъл-атвори, иш-ҳаракати манзараларини чизади, замондошларимиз кайфияти, дарду армонларини тасвирлайди. Юракнинг ич-ичига кириб, сирларни тафтиш қилади, ич-этини еётган одамнинг изтиробларни очиб ташлайди. “Жудо бўлдим, наҳот, яқин дўстимдан” деганда шоир қўрқмас ва довюрак болани, ўз болалигини назарда тутаяпти. Мана, нима учун у “Болаликка қандай қайтаман?” дея юрагини тигляяпти. Катта одамнинг аҳволини қаранг, у қандай яшаяпти, ҳаётнинг икир-чикирларига қандай ўралашиб қолган. Шоир ҳаётини воқеликни тасвирлайди. Қуёшга қараганида кўзлари қамашмаган арслондек ёшлик, қўли ою юлдузларга етган болалик қайда-ю, бўйнига ола хуржун тушгандан кейин эру хотин қўш хўкиз бўлиб, рўзғор аравасини тортаётган инсон қаёқда.

*Айланади гирдимда кунлар,
Уй – ишхона, ишхона ва уй.
Кўкрагимдан босади тунлар
Бола-чақа, рўзғор деган ўй.*

*Юрагимга чаён санчар ниш,
Сиримни бой бермайман аммо.
Ўтиб борар умр – худди туш,
Ҳаёт – ечиб бўлмас муаммо.*

*Кузатади тўрт фасл бизни,
Ғилдирагим айланар секин.
Ўтга-чўққа ураман ўзни,
Рўзғор ғори тўлмайди лекин.*

Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа деганларидек, аравасига тушган қўшиғини ҳам айтади. Ҳаёт қийинчиликлари домига тушиб қолган лирик қаҳрамоннинг аҳволи ҳаққоний тасвирланган.

Шеърнинг кейинги бандларидаги қанотли ибораларда теран мазмун, коса тагидаги нимкоса фикр, кўчма маънолар ниҳоятда таъсирчан. Армондан тансиқ таомлар тайёрлашни тасаввур қилинг. Еганимичганим армон, армон бўлганда ҳам бошқаларникига ўхшамайдиган энг тансиқ армон. Ана шундай тансиқ таомлар қўйилган дастурхондан кечаю кундуз қут-барака узилмаслигини ўйлаб кўринг. Ниманинг қут-баракаси? Армоннинг, дарднинг қут-баракаси. Халқ тилида “Худойим берган дарддан, азобдан айланай!” деганга ўхшаш шукрона сўзга, дуога ўхшайди. Бу сатрда сўз ўз маъносидан ташқарига чиқиб, тошиб, кенгайиб, теранлашиб кетмоқда.

*Уйимдаги бу хотин эса,
Яширади рўзғор камини.
Кир ювади, босади дазмол,
Чиқармасдан асло дамини.*

*Мен кўтариб келган армондан
Пиширади тансиқ таомлар.
Узилмайди ҳеч дастурхондан
Қут-барака кундуз, оқшомлар.*

Чин шоир бетаъма, беминнат ижод қилади. Фақат юрак амрига қулоқ тутади. Ўзини эмас, ўзгаларнинг манфаатини, халқ дардини ўйлайди. Кечаю кундуз ижод қилади, сўз устида ишлайди. Устоз Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, у “Ялангтўш, меҳнаткаш қалам деҳқони”. Қилаётган меҳнатига биров “Ҳорманг!” демаса ҳам қалам-қоғозни ташлаб,

аразлаб ўтириб олмайди. Кўнгилда таъмаю миннат уйғонган лаҳзадаёқ ижод тўхтайтиди. Ундай қалам-каш чинакам бадийий асар ёзолмай қолади. Мардлик, тантилик, фидойилик, саховат, инсонпарварлик, тўғрилиқ каби фазилатларни, Она Ватанни севиб ардоқлаш туйғусини бошқалар шоирлар, ёзувчилар ибратидан ўрганади.

*Сўз деҳқони эрур касбим,
кўнгилларга экарман сўз,
Ўту ҳамал яхши келса,
ҳосилимни кўрарман куз.*

Лекин, афсуски, ижод йўли оғир, машаққатли. Унинг азобини бошидан ўтказган билади.

Шеърнинг қадрли жиҳатларидан бири унинг ҳаётийлиги, жонлилиги бўлса, иккинчиси ана шу ҳаёт ҳақиқатининг бадийий ифодаси сифатидадир. Абду-мажид Азимнинг шеърлари ҳар иккала талабга аъло даражада жавоб беради.

Шеърда тасвирланган йўловчи, у – Абдумажид Азимнинг ўзи, у – мен, у – Сиз, у – адабиётни қисмат деб билган барча ижодкорлар.

“Тонг табассуми” китобидаги шеърларнинг ҳар бир сатрида кўчма маънолар, образли ифодалар, белгилар, ишоралар, аччиқ пичинг ва киноялар бор. Уларнинг маъзини чаққан шеърхон кўп туйғуларни юрагидан кечиради.

“Қиём палласи” сарлавҳали шеърга қайтсак, қуёш фалакнинг энг юқори нуқтасига кўтарилгандан сўнг, энди унинг пастга, кунботишга томон оғаётгани қиём палласидир. Демак, ҳаётининг қиём палласига келган пайт йўловчи умрни тафтиш этиб, болалигини эслаяпти. Бу ёғига қуёш тепага кўтарилмайди, ботишга

оғади. Мана нима учун лирик қахрамон афсус-надоматлар чекапти. Қанча истагани билан қуёш кунчиқишга қайтмагани каби, йўловчи ҳам болалигига қайтолмайди.

*Болалигим. Тупроқ йўл. Дала,
Қайтолмасман энди ортимга.
Кун қиёмдан оғар бир палла
Қор бўралаб ёғар бошимга.*

Бўралаб ёғаётган қорда кетаётган йўловчига одамнинг раҳми келади, ичи ачийди. Шоир ўқувчига ўз туйғусини юқтира олди. Шеър якунига етгандан кейин ўйланиб қоласан. Хулосалар чиқарасан. Бу огоҳлантириш. Умринг шунчаки беҳуда ўтмасин, ўзингдан яхши амаллар қолдир, яхши ном қозон, элу юртингга муносиб хизмат қил, асарларинг, яхшиликларинг билан халқдан дуою раҳматлар ол. Ана шунда афсусланмайсан.

Шеърхон йўловчи мана шундай афсус-надомат билан қолаверадими, деб ўйлаши мумкин. Йўқ, йўл тугамаганидек йўловчининг сабру бардоши, иродаси, руҳий куч-қудрати тугамайди. Туйғулар хаёлдай чексиз, хаёлдай зўр.

“Йўллар” сарлавҳали шеър “Қиём палласи”нинг мантиқий давоми бўлиб янграйди. Тўртга беш туроқли вазн туроқларга бўлинмай бирваракайига яхлит ўқиладиган ўн бўғинли сатрга айланади. Бу оҳангда тезлик, шиддат, шахд кучли бўлади. Шахдам қадам ташлаб кетаётган йўловчи кўз ўнгимизга келади.

*Йўллар пешвоз чиқади қаршимга,
Сурур беради кўнгилларга йўл.
Қуёш тушиб келару аршидан,
Жилмайиб Менга узатади қўл!*

Яна йўл, яна қуёш. Китоб бекорга “Тонг табассуми” дея номланмаган деган ўй кечади хаёлимиздан. Ташхис, шахслантириш, одам бўлмаган нарсаларга одамнинг сурати ва сийратини бериш санъатининг гўзал намунаси намоён бўлади. Йўлларнинг ўзи йўловчининг рўпарасига пешвоз чиқиши, кўнгилга сурур бағишлаши, қуёшнинг осмону фалакдан тушиб келиб, жилмайиб қўл узатиши шодон ва бахтиёр руҳий ҳолатни тасвирлайди.

*Кетар ётоғига оқшом қуёш,
Бир кунимни юлқиб ҳаётимдан.
Осмондаги оқ юлдузлар – бебош,
Пиқир-пиқир кулар ортимдан.*

*Йўл босаман, манзил узоқ-узоқ,
Юракда туганмас сабру бардош.
Менга Онамдай очади қучоқ,
Фалак уммонида боқий Қуёш.*

*Маҳкам суяниб Ер меҳварига,
Пойимда юлдузларни кўраман.
Коинотдан чиқиб ташқарига,
Ўз-ўзимга чуқурроқ кираман...*

Бу муболаға эмас, бу сеҳрли реализм. Қўл етмаган, оёқ етмаган, овоз етмаган, ҳатто нигоҳ етмаган жойга хаёл етади. Йўловчи кўзлаган манзил фазодан, коинотдан ҳам олис. Қуёш бахтнинг, орзуларнинг тимсоли. Инсон нури, ёруғлиги ва ҳароратидан баҳраманд бўлган қуёш фалак уммонида йўловчига қучоқ очади, уни бағрига босади. Йўловчи қуёш билан бирлашиб кетишни, ўзи ҳам қуёшга айланишни хоҳлаяпти. Буюк орзу, эзгу ният. Осмондаги “Оқ юлдузлар” менинг ортимдан пиқир-пиқир қулаяпти, деган гапни айтиш учун одамнинг диди, сезгиси нақадар нозик, тасавву-

ри нақадар кенг бўлиши керак. Бу шеърий сатр чиройли тасвирий манзара бўлиши билан бирга унинг замирида бир нечадан ортиқ маънолар бор. Оқ юлдузлар ялтир-юлтир ёнапти, орзуларим оппоқ юлдузлардек ушалиб осмонга сочилиб кетди ёки ушалмаган орзуларим самода оппоқ бўлиб, оқшомни ёритиб турибди, дейиш ҳам мумкин. Ҳар бир китобхон ўзи тасаввур қилган, ҳис этган ҳолатни кўнглидан кечиради.

Коинотдан чиқиб ташқарига, Ўз-ўзимга чуқурроқ кираман... Бу муболаға, лекин бу образли ифода жуда теран маъноларни англатади.

*“Коинотнинг ҳаётдан иборатлигига ҳеч шубҳа йўқдир. Ҳаёт бўлмаса, бошқа бирор нарса ҳам бўлмайди. Ўзи коинотнинг асл биноси ҳам ҳаётдир”*² – деб ёзади Абдурауф Фитрат. Демак, йўловчи ҳаётдан ташқарига чиқиб, ўзимнинг ўзлигимга чуқурроқ кираман, демоқчи. Одам ўзини англаш учун дунёни, борлиқни, ҳатто коинотни кашф этади. Сайёҳлар нима учун ҳаловатдан кечиб, не азоблар билан кимсасиз оролларни топган. Фазогирлар ўз ҳаётини ўйламасдан, коинотдаги олис сайёраларга қадам қўйишган. Одам зоти бутун коинотни, ҳатто коинотдан ташқарини ҳам билмасдан, ўзини билмайди. Бошқача айтганда, одам табиатини кашф этиш коинотни кашф этишдан кўра мушкулроқ. Одамнинг ўзлигига кириш, уни англаш коинотдан ташқарига чиқишдан кўра мураккаб. Балки, лирик қаҳрамон ҳаётдан, умуман дунёдан бешиб, коинотдан ташқарига чиқиб кетишни истаётгандир. Балки бу ҳаёт, бу дунё у истагандек мукамал эмасдир. “Зарда” сарлавҳали шеърида бу саволларга изоҳ топилади.

*Нима дейсан менга, эй ҳаёт,
Ҳар қадамим эҳтимол хато.*

² *Абдурауф Фитрат*. Наҳот йўли. Танланган асарлар. 5-жилд. – Т.: “Маънавият”, 2010. – Б.70.

*Аминманки, кўкда олий Зот,
Бандаларин унутмас асло.
Ўз ҳолимга қўй мени, ҳаёт,
Нуқсонларим этмагин таъна.
Келар бўлсам бу дунёга бот,
Абдумажид бўлардим яна...*

Эътиқодимни, йўлимни ўзгартирмайман, ўзлигимдан кечмайман, ҳаётга мослашмайман, турмуш қийинчиликларидан енгилиб, мунофиқлик қилмайман! Агар дунёга қайта келсам, яна Абдумажид бўлман, бошқа биров бўлмайман, деган сўзларни ўзига ишонган, йўли тўғри эканига амин бўлган шахсгина айта олади. Ҳаёт билан юзма-юз курашган ҳамма замонларда ҳамма шоирлар. Алишер Навоий учун ҳаёт осон бўлганми? Бобурга ҳаёт кулиб боққанми? Ҳар доим ҳам ҳаёт йўллари теп-текис, равон эмас. Шунинг учун бугунги сертахлика дунёда ёзувчининг миллий ва умуминсоний қадриятларни тараннум этувчи асарларига эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам кучли.

Италиялик ёзувчи Дино Буццати асарига икки персонажнинг суҳбати менга кучли таъсир қилган эди:

“ – Биласизми, ҳаёт менга ёқади, – деди қиз.

– Нима? Нима дедингиз?

– Ҳаёт менга ёқади, деб айтдим.

– Йўғ-ей? Тушунтириб беринг, менга яхшилаб тушунтириб беринг.

– Ҳаёт менга ёқади, бор гап шу. Ундан айрилганга раҳмим келади.

– Ҳой қиз, тушунтириб беринг, бу ниҳоятда ғалати... Ҳой, одамлар, бу ёққа келинг, бунинг гапини эшитинг. Ҳаёт менга ёқади, деяпти бу қиз”³.

³ Дино Буццати. Избранное. Мастера современной прозы. – Москва: “Радуга”, 1989. – С. 5.

Ҳаёт гўзал эмас, ҳаёт мураккаб, ҳаёт қийин, демоқчи Дино Буццати.

Абдумажид Азимнинг шеъри ҳам италиялик адиб ҳикоясига ҳамоҳанг.

Алехо Карпентъернинг “Ибтидога эврилиш” номли ҳикоясида тарихий ва бадий вақт тасвирланади. Ўн уч бобга бўлинган ҳикояда вақт тескари оқади: ҳикоя қахрамони дон Марсиал ўлиmidан – туғилишига томон кечади. Қисқа лаҳзада тараққиёт йўли тўхтатади, ниҳоят одам йўқликка равона бўлишидан олдин оламнинг барча ташвишларидан “батамом озод” бўлади.

Ҳикоянинг VI қисмида шундай ёзилади:

*“Бир куни тунда Марсиаль ҳайратли воқеани кашф этади: уйдаги барча соатлар соат бешга занг уради, ундан кейин тўрт яримга, ундан кейин тўртга, сўнгра уч яримга...”*⁴

XII қисмида эса қуйидаги ҳолат битилади:

*“Очлик, ташналик, оғриқ, совуқ, Марсиаль барча сезгилари билан реал воқеликни ҳис этарди; унинг сезгилари нурни ҳам қабул қилмай қўйди, чунки энди нур унинг учун иккинчи даражали аҳамиятга эга эди. У ўз исмини ҳам билмасди. Чўқинтиришганидан, шўр сувнинг ёқимсиз таъмини туйганидан сўнг унинг учун ҳид билиш, эшитиш, ҳатто кўриш сезгиси ҳам керак эмасди. Унинг қўллари қандайдир ёқимли ва мулойим нарсага тегди”.*⁵

Шу тарзда Марсиалнинг чўқинтирилиши, чақалоқлиги ва она қорнидаги пайти соат милларига тескари суръатда тасвирланади.

Урушлар тўхтади, Американи босиб олган мустамлакачилар ортига қайтади, кемалар бузилиб, да-

⁴ Возвращение к истокам. Мастера Кубинского рассказа, Алехо Карпентъер, Феликс Петро Родригес, Дора Алонсо и др. – Москва: “Художественная литература”, 1989. – С. 26.

⁵ Возвращение к истокам. – С. 33–34.

рахт ҳолатига қайтади, отларнинг тақалари, мис сув-лиқлар, калитлар, қозонлар эриб, ер қаърига сингиб кетади. Гиштлар тупроққа эврилади, уйлар йўқ бўлиб, уларнинг ўрнида бўм-бўш далалар пайдо бўлади. Табиат ўзининг асл ҳолатига қайтади.

Ҳикояни ўқиган китобхон тасаввурида инсонга бахтсизлик ва офат келтирадиган, жамиятни таназзулга олиб борадиган тараққиётнинг кераги йўқ, деган фикр пайдо бўлади. Ёзувчи бу билан инсониятни огоҳликка даъват этади, ёвузликдан тийилишга чорлайди.

Абдумажид Азим шеърида ҳаёт билан юзма-юз курашга туришида, коинотдан ташқарига чиқиб кетиб, ўзимга чуқур кираман, деган қайсар дил изҳорида Алехо Карпентьер ҳикоясига уйқаш мазмун мавжуд.

“Тонг табассуми”даги шеърларда фалсафий мазмун, мажозий маънолар билан бир қаторда тимсоллар, ташбеҳлар, ўхшатишлар, истиоралар, эркин сўз бирикмалари янгилиги ва бетакрорлиги билан ажралиб туради.

*Тупроғингга тушганим онда
Илдиз отиб, дондай нишладим.*

Шахси маълум гапдагидай матнда мавжуд эмас, лекин келиб чиқадиган хулосада бўртиб намоён бўладиган истиора – дарахт рамзи шахсни ифодалайди. Тупроқ, бу – Ватан. Илдиз истиораси дондай нишлаш ўхшатиши билан уйғунлашиб, фикрни ёрқинлаштирмақда. Қуйидаги шабнам истиорасида ҳам Ватан, эл-юрт, халқ тушунчаларига сифат берилган.

Бир шабнам бўлсам...
Дарёлар кафтида кулсам қиқирлаб.

Шоир нима учун шабнам бўлиб дарёга қўшилишни истайди? Чўлпон “Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир,

халқ кучдир” деганидек, дарё, бу – халқ. Халққа камар-баста бўлишни назарда тутати шоир. Яна бир шеърда бу истакдан мақсад ёрқинроқ намоён бўлади:

*Ойдаи тўлай дедим, ой бўлмаганда,
Кундай қулай дедим, кун қулмаганда,
Саҳрода йўловчи оч, чўллаганда
Анҳор бўлай дедим ҳеч бўлмаганда.*

Ватанга муҳаббат, асарлари билан эл-юртига хизмат қилган адибнинг умри боқий бўлиши тараннум этилган қуйидаги сатрлардаги мажоз-истиора ўз жи-лоси билан диққатни тортади. Ўзбекистон халқ ёзув-чиси Тоғай Муродга бағишланган шеър юракда маъ-нос, аини пайтда ёқимли ҳис-туйғу уйғотади.

*Сурхон борсам, қўзларим ёнар,
Тушиб келар қирдан лолалар.*

Қирлардан қизил кўйлак кийган қизлар тушиб ке-лади, деган гапни шоир лолалар тушиб келади, дейди. Лолалар – қизларни ифодаловчи истиора.

*Ўзгармаган ҳеч не ҳаётда,
Кўкда қуёш собит турибди.
Олисларда – Хўжасоатда
Тоғай Мурод кулиб юрибди.*

Тоғай Мурод вафот этгани йўқ. У шаҳардан олис-лардаги Хўжасоат қишлоғида кулиб юрибди, деган са-мимий сатрлар замирида халқнинг бетакрор ёзувчига бўлган чексиз меҳру муҳаббати англашилади.

Ватанга муҳаббатни баён этадиган тимсоллар қа-торида шамол тимсоли ҳам ўзига хос моҳиятга эга.

Муболағани қаранг:

*Миниб боргум саломатлик бўлса,
Бойчибордек булутларни оппоқ.*

Тиним билмайдиган, олис масофаларни писанд
этмайдиган шамол. Шамолга тўсиқ йўқ, чегара йўқ.
Шамолни тутиб бўлмайди, унинг қўл-оёғини боғлаб
бир жойга қамаб бўлмайди. У ҳамиша озод.

*Дайдиган шамолларни кучаман,
Кечган умрим...Эртакми ё хаёл?
Бўлди, бас, мен ўзимдан кечаман,
Эна, мен шамолман... Мен шамол-л!*

Ёмғир, қор ёғаётганининг ўзи одамга ажиб кай-
фият, завқ бағишлайди. Шоир бу манзарани чиройли
таърифлашининг завқу шавқи бўлакча.

*Ўхшаб атак-чечак болага,
Қиқир-қиқир кулади ёмғир.*

Соҳибжамол қизнинг ёноқларига оппоқ қорлар-
нинг капалакдек қўниши каби нафис ўхшатишни
фақат шеърда, шоирона тилдагина айтиш мумкин.
Ўша оппоқ қор каби сулув қизга яқин бўлиш истаги
ошиқнинг беғубор тилагидир.

*Ҳусн қўшар яна ҳуснингга,
Оппоқ қорлар беғубор, маъсум.
Капалакдай қўнган юзингга
Оқ қорларга келар ҳавасим.*

Зангор кеча, яъни баҳор тасвирланган куйидаги
шеърда эса, севимли, аммо тошюрак қиз васлидан умид-
вор тонггача кутган ўспирин йигитнинг тоза хаёли кўн-
гилни пок ва беғубор ҳисларга ошно этади. Дарахтларга
дардини айтиб, уларнинг шохига тирмашиб, қиз яшай-
диган ҳовли деворидан мўралаган йигитнинг ўзи ҳам
тонгда гулга айланиб қолади. Гул бу – севги, муҳаббат,
табиатга хушбўй ифор ва алвон ранг бағишлаб, кўзни
қувонтирадиган, дилни яйратадиган ҳис-туйғулар.

*Ўтиб борар зангори кеча,
Чўзилади онларим йилга.
Оғочларни мен қуча-қуча,
Айланаман саҳарда гулга.*

«Тонг табассуми» шеърлар тўпламига Абдумажид Азимнинг машхур рус шоири Евгений Евтушенко шеърларидан она тилимизга маҳорат билан ўгирган таржималари ҳам киритилган. Таржима қилинган шеърлар ўзбекча ёзилгандек табиий ва жонли чиққан.

*Мен сени бахтдан ҳам севаман зиёд,
Сени қўп севаман муҳаббатдан ҳам,* – каби сатрлар Алишер Навоийнинг «Жондан сени кўп севармен, эй умри азиз» рубойисини ёдга солиши рус шоирининг ўзбек шеърлятига муҳаббатини англатади. Шоирнинг барча яхши шеърлари қатори зубтурум ҳақидаги шеърдаги тимсолнинг нақадар теранлиги китобхонни ҳайратга солади. Таржималар Абдумажид Азим шеърлярига узукка кўз қўйгандек ярашиб тушган.

* * *

Бугун мамлакатимиз ижтимоий тарихида аввалгига ўхшамаган янги давр бошланди. Бу хусусият барча соҳалар қатори бадий адабиётга ҳам дахлдор. Янги даврнинг янги адабиёти бўлади. Шубҳасиз, ана шу янги давр адабиётида Абдумажид Азим ўз шеърляри билан муносиб ўрин эгаллайди.

Бунга шоирнинг янги нашр этилаётган “Тонг табассуми” номли китоби далил бўлади.

Рустам МУСУРМОН,
Қорақалпоғистон Халқ шоири

Бир экин Бўсам



ЭЛ ИШОНЧИ

Хузурингга ўз жигаринг – уканг келди,
Шошилтирма, нафасини ростлаб олсин.
Очсин сенга занглаб ётган қулфи дилин,
Дилидаги дардларини тўкиб солсин.

Кўп ёмондир синса ногоҳ дил шишаси,
Адолатнинг чароғидир кўкда қуёш.
Кўрқоқликка йўйма унинг андишасин,
Тўқсон икки томирида яшар бардош.

Андишаю имон ҳаққи, у турар жим,
Оқ-қорани ажратади лек бехато.
Амалдорсан, прокурор ёки ҳоким,
Аввало, халқ ишларингга берар баҳо.

Кибрни қўй, кўкрагингда илдиз отган,
Эшигингдан келганида жеркиб солма.
Бечоралар бошин сила тушиб отдан,
Аттанг қилиб, оқибатда куйиб қолма.

Зимистонда қура олмай уйга танча,
Кўз тиккандир қари момо холисларга.
Даҳоликка даъвогарлар ўтди қанча,
Туя миниб, ташла назар олисларга.

Қачонгача дўқ-пўписа, бақир-чақир,
Кимман, дея олд-ортингга қара, укам.

Яхши-ёмон бир кунимиз ўтар ахир,
Сен аввало эл корига яра, укам!

Пул харжлама ёнингдаги ҳамёнингдан,
Совға учун, майли, кирма дўконларга.
Худо ҳаққи, ерга тушиб осмонингдан,
Елкангни тут юк кўтарган инсонларга.

ЎЗБЕК ЭЛИМ

Тоғ ғурурли, Амудайин тошқин феълим,
Ҳотамтойим, саховатда очиқ қўлим,
Ҳурматингга кўксимдадир икки қўлим,
Отажоним, мангу ёруғ юзли элим,
Ўзбек элим, ялангтўш, бир сўзли элим.

Элим, дея ёниб-куймай, бўлмай фидо,
Эл-улусга ҳеч ким бўлмас эш, раҳнамо.
Ниятларинг холис бўлса, иншооллоҳ,
Не ушалмас орзуларинг бўлгай бажо.
Отажоним, мангу ёруғ юзли элим,
Ўзбек элим, ялангтўш, бир сўзли элим.

Қилаётир адолату жаҳолат жанг,
Юракларнинг журъатида ўзга жаранг,
Тўралару амалдорлар хушёр қаранг,
Кенг дунёга дарвозалар очилди ланг,
Отажоним, мангу ёруғ юзли элим,
Ўзбек элим, ялангтўш, бир сўзли элим.

Дейдиларки, эрга навбат, шерга навбат,
Кимга керак ишдан қочган қуруқ савлат,
Ўғил бўлиб кўрсатингиз элга ҳиммат,
Белни боғлаб, ишламоққа келди фурсат,

Отажоним, мангу ёруғ юзли элим,
Ўзбек элим, ялангтўш, бир сўзли элим.

Ўтмишингга замин гувоҳ, осмон гувоҳ,
Адолатнинг йўлларида қоқилдинг гоҳ,
Аллоҳ кўллар букун сени, иншооллоҳ,
Отажоним, мангу ёруғ юзли элим,
Ўзбек элим, ялангтўш, бир сўзли элим.

САМАРҚАНД

Орзуларим ўчмас офтоби,
Армонларим тўкилган тупроқ.
Афросиёб – тарих итоби,
Хаёлларим элтади узоқ.

Шоҳизинда ўйчан ва ҳазин,
Ўтолмайман бу ердан бефарқ.
Азон айтар тарих – муаззин,
Хаёлларга бўлганича ғарқ.

Мир Алишер бобом сўзлари
Регистонга қолмиш тўкилиб.
Темур бобом чақноқ кўзлари
Авлодларга турар тикилиб.

Илдизлари мозийга кетган,
Минорларинг фалакка хитоб.
Падарини ўғил қатл этган
Замонлардан келяпсан шитоб.

Қолмиш тарих пучмоқларида
Сон-саноқсиз жанглар урҳоси.
Бугун Сиёб қирғоқларида
Гўдакларнинг янгроқ овози.

Юрган каби сирли эртакда,
Кезсам қадим кўчаларингни.
Севиб қолдим, шаҳрим, юракдан,
Кундай ёруғ кечаларингни.

ХАВОТИР

Емирилар озон қатлами,
Зилзилалар, тошқин, довуллар.
Чексиз Тайга кенгликларида
Яшнаётган ўрмон ловуллар.

Замин узра глобал исиш,
Қурумлардан қорайган осмон?
Ўшшамайди нега қишга қиш,
Арктикада оқ айиқ ҳайрон.

Дарёлардан қочар балиқлар,
Фарёд чекар борлиқ, наботот.
Ер кўксида алам, оғриқлар
Дардларига тополмай нажот.

Қайлардадир ҳарбий тўнтариш,
Қайлардадир террор хуружи.
Оврупода маънавий чириш,
Тезлашади юрак уриши.

Тушунолмай азал сирига,
Туғилади савол басма-бас:
Чоҳ қазмоқдан бири-бирига,
Аҳли олам нечун тўхтамас?

Кириб келар офату бало,
Чегаралар ортда қолмоқда.

Қутурганча СПИД, эбола,
Ёқамизга човут солмоқда.

Бош кўтарар ҳамоқат, даюс,
Чора топмай одамзод гаранг.
Гўё ғордан чиққандек иблис,
Қутқу солар дунёга, қаранг.

Бир-бир ўтар кўзим ўнгидан
Нотинч дунё яна бир карра.
Нима кутар йўлнинг сўнгида,
Наҳотки бу охирги марра?

Қайда қолди имон, диёнат,
Тўхта, одам, ортингга бир боқ.
Авлодларга қилмоқ хиёнат –
Гуноҳлардан энг оғир гуноҳ.

МУЛОҚОТ

– Осмонларга талпинган чинор,
Қаддинг бунча расо ва ўктам.

– Чунки менинг заминга туташ
Илдизларим бордир мустаҳкам.

– Қирғоқларни ўпирган дарё,
Қайдан сенда бу ёвқур қудрат?

– Таянчим бор тоғ деб аталган,
Олдим ундан туганмас шиддат.

– Инсон нега доим мағрурсан,
Журъатингда пинҳон не асрор?

– Билиб қўйинг, қаерда юрсам,
Қўллагувчи Ўзбекистон бор.

МЕНИКИ

Осмонингда офтоб кулар,
 Еллар – гўдак бола, шошилар,
 Булутларнинг пок ўнгиридан
 Найсон эмас, соғинч сочилар.

Кўзларимни очиб ҳар саҳар,
 Шафақларга юзландим интиқ.
 Чопқилладим сахий, мунаввар,
 Кенгликларда ҳад, поёни йўқ.

Завол билмас навқирон замин,
 Аёзингда уч ой қишладим.
 Тупроғингга тушганим онда
 Илдиз отиб, дондай нишладим.

Ҳамал кирар, амал кирар, боқ,
 Уйғонмоқда борлиқ, ҳамма ёқ,
 Бутоқларин ўрайди бодроқ,
 Саҳаргача ўриклар оппоқ.

Ёз, куз, баҳорларинг меники,
 Тиниқ наҳорларинг меники,
 Қирларингда яшнаган майса,
 Гулу гулзорларинг меники.

Ҳар заррангда ҳис этиб минг сир,
 Ардоғингдан масрурман, масрур,
 Бир ушоғинг, болангман, ахир,
 Онам бўлиб дуо қилиб тур!

ХУДОЙИМ

Униб-ўсар фарзандларим – қанотим,
Карамингни мўллаб тургин, Худойим.
Набирамда бардавомдир ҳаётим,
Саодатга йўллаб тургин, Худойим.

Тирик жонки, Яратгандан боумид,
Ҳеч бировни этмагайдир ноумид,
Хоҳи кекса, хоҳи навқирон йигит,
Бошларини силаб тургин, Худойим.

Хом сут эмган бандага хосдир хато,
Мисолидир бобомиз Одам Ато,
Кечиргувчи Ўзингсан, қодир Оллоҳ,
Гуноҳимиз тилаб тургин, Худойим.

Жабборсану Гаффорсану Гофирсан,
Раҳмонсану Раҳимсану Қодирсан,
Ҳар ердаки ўзинг ҳозир нозирсан,
Мўминларни қўллаб тургин, Худойим.

Қору ёмғир осмондандир, бегумон,
Тавба-шукур инсондандир, бегумон,
Ватан севмоқ иймондандир, бегумон,
Ҳақ нурини элаб тургин, Худойим.

Шайтонларни банди зиндон айлаган,
Мўъминларни Қуръон ила сийлаган,
Мустафога уммат қилиб сайланган,
Бандаларни сийлаб тургин, Худойим.

Ғанимат фурсатдир тириклик они,
Ҳар кимга ёр бўлсин дину имони,
Имонлилар сақлаб турар дунёни,
Ҳақ йўлига йўллаб тургин, Худойим.

ТУРКИЙ ЛАФЗГА БЕРИБ ЖОН

Ҳазрат Алишер Навоийга эҳтиром

Кўзим очиб дунёда бир ғариб очун кўрдим,
Адоғи йўқ, боши йўқ борса келмас тун кўрдим,
Бўрилар орасида жайрон бўлиб кун кўрдим,
Замон билан тиллашиб ҳолимни забун кўрдим,
Дилимга боқсам, дилда девона Мажнун кўрдим.
Илдиз отдим осмонга ёриб чиқиб кўнгилни,
Босиб ўтдим лаҳзада Каъбагача бу йўлни.

Ўтириб дил дарсида унутдим гоҳ хушларни,
Эслатма тарих менга қонхўр одамкушларни,
Ёқтирмади жинларим бачкана олқишларни,
Беш аср поёнида кўрдим ғайбий тушларни,
«Лисон ут-тайр» узра парвоз этган қушларни,
Фано водийси узра юкуниб пок тилакка,
Ўзбегимни опичлаб элтарман келажакка.

Ушоғини ҳар махлуқ оппоғим дер, болам дер,
Ардоқлайди кафтида одамзодни она ер,
Кўрсатдим не каромат хижолатдан босар тер,
Дуч келдим бир ҳикматга тарихларга солиб сер,
Шербаччалар қонида улғаяркан нарра шер,
Келдим ҳузурингизга мир ҳазрати Алишер,
Хитодин то Румгача улус, аймоқ якқалам,
Жомолунгма баробар кўтаролдингиз алам¹.

Ўткинчидир бу дунё, омонатдир тожу тахт,
Гувранади пойимда Жайхун каби замон, вақт,
Енгиб Вақту замонни ҳазрат Сизда собит аҳд,
Элингизга қайтибсиз қаддингизни тутиб шахт,
Не тонг, улуғ замонга муяссар ўлмиш бу бахт.

¹ Алам – байроқ.

Ўзбек яшар дунёда, ўчмас токи отингиз,
Унутмагай то Маҳшар наслларим ёдингиз.

Борса келмас кечалар ортидан зиё келмиш,
Тонгда кўзимни очсам шўх субҳи сабо елмиш,
Илм истаб Афғондан не марду зебо келмиш,
Хуросондан ул зотдан бир хайру дуо келмиш,
Туркий қавм қалбига бир меҳригиё келмиш,
Олис Ҳиротдан чиқиб Туркистонга етдингиз,
Туркий лафзга бериб жон, оламни забт этдингиз.

УЙҒОН, ТУРКИСТОН

(Чўлпон нидоси)

Ватанда ватансиз қолган дарбадар,
Бу кеч оёқяланг сафарга шайлан.
Ёху деб оламни кезган қаландар,
Дунёни бир тепу, Машрабга айлан.
Не тавр махлуқдир букун одамзод,
Имону виждонлар сотилар пулга.
Хўрлик, ҳақоратлар чеки йўқ, ҳайҳот,
Ким шубҳа уйғотса олинар қўлга.
Ногаҳон бузилиб замон авзойи,
Оломон қилади сени сазойи,
Деяр бу кимсанинг турмада жойи,
Тиқингиз, чиқмасин ҳаттоки войи.
Гирду атрофингда хоин, жосуслар,
Юрар от устида қилвири, дузлар,
Пўписа қилади элга махсуслар,
Турмага сиғмайди сонсиз маҳбуслар.
Халқ душмани ўша, элим деса ким,
Кимки тилим деса, дорга тортилар.
Бутун элу улус тилин ютган, жим,

Бошин кўтарганлар шартта отилар.
Имон ёнаяпти, дилларда нафрат,
Қасос оловига дош беролмас тан.
Ич-ичимни эзар бир савол фақат,
Қаёқларда қолдинг, онажон Ватан?
Пашшадай урчиган кўрқоқ, нобакор,
Аёвсиз тирнайди кўнглим ярасин.
Наҳотки инсоний қадрият бекор,
Нечун эшитилмас Темур наъраси?
Ватансиз толе йўқ, дард йўқ, ҳаттоки,
Қувғинди арвоҳдек умрим афтода.
Лек инсон ҳаётга келаркан токи,
Хур яшаш ҳуқуқи бордир дунёда.
Ў, она тупроғим, қат-қатларингдан
Фарёд-садоларни тингларман беун.
Алп Эртўнганинг даъватларидан
Ватан нелигини англаман бу кун.
Етар яшаганинг ҳақир ва бешаън,
Ҳайқир, товушингдан ёришсин жаҳон.
Кулочингни кериб, мажақлаб кишан,
Ғафлат уйқусидан уйғон, Туркистон.

1989

БИР ЭПКИН БЎЛОЛСАМ

Бир эпкин бўлолсам,
Баҳорий насим,
Шошқин жилғалардек чопсам шарқираб.
Қай тупроққа тегса яшил нафасим,
Дов-дарахт, гиёҳлар кетса гуркираб.
Уйқули кўзларин саҳар ишқалаб,
Керишиб уйғонса замин у осмон.
Туя ўрқачидай адирлар саф-саф
Умид-ла термилса уфққа томон.
Офтобдан энтикиб порласа шафақ,
Найсон абрлари қўлимдан тутса.
Кавокиб базмини бошласа фалак,
Мудроқ коинотлар уйғониб кетса.

Қатра нур бўлолсам
Кўклам айёми,
Мурғак куртакларнинг кўзида кулсам,
Гуллар жилвасида ҳаёт пайғоми, –
Майсалар тилида жовидон бўлсам.
Мунис онам каби қучоғин очиб,
Қутлаб олқишласа келганим жаҳон.
Оламга фусункор атирлар сочиб,
Ўрик гулларида кўз очсам, ларзон.

Бир шабнам бўлолсам
Беғубор тонгда,
Ёруғ манзилларга кўзимни тиксам.
Уммондай кўпирган бу издиҳомда
Ич-ичимга сиғмай қувнаб, энтиksam.
Дарёлар кафтида кулсам қиқирлаб,
Найсонлар бағрида туғилсам наҳор.
Сени севаман, деб айтсам шивирлаб,
Ҳаёт, қулоғингга такрор ва такрор!

Кетсам имконим бор,
 Тагин бир карра,
 Ўзим-ўзлигимни англамоқ учун.
 Сингсам бу заминга заррама-зарра
 Илдизлар шивирин тингламоқ учун.

2015

ЙЎЛЛАР

Йўллар, бекатлар ўтиб бораман,
 Сабру саботимни тўплаб Юракка.
 Кундуз юраман, кеча юраман,
 Тин олмасдан етгунча тилакка.
 Кўтарилган ҳаётим елкани,
 Еллар шошилтирар: ҳой, тезроқ бўл!
 Далли дарё экан умр дегани,
 Умр дегани чексиз, туганмас йўл!

Йўллар пешвоз чиқади қаршимга,
 Сурур беради кўнгилларга йўл.
 Қуёш тушиб келару аршидан,
 Жилмайиб Менга узатади қўл!
 Дейман, севаман, севаман, Қуёш,
 Кулиб-кулиб уфқлардан тарат нур.
 Сенга талпинади борлиқ, тоғ-тош,
 Жами тириклик сендан олар қўр.

Кетар ётоғига оқшом қуёш,
 Бир кунимни юлқиб ҳаётимдан.
 Осмондаги оқ юлдузлар – бебош,
 Пиқир-пиқир кулар ортимдан.
 Ўтди неча қимматли фурсатим,
 Вақт оқади мендан изн сўрамай.
 Юракка йиғиб имкон, ҳиддатим,
 Йўл босарман ортимга қарамай.

Йўл босаман, манзил узоқ-узоқ,
Юракда туганмас сабру бардош.
Менга Онамдай очади кучоқ,
Фалак уммонида боқий Куёш.
Маҳкам суяниб Ер меҳварига,
Пойимда юлдузларни кўраман.
Коинотдан чиқиб ташқарига,
Ўз-ўзимга чуқурроқ кираман...

* * *

Минг йилдирки, ичаяпсан ғам,
Ташналиқдан бўлмассан халос.
Нажот ҳақдан дея билсанг ҳам,
Лут, Манотга қиларсан ихлос.

Минг йилдирки, аъмолинг тайин,
Гуноҳингни ўлчар тарози.
Ҳамла қилар шайтони лаъин,
Ўкинасан йўлингдан озиб.

Минг йилдирки, пушмон ва алам,
Кемиради тинмай ич-ичинг.
Изтиробни этганча маҳрам,
Сукутдасан, деёлмайсан ғинг..

Минг йилдирки, экканинг хато,
Говлайверар мисли чирмовуқ.
Осмонда ҳам, ерда ҳам аммо
Яшаш учун топмассан ҳуқуқ.

Тузоғида нафс – рўёни
Ўз-ўзингни азобга солдинг.
Танимасдан ҳали дунёни,
Ҳақ эгамга сен осий бўлдинг.

Ўз-ўзингни ўтларда ёқиб,
 Ачинмайсан ҳеч ҳаётингга.
 Издиҳомлар ичра улоқиб,
 Югурасан, боқмай ортингга.

Минг йилдирки, тутарсан мотам,
 Хочга михлаб Исо Масиҳни.
 Минг йилдирки, ичаяпсан ғам,
 Алқаб-алқаб қора ёзуқни.

ЙИЛЛАРИМ

О, ортимда қолган йилларим –
 Хаёл каби кечган ўтмишлар.
 Болаликда очган йўлларим
 Ўт-ўланлар босиб кетмишлар.

Ҳаёт менга берди хўп сабоқ,
 Йиғламадим ғусса келганда.
 Юрагимга тушди минг ямоқ,
 Йиғлаш лозим маҳал кулганда.

О, ортимда қолган йўлларим,
 Шўхликларим, бўзлигим бебош.
 Вазмин тортди дарё дилларим,
 Парво қилмас отсалар-да тош.

Маккор дунё ҳарис, бадният,
 Қориштирди тупроққа қай кун.
 Уваланмай, синмай, хайрият,
 Тегирмондан чиқолдим бутун.

О, ортимда қолган йўлларим,
 Адашмадим мен атай, қасддан.
 Алдадилар гоҳо дўстларим,
 Чув тушдим гоҳ ўзим билмасдан.

Енгиб ўтдим тўсиқлар келса,
Чап беролдим ногаҳон ўққа.
Ким оёқдан билдирмай чалса,
Куч тополдим туришга тикка.

Писанд эмас энди тузоқлар,
Тўхтамасман жалаю дўлда.
Ортда қолди қанча ҳамроҳлар,
Мен-чи, ҳамон йўлдаман, йўлда.

Интиламан, билмайман ҳориш,
Қайтиш йўқдир асло у аҳддан.
Хотин, бола-чақа, рўзғор, иш,
Айирмасин ҳаёт шу бахтдан!

ТОҒАЙ МУРОДГА

Бўлганимда Сурхон ёқларда,
Олис йиллар тушар ёдимга.
Бўйин эгмай бобо тоғларга
Гувранади Сурхон пойимда.

Ўша-ўша, билганим Сурхон,
Порлар улкан юлдузлар кўкда.
Алпкелбат ҳув Бўри полвон,
Рақибларин отади тикка.

Гавжум Денов бозори ҳануз,
Игна отсанг, тушмайди ерга.
Тарлонини қидириб ёлғиз,
Зиёдулла изғийди қирда.

Зангор қирда талашар улоқ,
Юлдузни кўзлаган тарлонлар.

Гувранади туғилган тупроқ,
Юрагимда сўнгсиз армонлар.

Зилол сувдай тиниқ бир кеча,
Ойдинларда одамлар уйғоқ.
Ҳамсоямиз Момосулув чеча,
Ғам чекади, дея бир тирноқ.

Сурхон борсам, кўзларим ёнар,
Тушиб келар қирдан лолалар.
Ўғлим келди, дея суюнар,
Ота, Сиздан қолган далалар.

Ўзгармаган ҳеч не ҳаётда,
Кўкда қуёш собит турибди.
Олисларда – Хўжасоатда
Тоғай Мурод кулиб юрибди.

НЕ БАХТДИР...

Қилмай дийдорига ташна, интизор,
Болаларинг доим қошингда юрса.
Бехос қаҳратонда томинг босса қор,
Лаббай Ота, дея хизматда турса.

Сочингга оқ тушиб,
Кексайган чоғинг,
Кувончини кўрсанг ўғил-қизингни.
Меваларин тотсанг кўкартган боғинг,
Жаннатда сезавер мисли ўзингни.

Миннатдор бўлишиб қуда-билишлар,
Шаънингга ёғдирса ташаккур, раҳмат.
Узилмаса ҳаргиз бориш-келишлар,
Роҳатга айланар чекканинг заҳмат.

Кўрдим не зотларни ўктам, валломат,
Фарзандлар важдан бўлмапти сонда.
Келса ўғил-қиздан таъна, маломат,
Кўлингни ювганинг маъқул жаҳондан.

Арпа экиб, зинҳор буғдойни кутма,
Ҳалолдан луқмани айлагин одат.
Имон диёнатни бир зум унутма,
Асли оталик ҳам буюк ибодат.

Дилбандларинг бир-бир оёққа қўйсанг,
Қолмаса кўнглингда заррача армон.
Дехқондай сарбаланд хирмонлар уйсанг,
Не бахтдир,
Тўқ бўлса хирмонингда дон.

Неваралар юрса чошиб гирдингда,
Қорунда бўлмагай бундаин давлат.
Барака топибсан, демак, умрингда,
Кўрганлар десалар, пири бадавлат.

* * *

Офтоб нурларин қониб ичаман,
Нақ қуёшга етади қўлларим.
Ложувард осмонларда учаман,
Уфққа чирмашган олис йўлларим.

Узоқларга қадалгандир кўзим,
Ёғдуланар шафақларим ол-ол.
Субҳи байзо, бот йўлларга чиқгум,
Орзуларим сиз – чашмадай зилол.

Йўллар мени бошлар йироқларга,
Узоқларда қолиб кетар энам.

Келасанми, деган сўроқларга,
Ишларим кўп... ягона баҳонам.

Манзилга етарман толе кулса,
Юрагимда туғёнларим – чақмоқ.
Миниб боргум саломатлик бўлса,
Бойчибордек булутларни оппоқ.

Йиллар ўтар, йироқда манзилим,
Не савдолар бу бечора бошда.
Калимага ҳеч келмайди тилим,
Эна, мен бошқа...Эна, мен бошқа.

Дайдиган шамолларни кучаман,
Кечган умрим...Эртакми ё хаёл?
Бўлди, бас, мен ўзимдан кечаман,
Эна, мен шамолман... Мен шамол-лл!

ОТА УЙ, ҚОРА ҚУМҒОН ВА ТАНЧА ҲАҚИДА

Отам кетиб, тоғим қулади,
Хувиллади гавжум ота уй.
Билмам, энди нима бўлади,
Ич-ичимни кемирар бир ўй.

Ака-ука, опа-сингиллар,
Оқибатдан олардик сабоқ.
Ой нуридай тоза кўнгиллар
Бир-бирига интизор, муштоқ.

Чор тарафга тақдир бизларни,
Тариқдайин сочди-ку қай пайт.
Қимтиб энди қайноқ ҳисларни,
Кўришамиз бепарво, лоқайд.

Болаликда қадрдон уйга
Бегонасан, дегандек бу кун.
Бориб қолсам толиқиб йўлда,
Дарвоза ҳам инграйди маҳзун.

Кимлар бўлди бу уй эркаси,
Танчадаги олов лангиллар.
Ўтиради қисиб елкасин,
Ака-ука, опа-сингиллар.

Тиллар дарров қовушмас сўзга,
Пасту баланд росту ўтриклар,
Отам кўприк эди-ку бизга,
Ёниб битмиш, эсиз, кўприклар.

Тушунишни бошлаймиз базўр,
Тилдан эмас, соғинч нигоҳдан.
Қайнаб тошар, қиламан ҳузур,
Қора қумғон танча ўчоқда.

Қора қумғон ота қадрдон,
Болаликда қўлим куйдирган.
Кимлар келди ўшандан буён,
Ким узлатга қараб юз бурган.

Кетган сира қайтмайди ортга,
Ғаниматдир умри бебақо.
Ким дунёнинг тубига етган,
Азиз экан, дийдорлар танҳо.

Гапларимиз секин қовушар,
Ёришади хира кўнгиллар.
Қора қумғон танчада жўшар,
Чуғурлаймиз ака-сингиллар.

Ёзилади ғуборлар дилда,
Кечмишларни яйраб эслаймиз.
Юз очади баҳор кўнгилда,
Болаликка томон юзлаймиз.

Яхшиямки, экансиз омон,
Қора қумғон ва танча-ўчоқ.
Отамизни эслатиб бир он,
Оқибатдан бердингиз сабоқ.

БАҲОР БЎЛАЙ ДЕДИМ

Каҳқашон юлдузлар бошимда порлаб,
Табассум қилганда ёнига чорлаб,
Томирда туғёнли туйғулар гурлаб,
Шарор бўлай дедим, ҳеч бўлмаганда.

Боқиб самовоту Сомон йўлларга,
Баҳру уммонлару чанқоқ чўлларга,
Қатра нур кўрмаган ночор дилларга,
Мадор бўлай дедим, ҳеч бўлмаганда.

Йиллар синовига ярарми сўзлар,
Кўнгилга сиғмайди тўфонли ҳислар,
Бири-бирингизни соғинган кезлар
Дийдор бўлай дедим, ҳеч бўлмаганда.

Тўлиб тошса ҳамки дардим ичимга,
Дастурхон қилмадим аммо ҳеч кимга,
Имон чироғини ёқиб кўксимга,
Бедор бўлай дедим, ҳеч бўлмаганда.

Ётар тўнтарилиб осмоннинг жоми,
Қуёш чарақлайди – фалак пайғоми,

Қайда ўқилади қисмат аҳкоми,
Тайёр бўлай дедим, ҳеч бўлмаганда.

Ойдаи тўлай дедим, ой бўлмаганда,
Кундай кулай дедим, кун кулмаганда.
Саҳрода йўловчи оч, чўллаганда,
Анҳор бўлай дедим, ҳеч бўлмаганда.

Мен ахир инсонман, одамзод насли,
Мустафо талъатли, Ийсо нафасли,
Қалбимда гуркираб найсонлар фасли,
Баҳор бўлай дедим, ҳеч бўлмаганда.

ЎРГИМЧАК ТҶРИ

Интернет дунёни этди маҳлиё,
Ёлғону ҳақиқат қоришди бир-бир.
Ўргимчак тўрида подшоҳу гадо,
Оламни ўзича этади таъбир.

Сира ҳожат йўқдир кезишга раста,
Савдони қизитар виртуал олам.
Интернет соғларни этади хаста,
Беморни тузатар валлоҳу аълам.

Баайни мўъжиза, интернет, билсанг,
Этгайдир истаган ҳожатинг раво.
Аммам бузоғидай лаллайиб турсанг,
Чув тушиб қолганинг билмайсан аммо.

Виртуал оламга кириб қолсанг, бас,
Чексиз бир уммонда сузиб бошлайсан.
Чалғитса йўлингдан бехос бир нокас,
Муқаддас ҳисларни бузишга шайсан.

Ўғрига қароқчи беради фириб,
 Ажратиб ола бил қораю оқни,
 Тавба, деб ёқангни тутасан, кўриб –
 Бир доно ёнида ўнта аҳмоқни.

Виртуал оламда ошкор не сирлар,
 Бир ёқда гап ўйнар сатанг холалар.
 Изҳори дил этар чолу кампирлар,
 Виртуал оламда боғча болалар.

Очиб интернетда сенга қучоғин,
 Иғвогар сириггни ўғирлар зимдан.
 Енгида тутганча ўтмас пичоғин,
 Ғаламислар юрар пусиб изингдан.

Жаҳонни кезганда интернет бўйлаб,
 Бир ўй хаёлимни чулғайди ҳар гал.
 Дўстлар, чиқишни ҳам олайлик ўйлаб,
 Ўргимчак тўрига киришдан аввал.

ДЎСТ ОВОЗИ

Хастаҳол эдим мен,
 Хаёл паришон,
 Таскин қидирардим борлиқ, дунёдан,
 Ҳаётдан берарми, дея бир нишон,
 Имдод қидирардим
 Олис самодан.
 Хастаҳол эдим мен,
 Хазон боғларга
 Термулиб кўзимдан думаларди ёш.
 Ҳавас-ла боққанча бардам, соғларга,
 Улар чехрасида кўрардим қуёш.

Хастаҳол эдим мен,
 Дарддан енгилган,
 Ёру дўст йўлига маҳтал бўлардим.
 Насибам узилган, паймонам тўлган,
 Саҳройи гиёҳдек
 Сарғайиб сўлардим.
 Хастаҳол эдим мен,
 Излаб тасалло,
 Жовдираб боқардим чор-атрофимга,
 Дердим, бу кунингдан ўлганинг авло,
 Керагинг қолмапти энди ҳеч кимга.

Хастаҳол эдим мен,
 Совуқ эди кун,
 Электр узилган, музлаган хона.
 Телефон симлари эса соқов, гунг,
 Ўзимни сўкишга излаб баҳона,
 Деярдим, бу ҳам кам сенга аслида.
 Хастаҳол эдим мен,
 Ғариби дийдор,
 Соатнинг капгири урарди тик-тик,
 Йўлига кўз тикиб ташна, интизор,
 Кутардим келишин бир дўсти содиқ.

Хастаҳол эдим мен,
 Пажмурда юрак,
 Деярдим, ё Худо, жоним ол, тезроқ.
 Шу пайт жиринглади ногаҳон гўшак,
 Гўё осмонимда чақнади чақмоқ.
 Гўшакни кўтарсам,
 Дўстимнинг саси,
 Олис-олислардан берарди садо.
 Қайноқ каломида
 Ҳаёт нафаси,
 Мени яшамоққа ундарди гўё...

КИТОБ ЎҚИ

Кўли очик деймиз сахий, Ҳотамтойни,
Кўзи очик деймиз китоб ўқиганни.
Олиб берма, майли, осмондаги ойни,
Ёниб турсин кўксингдаги имон чўғи,
Ҳотам бўлай десанг, болам, китоб ўқи.

Асослидир айтган дастак-даъволаринг,
Етти иқлим танир закий, даҳоларинг,
Бухорийлар, Термизийлар боболаринг,
Кўк тоқида боболаринг шаън-шукуҳи,
Олим бўлай десанг, болам, китоб ўқи.

Одамзодда туганмасдир орзу-ҳавас,
Илмни ҳам барча бирдай кўтаролмас,
Ҳақ зиёга ташналигинг етарли, бас,
Синмагайдир азал-абад адл туғи,
Болам бўлай десанг, болам, китоб ўқи.

Не уммонлар олдда турар кечилмаган,
Не тилсимлар одамзодга ечилмаган,
Илм иста, илм қолмасин сен билмаган,
Ранжимасин десанг боболарим руҳи,
Олам билай десанг, болам, китоб ўқи.

Илм керак, уммонларни кечар бўлсанг,
Қанот боғлаб фазоларда учар бўлсанг,
Мен етмаган юлдузларни қучар бўлсанг,
Илм олмоқ башарият ҳақ-ҳуқуқи,
Бекам бўлай десанг, болам, китоб ўқи.

Жиловлагин фурсат шахту шитобини,
Тингла, ўғлим, аҳли дониш хитобини,
Уққин обдан аввал ҳаёт китобини,
Келажакнинг сенга айтар сўзи шуки,
Одам бўлай десанг, болам, китоб ўқи.

Үч күүлүк дүңө



БОБО СЎЗ

Эшқобил Шукурға

Авайлаб асрайлик кўхна сўзларни,
Аждодлар руҳини шодлантирайлик.
Эрта қизармасин десак юзларни,
Сўзларни ҳаётга отлантирайлик.

Сўзлар мисли гўдак – беғубор, сабий,
Эркалатсак кулар, қувониб шодон.
Оловда куймаган Самандар каби
Асрлар қаъридан келар соғ-омон.

Сўзлар келажакнинг мангу баҳори –
Қирларни бўяган оловли туғён.
Сўзлар – Кошғарийнинг номуси, ори,
Машрабни дорларга йўллаган исён.

Ёмондир, юлдузсиз зулматли тунда
Карвонлар саҳрода изсиз йўқолса.
Ундан ёмонроқдир, жумла очунда
Одамзод тилидан мосуво бўлса.

Сўзлар онамиздай бир куни ногоҳ,
Ҳасратда қолдириб кетмасин бизни.
Жажжи боламизни этгандек ардоқ,
Кўзу қароқларда асрайлик сўзни.

Қадрини англамай бобо сўзларни,
 Бичсак баҳосини арзон-гаровга.
 Яссавий кечирмас асло бизларни,
 Солсак ўзимизни чулчут-соқовга.

Онам алласидан қонимга кирган
 Сўзларга суяниб узундир тилим.
 Навойни билмай ўзбекман деган
 Касларга узатгим келмайди қўлим.

УСТОЗ АБДУЛЛА ОРИФ ДУОСИ

Бўлсайди одамзод ожиз бир банда,
 Уни яратмасди қодирул Халлоқ.
 Сағир кечаларим зор йиғлаганда,
 Кўксимда уйғонди шафақлар – оппоқ.

Ёниб оловларнинг оташ домида,
 Ҳақу ҳақиқатга ўтдим ташна, зор.
 Ўзбекни куйладим, ўзбек номидан,
 Оламга бўйлади мен битган ашъор.

Йўлимда учради гоҳи-гоҳида
 Имондан мосуво шайтонлар анча.
 Ўтдим дунёсининг сўлу соғидан,
 Ажаб савдоларга ҳайрон бўлганча.

Гумбакка ўралган ипак қуртидай,
 Бўлдим ўзим билан андармон гоҳо.
 Гийбат ўрмаласа гоҳо ортимдан,
 Гоҳо аташдилар шоири даҳо.

Йиғиштир, дедилар оху нолангни,
 Тил тишлаб гоҳида, юрак бўлди қон.

Ҳимоя этганча шеърим – боламни,
Ўқларга кўксимни айладим қалқон.

Истеъдод бозорда пулга сотилмас,
Ҳазрат Навоийга юкиндим танҳо.
Ортимдан тош отиб толмади нокас,
Итларга таланди карвоним гоҳо.

Гоҳо бир хасчалик топмайин қадр,
Осмонлар бағридан изладим нажот.
Гоҳо онам каби эркалаб тақдир,
Лутфидан бенасиб этмади ҳаёт.

Беҳисоб шукурки, ҳурлик шамоли
Ўзбек доврўғини ёйди осмонга.
Ўғлинг Абдулланинг эзгу аъмоли,
Шавкатинг зиёда бўлсин жаҳонда!

Ҳаёт-мамотимиз Худодан аён,
Ҳар ким ўз умрини яшайди барҳақ.
Кетсам-да, қўлларим дуода ҳамон:
Элимни асрагин паноҳингда, Ҳақ!

КЕТАЯПМАН...

Кетаяпман, кетаяпман, йўллар чигал,
Тонг шафағи толиқтирар кўзларимни.
Олисларда уйим мени кутар маҳтал,
Дала-даштлар соғинади изларимни.

Адаштирар мени йўлнинг белгилари,
Толчивиқдай ингичкарди жуссаларим.
Кутаётир, ахир, ука-сингилларим,
Лаҳза-лаҳза ортар алам-ғуссаларим.

Кутаётир олисларда онажоним,
Исёнларга даъват этар ўжар феълим.
Ета олмай менинг эса ҳалак жоним,
Ўз-ўзимни қидирганча... Унмас йўлим.

Ўткинчию бақосига ишим йўқдир,
Кўзимдаги ёшларимни ютдим тахир.
Оёқ остим тупроқ эмас, лағча чўғдир,
Ота уйга етмоғим шарт кечга, ахир.

Ҳайдовчилар тушунмайди аҳволимни,
Ака, дейди ҳовлиқасиз нега бунча?
Толиқдим-ку кута-кута иқболимни,
Етай дейман, манзилимга кун ботгунча.

Қисматимнинг ёзиғига келиб мункир,
Адо бўлдим соғинчларнинг қучоғида.
Тўхтат дейман, автобусни тўхтат, ахир,
Пиёдалаб жўнайман шарт буёғига.

Рўёларнинг оғушида мен, соддадил,
Адашибман узоқларга кўз тикканча.
Энди эса юрагимга сиғмайди қил,
Кетаяпман, кетаяпман... бош эгганча.

КЎНГИЛ

Уч кунлик бу козиб дунёда
Йўловчиман, пою пиёда.

Синса, енгим ичида қўлим,
Ўтар кўнгил мулкидан йўлим.

Кўндим сенга, тақдир аъмолим,
Ачинмайман талатиб молим.

Кутганларим менга зор эмас,
Вале, ҳасрат менга кор эмас.

Босимлардан, ҳарна, синмадим,
Юравердим, зинҳор тинмадим.

Етказ, дея мақсад, тилакка,
Мен таваккул айладим Ҳаққа.

Чалғимадим ниятдан, йўлдан,
Кўнгил узолмадим кўнгилдан.

Осмонларга қўлимни бердим,
Оймомога дилимни бердим.

Еру осмон жамланди кўзга,
Жумла жаҳон айланди сўзга.

Кўнгил билан суйдим, суйилдим,
Ўз-ўзимни танидим, билдим.

Дарёларнинг мавжида оқдим,
Қуёш бўлиб заминга боқдим.

Кўзгу этдим кўзим оламга,
Сувдай тутдим кўнглим боламга.

Гарчи бисёр дўстдан душманим,
Ҳаётимдан йўқдир пушмоним.

Келса шодлик, келса-да гоҳ ғам,
Пешвоз чиқдим қошига шахдам.

Дил мулкида бир бахти бекам,
Яшай олдим бўлиб мен одам.

Қай кез ўтсам даҳри фанодан,
Демангизлар кетди дунёдан.

Холис бўлса кўнгилда ният,
Ўзгармас ҳеч маъно-моҳият.

Қобиқ – вужуд бўлару чил-чил,
Аммо мангу барҳаёт кўнгил.

ФИҒОН

Ортиб бораётир дилда иштибоҳ,
Ҳаёт уммонида сузганим сари.
Бир хасга илашиб омон қолсам гоҳ,
Гоҳ тортиб кетади гирдибод қаъри.

Уммоннинг қаватма-қаватларида
Қалқиб бораяпман зору гирёна.
Ўтган манзилларим работларида
Қасру саройларни кўриб вайрона.

Одамлар боришар қоматлари дол,
Дунё ғамларидан сочлари оппоқ.
Ҳаёт висолига тўймай, эҳтимол,
Очофат тупроққа очмоқда кучоқ.

Ва бу одамларнинг ҳасрат оҳидан
Қорайиб кетмишдир осмонлар саҳни.
Чиқолмай бир умр ғурбат чоҳидан,
Эвоҳ, унутмишлар инсоний бахтни.

Тоқатим етарми шомми, азонда
Қатра нурга зорлар ортимда гирён.
Киборлар тўдаси бу пайт бир ёнда,
Итлари бўйнида тилладан маржон.

Момом, энагинам – эгачим мунис,
Қани кўзларингда порлаётган чўғ?
Кепак баҳосида одамнинг хуни,
Одаммисан, деган бирор одам йўқ!

Яшаш қандай оғир, очун тошбағир,
Ҳансираб, бўғриқар толиққан жаҳон,

О, қандай замонда туғилдим, ахир,
Урён оловларга кирдим беомон?!

Дунёнинг қаватма-қаватларида
Чирмовуқ гуноҳлар бормоқда ўсиб.
Оламнинг вайрона сарҳадларида
Сарғайиб сўлмоқда тоқат қон қусиб.

Наҳотки менга бу кўргуликлар ҳеч,
Сабру қаноатдан ўриш арқоғим.
Қаёққа бошимни урайин бу кеч?
Қулаб кетаётир суянган тоғим.

Қуёш уфқларга ёнбошлар аста,
Талош палласида бағри қон шафақ.
Ўлмоғим муқаррар оний нафасда,
Худойим, банданга тўзим бер фақат...

* * *

Бу ҳаёт сўқмоқлари неча довлонлардан ўтар,
Гоҳ чағир тошли, гоҳи роҳи равонлардан ўтар.

То фано саҳросида умрингдан кечса неча йил,
Шодлигу ҳасратга эгиз фурсат, онлардан ўтар.

Гоҳ авбош қилмиши айлагай бағрингни хун,
Гоҳи улфатлар пичинги тану жонлардан ўтар.

Каж қисмат йўллари этмасин тоқатни тоқ,
Бегумон чархи фалак яхши-ёмонлардан ўтар.

Барчамиз меҳмондурмиз бу синов дунёсида,
Олам аҳли то туганмас имтиҳонлардан ўтар.

ЭЙ, БИРОДАР

Эй биродар, бунча тангу норозисан,
Бахт эмасми, хотиринг жам, жонинг омон?
Давраларда йигитларнинг хўрозисан,
Ёру дўстинг ҳозир-нозир чорлаган он.

Тилинг бурро,
қадамларинг шахдам-шахдам,
Билагинг зўр, ҳатто филни ағдарасан.
Арпангни хом ўрган каби аҳли олам,
Нега бунча аччиқ тутун қайтарасан?!

Тирикликнинг ўзи асли эмасми бахт?
Жўшиб-жўшиб қон чопади томирингда.
Айт-чи, ўзинг,
Экканмисан битта дарахт,
Бир ниҳолга сув қуйдингми ё умрингда?

Элу элат далаларда бел букканча
Тер тўқади эртаю кеч чекиб заҳмат,
Шоша-пиша югуради энтикканча,
Ёшу яланг мактабига,
бу ҳам меҳнат.

Айт, дунёнинг каму кўсти қачон тўлган,
Тилакларинг эзгуликка ўрадингми?
Яхши-ёмон кунларингда тиргак бўлган
Бемор қўшнинг аҳволини сўрадингми?

Парвонадир қабатингда қизу ўғил,
Ишларинг зўр,
ошиғинг ҳам доим чикка,
Эй биродар, айт-чи, недан тўлмас кўнги,
Айюҳаннос соладирсан еру кўкка?

Инсон боши
 Оллоҳимнинг тоши, билсанг,
 Тушар бориб, қайга отса, у бехато.
 Чориғингни кўтар,
 жўна, чидамасанг,
 Чидаганга чиқаргандир асли дунё.

Ўз-ўзингча бўлар-бўлмас чекиб фиғон,
 Осмонларга сапчиганинг кимга даркор?
 Одамзодга бир коса сув ва бурда нон
 кифоядир,
 Қолганлари бари бекор.

НИЯТНИ ЯХШИ ҚИЛСАНГ

Шоқол бўлар баковул арслонлар ухлаганда,
 Йўрғалар ёлғон-яшиқ, ҳақиқат тўхтаганда.

Кори бадлар қилмиши ёмонлик, ранжу малол,
 Яхшиларнинг ҳиммати яшамоқ камтар, ҳалол.

Парҳезда бўла олсанг нодонлар суҳбатидан,
 Демак, доим дархонсан бемаҳал кулфатидан.

Илон чиқар инидан тилларингдан томса бол,
 Акси бўлса мабодо, очилгайдир ўзга фол.

Ниятни яхши қилсанг, Эгам ўзи ёр бўлгай,
 Ёмонларнинг, алҳазар, мурдаси ҳам хор бўлгай.

Эзуликдан ахтариб мудом қувончу сурур,
 Тоғдай юксалиб яша, бошингни тутиб мағрур.

Ўтмай десанг оламдан надомату пушмонда,
 Одам бўлиб яшагин, тириксан то жаҳонда.

Феълингдан гўлу гумроҳ, исён қилар виждон гоҳ,
Юракка тушмасин доғ, имонингни сақла пок.

Беармон бир замон йўқ, дард чекмаган жон йўқ,
Ниятни яхши қилсанг, сендан бахтли инсон йўқ.

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ

Иззату эҳтиром мужассам унда,
Кўнгилни тоғ этар мўътабар калом.
Бир-бирга дуч келсак кечами, кунда,
Хурмат ила деймиз, салом-ассалом.

Салом дегани, бу – тинчлик, ҳаловат,
Каттаю кичикка таниш, қадрдон.
Рўзғоринг бут бўлса, жонинг саломат,
Бундан-да улуғроқ бахт борми, инсон?

«Ассалом-алайкум, бўлинг соғ-омон»,
Бу калом танимда мисли жондайин.
Шу тилакда жамдир замину осмон,
Азиз, ардоқлидир иссиқ нондайин.

ТИЛАК

Фарзандларимга

Мурғак гўдақларим, соф юракларим,
Нозик ниҳолларим, асал, болларим.
Сизларга бахшида пок тилақларим,
Порлоқ юлдузларим, оқ хаёлларим.

Беғам тойчоқларим, тиниқ кўзларим,
Кирай сизлар учун майли, ўт, чўққа.

Бу дунёда менинг ўчмас изларим,
Қанотингиз бўлай, учсангиз кўкка.

Қувонч-шодлигингиз чегараси йўқ,
Сизга бегонадир ташвиш, ғалвалар.
Ишдан қайтишимни кутасиз интиқ,
Сизга келтирайин олтин олмалар.

Жовдираб боқади кўзингиз мунчоқ,
Тошда ундирарман гуллар сиз учун.
Битта кулгингизда кўнглим бўлар чоғ,
Сиз хафа бўлсангиз, қоронғу очун.

Сизлар отангизнинг қувончи, бахти,
Олтин олмаларга тўлсин қўйнингиз.
Сизга эҳсон бўлсин Сулаймон тахти,
Шаҳри Сусамбилда ўтсин тўйингиз.

* * *

Отланаман ҳар кеча Сурхон,
Йўллар менга тилайди тўзим.
Онам ёзиб менга дастурхон,
Меҳр билан силайди юзим.

Йўқдир, қадоқ қўлингга, она,
Қарамоққа бардош ўғлингга.
Атрофингда бўлиб парвона,
Бўлолсайдим тиргак белингга.

Хаёл қушим учганда ногоҳ,
Писанд этмай масофа, йўлни.
Қўмсаб олис болаликни, оҳ,
Не армонлар ўртайди дилни.

Болалигим – оппоқ наҳорим,
Кеча эди митти гулғунча.
Кўнгилда кўз очган баҳорим,
Қаёқларга шошилдинг бунча?

Соғинчларнинг йўқдир адоғи,
Дардларимни елга экайми?
Кетсин дея юракнинг доғи,
Осмонларга ўтов тикайми?

Отам эккан дов-дарахт, экин
Ҳали-ҳамон яшнаб гуркирар.
Бузрукворим эсласам, лекин
Жолаларим кўздан тирқирар.

Отам дебди сўнги нафасда:
«Ҳолим ўғлим билмасин зинҳор».
Неча йилки, жоним қафасда,
Қиёматга қолди, деб дийдор.

Қирқ йил кезиб далли девона,
Шошнинг шошқин кўчаларини.
Мен соғинчга алмашдим, Она,
Ёшликнинг оқ кечаларини.

Ҳеч ким билмас бориб келганим,
Қаршилайди тонгда азим Шош.
Ота уйда меҳмон бўлганим
Сен биласан, синглим, қалдирғоч!

* * *

Ажални кўзимга илмасдим, илло,
Агарда гўдаклик пайтимга қайтсам.
Ўн олти ёшимга қайтолсам ҳатто,
Бошқача яшардим, ростини айтсам.

Зим-зиё кулбадир юракнинг қаъри,
Унда хатоларим, алам, армонлар.
Унда юрагимнинг мунгли дардлари,
Дўзах азобида ўтган замонлар.

Турмуш, бола-чақа қиларкан кўрқоқ,
Жудо бўлдим, наҳот, яқин дўстимдан.
Тўпори болалик – кўзлари чақмоқ,
Бемалол тиғларнинг келар устидан.



Айса бүгүб күтарарман бои



ҲАМАЛ

Уйғонади ариқлар, уйғонар оқар сувлар,
Ўнгирилларда уйғонар пода-пода сурувлар.

Далалар уйғонади офтобдан эмиб нур,
Зардолу гулларида ўзгача шавқу сурур.

Чумолилар уйғонар, уйғонади арилар,
Жилоланиб камалак самога күтарилар.

Шамоллар уйғонади, уйғонар қари терак,
Уйғонади күксимда тошиб, ҳайқириб юрак.

* * *

Осмонда тизилиб турна галаси,
Мовий кенгликларга солар арғимчоқ.
Қалди роқ қарсиллаб саҳар палласи,
Зарҳал палакларни тикади чақмоқ.

Аллалар күнгилини шамол – арғанун,
Шошилиб ёнингдан ўтади ҳилол.
Илоҳий мўъжиза юз берар бу тун,
Юлдузлар очмоқда толеингдан фол.

Гўё бир санамни қолгандек севиб,
Кўчалар кезасан илиқ кечалар.

Мажнунтол тагида,
ёмғирда ивиб,
Балоғат чечаги очар ғунчалар.

Наҳорлар уйғонар чиройда бекам,
Борлиқ таровати ўзгарар бирдан.
Деразангни очсанг айни субҳидам,
Ёришиб кетади хоналар нурдан.

Осмонлар зангори,
Зангор ўнгирлар,
Бодомлар гуллайди Сурхон томонда.
Дейсан, Худойимга беҳад шукурлар,
Етдим баҳорларга омон-омонда.

2014

* * *

Қаҳратонлар чекиниб, юз очмоқда баҳорлар,
Юракларда ҳаяжон, томирларда шарорлар.

Насимлар шивиридан энтикади дарахтлар,
Сойларда музлар эриб, тошиб борар канорлар.

Кўзимиз қувонтирди буюк чевар – табиат,
Атрофу жавонибга солиб нақшу нигорлар.

Нури тажаллий зоҳир ҳар майса нигоҳида,
Товланди алвон-алвон, қирларда лолозорлар.

Оламини кўҳна дердим боқиб ажин юзига,
Ювилмиш бир кечада чеҳрасидан ғуборлар.

Олиб келди шамоллар йироқлардан ёр бўйин,
Худойим насиб этса, кўришурмиз дийдорлар.

НАЙСОН КЕЧАСИ

Олам нурга тўлди бошқача,
Хаёлларим сочилди елга.
Тоғлардаги оддий тошгача
Чуғурлашиб кирдилар тилга.

Бўлган эдим ташналаб роса,
Бу дамларга етиб келгунча.
Турнакўзли чашмалар, тоза –
Сувларига қондим тўйгунча.

Кўз очади сулув бойчечак
Фаслларнинг келинчагида.
Эркаланиб кулади куртак
Шамолларнинг беланчагида.

Ёлғизоёқ сўқмоқдан борар,
Болалигим – беғам, навқирон.
Айни саҳар тушимга кирар
Олисларда шовуллаб Сурхон.

Адирларда лов-лов қизғалдоқ,
Юрагимга оловлар ёқмиш.
Ўн олтига кирган қизалоқ
Кўз учида жилмайиб боқмиш.

Оддийгина гул эди гуллар,
Гофил эдим, эҳ, шу ёшгача.
Юрагимга қўнгач булбуллар,
Дунё кўзга бўлди бошқача.

ЭВРИЛИШ

Шошилади ҳаёт – жовидон,
Кутар мени бокира тонглар.
Ғуборларин ювади осмон,
Томирларда югурар қонлар.

Кўйлак каби кечаги кунни
Мен устимдан ечиб отаман.
Яқин қилмоқ учун йўлимни
Кенг далани кесиб ўтаман.

Олдда ҳали ажиб бир ҳаёт,
Умид билан қарайман йўлга.
Момо ердан қувват олиб бот,
Бутоқларим ўрайман гулга.

Ибтидога эврилмоғим шарт,
Яшнаганда умрим баҳори.
Олдда орзу, умидлар бегард,
Чорлар мени гуллар ифори.

Келганида саховатли куз,
Узилганда бандидан япроқ.
Олар мени жимгина бесўз,
Илиққина бағрига тупроқ.

Она ердан куч олиб қайта,
Майса бўлиб кўтарарман бош.
Яратганга саловат айта,
Талпинаман ўзингга, қуёш.

* * *

Булутларни аллалар шамол,
Чекинади қайсар аёзлар.
Бош кўтариб майсалар дарҳол,
Қушлар кўкда этар оғозлар.

Шудгорланмай қолган далага
Найсон суви сингади оғир.
Ўхшаб атак-чечак болага
Қиқир-қиқир кулади ёмғир.

Осмон тоза, ҳаволар тоза,
Симираман тўйиб, бемалол.
Табиатдан олиб андоза,
Ярқирайди фалакда ҳилол.

Юракларга ташлаб ғалаён,
Югуради гап уқмас еллар.
Кўклам гўдак боладек шодон,
Қир-адирлар узра чопқиллар.

Келинчакдай ясаниб баҳор,
Турналарни қаршилар яна.
Осмон зангор, далалар зангор,
Сўқмоқларда зангор тантана.

Нигоҳларда орзулар порлар,
Ичилмаган орзулар жоми,
Шафақларда оппоқ саҳарлар,
Туғилажак кунлар пайғоми.

Шукур, яна етдим баҳорга,
Ҳароратдан кўпчийди тупроқ.
Кўзим очсам эрта наҳорда,
Зардолулар гуллабди оппоқ.

ЗАНГОРИ ТУН

Зангори тун гуллар оғочлар,
Сен гулларни кўзга илмайсан.
Тўлғанганча ёстикда сочлар
Шивирлайди, аммо билмайсан.

Зангори тун, ухламас чироқ,
Феълинг ҳамон ўжар ва тантиқ.
Эшигингда турибман, бироқ
Бир сўзингга интизор, интиқ.

Зангори тун киприкдай қисқа,
Бир сўзингни кутаман шу тоб.
Яратгандан тошбағир қизга
Тонгга қадар сўрайман инсоф.

Ўтиб борар зангори кеча,
Чўзилади онларим йилга.
Оғочларни мен қуча-қуча,
Айланаман саҳарда гулга.

2015

ЭЙ

Эй, қалбимни ёндирган,
Кўзларим қувонтирган.
Ўзни ўздан тондирган,
Йиғлатиб, юпантирган.

Эй, қадлари суманбар,
Кўксингда мушки анбар,
Чашмингда кулар саҳар,
Зулфингда ухлар хатар.

Эй, бепоён осмоним,
Томиримдаги қоним,
Мисли руҳи равоним,
Жоним ичинда жоним.

Эй, нозик мўрча белли,
Шоҳ киби хунхор феълли,
Феъллари хилли-хилли,
Не шаҳду шакар тилли.

Эй, аршдаги меърожим,
Мунисим, қалдирғочим,
Жоним этай хирожим,
Қоши камон, қиймочим.

Эй, гул бўлиб яралган,
Гул ифори таралган,
Жонга тиғдек қадалган,
Фақат менга аталган.

АДАШГАН МАКТУБ

Улоқтирди тақдир узоққа,
Ҳай-хув, деб олиб кетдим бош.
Сен дарвозанг олдида менга
Рўмолинг силкидинг, қаламқош.

Қайга сочган тақдир насибам?
Энди уни термоғим даркор.
Мени чорла умид-ла, эркам,
Эшигингга келганда баҳор.

Чорла мени авжи саратон,
Мевалар ғарқ пишган кезларда.
Ёмғирларин қуйганда осмон,
Хазонрезги заъфар кузларда.

Дема, қисмат ҳижрон экан-да,
Тушларимга тез-тез кириб тур.
Соғинч мени толиқтирганда
Узоқлардан, эркам, кулиб тур.

Кўкрагимда сарғайган сурат,
У кунлардан ўчмас хотира.
Ҳузурингга борарман, албат,
Умидингни гулларга ўра...

2015

* * *

Мен сени суйганимни
Осмонларга айтган чоғ,
Тўкиб булутлар кўз ёш,
Чақнади кўкда чақмоқ.

Мен сени суйганимни
Сўйлаганда гулларга,
Шивирлади ғунчалар
Севгимни булбулларга.

Мен сени суйганимни
Ошкор этсам сойларга,
Сувлар оқизиб кетди
Сирим узоқ жойларга.

Мен сени суйганимни
Эшитди дашт-далалар.
Оғизларин ланг очиб
Лолу ҳайрон лолалар.

Мен сени суйганимни
Елга қилсам овоза,
Еллар тинглаб дил розим,
Қоқди бориб дарвозанг.

2014

ЎРАНМОҚДА ДУНЁЛАР ОППОҚ

Ўранмоқда дунёлар оппоқ,
Оппоқ қорлар ёғмоқда маъсум.
Учрашамиз бекатда ногоҳ,
Кўзларингда сирли табассум.

Хусн қўшар яна хуснингга
Оппоқ қорлар беғубор, маъсум.
Капалакдай қўнган юзингга
Оқ қорларга келар ҳавасим.

Олиб кетар сени автолар,
Юрагимга солганча излар.
Умид ила кунлар, ҳафталар,
Жовдирайди нигорон кўзлар.

Абадият қўшиғин куйлаб,
Яна қорлар ёғмоқда маъсум.
Келар дея турарман пойлаб,
Кутмаса-да бекатда ҳеч ким.

2015

ЎТИНЧ

Ёнмасман, ўтда ёқсанг,
Чўкмасман от, уммонга.
Биргина кулиб боқсанг,
Бошим етар осмонга.

Ҳозир бўлсанг ёнимда,
Кўкда қанот ёзардим.
Туғён ёниб қонимда,
Муродимга етардим.

Десинлар, ишқ осмонда,
Десинлар, севги гуноҳ.
Токи таним бор жонда,
Ўзингсан менга паноҳ.

Айтай десам сиримни,
Ишонмасман қаламга.
Қандай яшай умримни
Сен бўлмаган оламда?!

Булутларда ўйнайман,
Юрак – қўлимда машъал.
Севги, сендан тонмайман,
Ҳаётим Сен, Сен ажал.

Ҳам ерда, ҳам самода
Билмасман асло тўзим.
Сен бўлмасанг дунёда,
Кимга керакдир сўзим?

Тоғларда мисли Фарҳод,
Тошларни қилгум талқон.
Биргина ўтинч фақат,
Сўзларимга Сен инон.

1994

* * *

Олис масофалар, йиллар сўнгида,
Чеҳранг нигоҳимда бўлар намоён.
Бир-бир жонланади кўзим ўнгида
Ёшлигим боғлари тоза, навқирон.

Ўчмас хотирамдан нигоҳинг маъюс,
Саволлар чарх урар: нимага, нега?

Яшашга кўникдик бир-бирдан олис,
Бўйсуниб тақдири азал измига.

Лабларинг ненидир пичирлар аста,
Хазонлар кезасан чалғитиб ўзинг.
Эҳтимол, кўзларим тушади эсга,
Илиқ ҳароратдан титрайди кўксинг.

Ўзинг яқинимсан, ўзинг йироғим,
Балки, бахтлидирсан ҳижрон шаҳрида.
Ҳамон олислардан чашми қароғинг,
Мени чорлайверар ҳаёт бағрига.

Эшигим ортидан мўралайди куз,
Фақат бир тасалли менга кифоя,
Тонг-ла қиёматда кўришармиз юз,
Шоядки, Аллоҳим қилса иноят.

2015

ДИЛ РОЗИ

Йўлингга нигорон,
Келишинг кутдим,
Сен келдинг, ҳаётим, Тангридан ато,
Соҳир лаҳзаларда мутлақ унутдим,
Умрим йўлларида қилдим не хато.

Унутдим кунларни ғариб,
Ўксиган,
Аччиқ ашкларингга ювдим дил доғим.
Тортиб олди мени аёз кўксидан
Ҳаёт ваъда этган алвон дудоғинг.

Рухим саҳролари кийдилар яшил,
Ғусса-андуҳларим кетдилар бадар.

Булдуруқ бўғотда қарсиллаб чил-чил,
Зангор фасллардан айлади хабар.

Шукроналар айтиб тақдирга такрор,
Адирлар бағрида сарсари кезсак.
Бизга аталгандир, гулим, бу баҳор,
Лолалар сайрини ихтиёр этсак.

Алвон лолалардан кийиб қаболар,
Лоладай ловуллаб умримга кирдинг.
Келдинг,
кўзларингда кулиб дунёлар,
Нурсиз ҳаётимга зиёлар бердинг!

Дедим, кўзларингнинг хуш имосида
Кўшкимиз бўлгайдир бепоён осмон.
Бу замин устида, бу кўк остида
Биз бахтли бўлурмиз, севгилим, ишон!

Бахтимиз ошени бўлар самовот,
Нону туз улашар юлдузлар бизга.
Кўзларингда порлаб тураркан ҳаёт,
Ҳатто ажални ҳам илмасман кўзга.

Мен сенга шамолни
Кўрмасман раво,
Сен менга Яратган эгамдан тортиқ,
Уйимиз бўлгайдир коинот, само,
Мен сени севаман жонимдан ортиқ.

2015

ХУШ КУНЛАР

Хийла инжиқ эдим, нозиктаъб хийла,
 Қақнус қанотида учардим куйлаб,
 Қисмат қартасини минг бора чийлаб,
 Юрдим раъноларнинг раъносин сайлаб.

Не бахт, тилакларим мустажоб айлаб,
 Келдинг ҳаётимнинг тонгига бўйлаб.
 Эгам зуваламиз бир лойдан ийлаб,
 Сени инъом этди бандасин сийлаб.

Сочинг тароқлади ойлар тароғим,
 Бусту бутун бўлди юрак – қуроғим,
 Гуриллаб шуълайи шамъи чароғим,
 Тўлди зиёларга чашми қароғим.

Қайта яшилланиб тана, япроғим,
 Ҳамалдан муждалар эмди бутоғим,
 Мени мендан кўра ўйлар кўпроғим,
 Ўзинг зироатим унган тупроғим.

Ўтиб бораётир дунё равиши,
 Тилда асал-боли, тишида ниши,
 Қўш-қўш қувонч ила ғаму ташвиши,
 Ўрин алмашади баҳор, ёз, қиши.

Бир-бирин кетидан шодон қувишиб,
 Кунлар ўтаётир, қара, бувишим,
 Кеча бошингдаги қорлар кумушин
 Кўриб, юракларим кетди увушиб.

Тиллари шакарим, сўзлари болим,
 Тириклик боғида нозик ниҳолим,
 Ҳаётим даштида чашми зулолим,
 Садоқат мулкида танҳо иболим.

Рўзғор юкларидан қадлари долим,
Аллоҳ ато этган жуфти ҳалолим.
Иқболим, аъмолим, умри камолим,
Хуш кунлар муборак, энди, аёлим!

* * *

Кулиб кўзинг учида,
Суюнчигим, суйдирдинг.
Ўтлар ёқиб ичимга,
Юрагимни куйдирдинг.

Кўзимда ҳижрон ашки
Қатор-қатор тизилди.
Узун-узун йўлларим
Сенга етмай узилди..

Сенга етмай узилган
Йўлларни тутолмайман.
Эшигингни олдидан
Энди ҳеч ўтолмайман.

Тош ёғдирсанг бошимга,
Ҳеч иддао қилмасман.
Фақат бу имтиҳондан
Не муддао, билмасман.

Суюнчигим, суйганим,
Етмас сенга қўлларим.
Уфқларга чулғаниб,
Ётар олис йўлларим.

Олис-олис чўзилган,
Йўлларда изим толгай.
Чимилдиқда сузилган
Кўзингда кўзим қолгай.

Бахтинг бўлсин зиёда,
 Майли, яйра, қувон, кул.
 Омонат бу дунёда
 Не бўлса ҳам, омон бўл!

2014

БАХТНИНГ БИР ЛАҲЗАСИ

Бахтнинг бир лаҳзаси,
 Азизим, камми,
 Арзийди бу онга
 Жонимни берсам.
 Кўзингдаги ёшми,
 Юлдуз, шабнамми,
 Кипригим учида
 Мен уни терсам.

Бахтнинг бир лаҳзаси
 Киприкдай қисқа,
 Қара, тонг отмоқда
 Шафақлар алвон,
 Қайдан дучор бўлдим
 Сен ўжар қизга,
 Ваъдалар саробми,
 Аҳдларми ёлғон?

Бахтнинг бир лаҳзаси
 Умримга тенгдир,
 Қайтиб бу дунёга
 Келмасман, кетсам,
 Ҳаёт-мамотимиз
 Англаб бўлмас сир,
 Қани, бу тилсимни
 Англасам, етсам.

Бахтнинг бир лаҳзаси
Кетмоқда ўтиб,
Сўйла, гуноҳимни
Қандай юваман?
Аршнинг эшигида
Кўлингдан тутиб,
Жимжит ҳайқираман:
“Сени севаман!”

Бахтнинг бир лаҳзаси
Асрлар, йиллар
Бир тушдайин кечди,
Кечди рўёдай,
Бизни дуч қиларми
Самовий йўллар,
Балки, кўришармиз
Ўзга дунёда!?



ИЛК СЕВГИ БАҲОРИ

Хаёл суриб хобхонасида
 Сочларини тараган санам.
 Ўн саккиз ёш остонасида
 Кўзларимга қараган санам.

Ўтинаман, хатларим очма,
 Синфдошим, ҳазилингни қўй.
 Сирларимни шамолга сочма,
 Ҳисларимни болаликка йўй.

Йиллар, йиллар яқин ва йироқ,
 Ўсмирлигим маъюс бир эртак.
 Менга ишқдан айлагин сабоқ,
 Музни ёриб чиққан бойчечак.

Қайтар эдим, топилса имкон,
 Умримнинг пок бекатларига.
 Яшар эдим бахтли, беармон,
 Болаликнинг эртакларида.

Ў, менинг илк севги баҳорим,
 Хат жўнатиб, хатлар кутганим.
 Зор қақшатиб онаизорим,
 Бошим олиб йироқ кетганим.

Қайда қолди ўт-олов дамлар,
 Дайдиб юрар қаёқларда у?
 Сирларини ўғирлатганлар,
 Кетишарми айрилиб мангу?

2015

БИР ИШҚ БЎЛСА

Бир ишқ бўлса...
Кўклардан келса,
Бир ишқ бўлса, қадди навниҳол.
Қийиқ кўзи жилмайиб кулса,
Ҳавас қилса осмонда ҳилол.

Бот-бот боқса нигоҳлар хумор,
Ишқ шавқида кўкларда учсанг,
Севдим, десанг дунёда бир бор,
Ялангоёқ ўт-олов кечсанг.

Бир ишқ бўлса...
Севсанг, севилсанг,
Ою йиллар билдирмай оқса.
Узоқлардан ташналаб келсанг,
Сув узатса муздай бир коса.

Билмай сира не алам, ҳижрон,
Суяверсанг, ўлгунча суйсанг.
Кўнгилларинг юксалса осмон,
Ишқинг кўкка бекитиб қўйсанг.

Тугамаса феруза тонглар,
Кечаларинг кундуздай оппоқ.
Уммон каби қўпирса қонлар,
Арш аълода қийилса никоҳ.

Бир ишқ бўлса...
Кўклардан келса,
Қайғуга эш бўлмаса сира.
Бу оламда бир сени деса,
Бир ишқ бўлса тоза, бокира...

* * *

Ойга боқма, ой юзим,
Ой ҳам тошу тупроқ-да.
Офтобдан олов олиб,
Шуълаланган чироқ-да.

Ойга боқма, ой малак,
Ой сендан кўп йироқда.
Ёр дардида жон ҳалак,
Юзи рангпар, оппоқ-да.

Ойга боқма, ой санам,
Бағри қуроқ-қуроқда.
Дардига излаб малҳам,
Йиғлар овлоқ-овлоқда.

Ойга боқма, ой пари,
Куйи чўли ироқда.
Суйганига етолмай,
Ёнар ҳажру фироқда.

ОЙ ЁТГАН КУЛБАДА

Булутлар келса-да такрор ва такрор,
Интиқ кутганимни тушунмади қор,
Йўлига кўз тикиб турибман наҳор,
Кўзим тўлдирарми келаётган баҳор?

Ойдинда ой каби тўлаётирман,
Анжирдай кўринмай гуллаётирман,
Ёмғирдай қувониб йиғлаётирман,
Уфқлар ортида ухлаётирман.

Кунлар чувиллашиб этади пойга,
Қуёш чўмилади оқшомлар сойга,
Тунлар соғинчимни тўкканда ойга,
Сўзим етказарми, кўзи хумойга?

Юмалаб осмонда ой бўлиб қолсам,
Коинот буржида, қани, ёнолсам,
Ой ётган кулбага тунлар қўнолсам,
Қўнсам-у, то абад ёнида қолсам.

Етарми мендаги азму шижоат,
Ушшоқлар қалбида қилсам ибодат,
Қодирул Эгамдан бўлса иноят,
Келса дуоларим ўнгу ижобат.

Таваккул айласам қодирул Ҳаққа,
Шамолдайин учсам Ой қўнган ёққа,
Ғуссалар ёшини чайсам тупроққа,
Исмини кўчирсам юрак – япроққа.

Озод шамолларга айланиб кетсам,
Лаҳзада оламни етти бор ўтсам,
Ҳузурига соғу саломат етсам,
Етсам-у, япроқни қўлига тутсам.

* * *

Сахроларда дайдиган Мажнун,
Фарҳод бўлдим тоғларни йиққан.
Сенга севгим англатмоқ учун,
Дарахт бўлдим тош ёриб чиққан.

Ҳаётим гул баҳорларида
Ўрик каби гулладим оппоқ.

Юксалдим мен озорларингдан
Ўса-ўса, бўла олдим тоғ.

Ишқ аҳлига бўлдим фасона,
Осмонларда ойни кўзладим.
Ўз тафтимда қақнусдай ёна,
Урэн оловларда музладим.

Ҳар сўзингда минг ўлиб кунда,
Ҳар нигоҳинг тиргизди қайта.
Ҳар заррада жумла очунда,
Бўлди нузли оразинг пайдо.

Ором билмай, билмай тўзимни,
Коинотни кездим чангитиб.
Еру кўкдан топмай ўзимни,
Ҳузурингга келдим қон ютиб.

Энди мени этолмайсан рад,
Такрор-такрор тингла сўзимни.
О, Худойим, бу қандайин бахт,
Юрагингдан топдим ўзимни.



ЭРТАКДАГИ ҚИЗ

Бир санамга шайдо бўлдим мен,
Ақлу ҳушдан айрилиб буткул.
Йиғи келса, қаҳ-қаҳ кулдим мен,
Кулги келса, йиғладим кўл-кўл.

Бир санамга гадо бўлдим мен,
Жоним унга айладим гаров.
Эвоҳ, қалтис хато қилдим мен,
Эл бўлолмас сув ила олов.

Бир санамга адо бўлдим мен,
Мажнун ҳайрон ҳолимга ғариб.
Бир дарди бедаво бўлдим мен
Эртактаги қизни ахтариб...

* * *

Ўн олтига кирган қизларнинг
Кўзларида порлайди чақин.
Ўпиб улар босган изларин,
Сочларига туморлар тақинг.

Ўн олтига қизлар етганда
Қарамангиз асло боладек.
Ёнидан бўз йигит ўтганда
Юзи ёнар мисли лоладек...

Камон қошу жодуваш нигоҳ,
Сочларини сумбул тарасин.
Ўн олти ёш қизларни, бироқ –
Паноҳида Худо асрасин...

* * *

Бир қиз келар сўқмоқдан бесас,
Киприкларин оҳиста эгиб.
Ҳамал ёки жавзодан эмас,
Болалигим тонгидан чиқиб.

О, қандайин бокира хилқат,
Бошларида дўппи ироқи.
Кўрар эдим мен уни фақат
Тушларимда болалик чоғи.

Соқов эдим қошида гўё,
Уйи қайда сўрай олмасдим.
Боқмаса-да менга бир қиё,
Соясидай ундан қолмасдим.

Самолардан тушган бир пари
Малакларга ўхшарди чунон.
Имо қилиб фаттон кўзлари,
Олиб кетди мени ногаҳон.

Ўтди тушлар... Кўмилди сўқмоқ,
Кетдим болаликнинг юртидан.
Бугун, мана, сочларим оппоқ,
Кўз узмасман аммо ортидан.

КУТМАНГ МЕНИ

Энди кутманг мени, умидни узинг,
Бурнингизни тишланг, чиқса жаҳлингиз.
Қаршимга сиз ҳижрон лашкарин тизинг,
Ўзга кўчалардан изланг бахтингиз.

Дейсиз: “Севги нима, севги, бу – эртак,
Менга заминдаги гаплардан сўйланг.
Бир товуққа ҳам сув, ҳам дон-дун керак,
Яхшиси, пул топиш йўлини ўйланг”.

Энди кутманг мени бўлиб овора,
Аччиқ иддаонгиз айламанг пеша.
Банди айладингиз мени бир бора,
Чилвир сочларингиз сиз эша-эша.

Энди майсаларга айтиб дардимни,
Олис юлдузларга тикарман кўзим.
Энди шамолларга очиб бағримни,
Совуқ тупроқларга босарман юзим.

Сизсиз яшаш менга қийиндан-қийин,
Ойдин хаёлингиз дилимни ўртар.
Эвоҳ, унутмоққа қасд этган сайин
Ҳижрон исканжаси сиқади баттар.

Олаи рангалари



ОМАД КУЛСА

Чарақлайди осмонингда кун,
Қилмаяпти об-ҳаво дилтанг.
Омадлисан, демакки, бугун
Йўлинг очик, қаёққа юрсанг.

Омад қулса, қирчанғи отинг
Олар кўкда учаётган қушни.
Кетар бўлса агар омадинг,
Бой берасан оғзингда ошни.

Омад деган асли бор нарса,
Ўхшайди у ғаройиб тушга.
Тутволиб, қўлдан чиқарсанг,
Етолмайсан кейин бу қушга.

Омад қуши нақддир бегумон,
Тана-тўшинг бўлса саломат.
Ўтирмаса елкангда шайтон,
Икки дунёнг бўлгайдир обод.

Қарашларинг лочиндай ўктам,
Гап-сўзларинг дадил ва бурро.
Омадлисан, аввало, укам,
Ҳали бошинг бўлмаган ғурра.

Ея туриб дўстларинг ошинг,
Қилишмаса таъна-маломат.

Чимирмаса аёлинг қошин,
Ишонавер, кулгани омад.

Ишкамбадан танга қарзинг йўқ,
Шошиласан юмушга тонгда.
Амалдорга бирор арзинг йўқ,
Омаддир зўр, жонинг омонда.

2015

НЕВАРАМ САИДУМАРХОНГА

Чоп-чоплардан толиқади кун,
Ҳаёт ўхшар бардавом куйга.
Юмушларни қилганча якун,
Кечга томон қайтаман уйга.

Уйга келсам, қуёшдай кулиб
Қаршилайди тоза нигоҳинг.
Ўз-ўзимча қувончга тўлиб,
Дейман, мана, кўкартган боғинг.

Вижир-вижир қиласан яккаш,
Тушуниксиз мурғак лисонда.
Беғубор ва маъсум гўдакка
Айланаман бирдан шу онда.

Қийқирасан, олсам кўлимга,
Осмонларга талпинган гўдак.
Не орзулар бу дам кўнглимда,
Чаппар уриб отмоқда чечак.

Ўзинг каби маъсум, беғубор,
Олам сенга очмоқда қучоқ.
Изларингда яшнасин баҳор,
Униб-ўсгин, ғамлардан йироқ.

Ризқинг доим бўлсин зиёда,
Кулиб тургин кўзу қароғим.
Сен борсанки токи дунёда,
Ўчмас сира ёққан чироғим.

2015

СУРХОНГА ЖЎНАШ

Шошаман. Шош йўлида –
Бўралаб қорлар ёғар.
Олов ташлаб кўнгилга,
Сурхонда қантар оғар.

Ғўр ёшликни эсласам,
Юрак қурғур гупурар.
Қир-адирлар беқасам,
Ердан ҳовур уфурар...

Ўлтирар мени кутиб,
Йўлларда оқсоч знам.
Дарбанддан олсам ўтиб,
У ёғи-чи?.. Бир қадам.

Мен ёқларда қиш, чилла,
Изғиринлар из-излар..
Сурхонда ётар гуллаб
Улкан-улкан юлдузлар.

Мен ёқларда очунни
Ўй-ташвишлар чулғамиш.
Сурхонда Ойбарчинни,
Гулга ўрар Алпомиш.

Мен Сурхонни эсласам,
Кўзимда олов порлар,

Дарбанддан ўтиб олсам,
Юз очади баҳорлар...

* * *

Тун ила тонг ичинда, сув ила қон ичинда,
Ўтиб борар ҳаётим бу ломакон ичинда.

Келмишим ташқарида, кечмишим ичкарида,
Ташрифим бу оламга Дақюнусдан нарида.

Руҳим осмонга туташ, вужудим эса хокдан,
Йўлларим ўтиб борар хатар тўла сўқмоқдан.

Ким молу давлат қули, сатта у савлат қули,
Менинг эса бўйнимда дарвешлар кашкули.

Гоҳи олам кўзимга тору танг, мисли қафас,
Гоҳ кавокиб базмидан борлиғим масту аласт.

Бировга нақди бозор, бировга аҳди мозор,
Бозору мозорининг озоридан мен безор.

Чалғисини сермаса фурсат аёвни билмай,
Паймоналар ўқилар гўдак дунёга келмай.

Бир кафт сўраган касга раво кўрмас пайсани,
Уч кунлик ёлғончида тополмадим бир маъни.

Қаҳратонда ўт-оташ, саратонда қақшайман,
Мен ўзга оламларнинг одамига ўхшайман.

2015

ҚИЁМ ПАЛЛАСИ

Ётар қанча ишларим чала,
Кўча бўйлаб борардим шитоб.
Ортга боқсам, келар бир бола,
Нигоҳида чарақлаб офтоб.

У ортимдан келар изма-из,
Тўхтаб қолсам, у ҳам тўхтайди.
(Бола менга бўлиб юзма-юз,
Ниманидир айтмоқ истайди).

Тошиб борар дилимда алам,
(Йўқотганман ўзимни чиндан.)
Ўғлим тенги қайсар, ўр бола,
Таъқиб этар тинмай ортимдан.

Ёдга тушар қишлоқ. Тун. Дала,
Дилгир ҳаво, чор-атрофда куз.
Десам-да, қўй, ҳолимга, болам,
Таъқиб қилар мени изма-из.

Кўрмаганман бундай рақибни,
Таранглашар бардош, асабим.
Бўлди, дейман, тўхтат таъқибни,
Аммо бола уқмайди гапим.

Дилгир ҳаво, сиқилар кўнгил,
Кетаяпман, билмам, қайга мен?
Ўн икки ёш беғам, соддадил,
Болаликка қандай қайтаман?

Болалигим. Тупроқ йўл. Дала,
Қайтолмасман энди ортимга.
Кун қиёмдан оғар бир палла
Қор бўралаб ёғар бошимга.

УСМОН НОСИР СЎЗИ

Осмонимнинг юраги пора,
Мени чорлаб очмоқда қучоқ.
Яшаш учун ахтариб чора,
Бегонадир менга тиз чўкмоқ.

Минг қайнатса, қўшилмас қоним,
Одамтахлит бўрилар билан.
Ўлган яхши бўлгандан шерик,
Хоин, сотқин, ўғрилар билан.

Кимларгадир ёқмасман аниқ,
Дўстлар, аён ўзимга феълим,
Деманг менга, барига кўник,
Яхшироқдир хўрликдан ўлим.

Ачинмангиз, тўкмангиз кўз ёш,
Ёш кетди деб шоир Усмонга.
Мен қандайин берайин бардош,
Ватан ётса беланиб қонга...

2014

ИНСОН УМРИ

Кунларнинг шитоби ошар тобора,
Сомон йўлларида гардларинг сомон.
Дардинг айтолсайдинг бировга, зора,
Яшаш бўлармиди Сенга ҳам осон?

Нега кетармиз, деб чекмагин қайғу,
Янгидан зувала қорар лойингдан...
Кетиш бу... туганмас, абадий уйқу,
Бошқалар келади тахту пойингга.

Чўнг ҳикмат нишони куз ила баҳор,
Туғилиш, ўлимда не синоат, сир?
Табиат қонуни собит, барқарор,
Ҳайбатли тоғлар ҳам қулар-ку, ахир.

Тақдир илоҳийдан келса ишорат,
Ажабмас, саҳролар жаннатга дўнса.
Сулаймон қурган у метин иморат
Қулаши бегумон, паймона тўлса.

Жавзода шамоллар ҳовурин пуркаб,
Хазонга совурса гул-гиёҳларни.
Ортидан келувчи кўкламлар кўркам,
Гулларга чулғайди чаман боғларни.

Умрингдан кечади замонлар неча,
Толеинг дарахти минг ғунча очар.
Фалак аробаси тин олмай пича,
Еллар бир кун хокинг оламга сочар.

Бахтлисан, саҳарда очиб кўзингни,
Анвойи гулларни эркалаб суйсанг.
Уларнинг бағрига ташлаб ўзингни,
Бахтлисан, гўдаклик чоғингни туйсанг.

БОСИНҚИРАШ

Туш кўрсам,
тушимда ўзга ҳаётда
Яшаб юрармишман батамом.
Танишлар кимсан, деб қарамас ҳатто,
Бош эгиб уларга берсам-да салом.

Бақиргим келади қўйиб довушим,
Кезади руҳимда аламли тугён.
Ҳаттоки дунёда энг азиз кишим,
Онам ҳам танимас эмиш бу замон.

Онам ҳам тингламас дод-фарёдими,
Сўниқ кўзларида алам, фироқлар.
Кечмиш хотиралар қийнар ёдимни,
Мени масхаралаб кулар чироқлар.

Дунё кўзларимга туюлар қафас,
Дейман қисматимга: хато, бу хато.
Болалар, аёлим, қурган уйларим,
Йўлатмасмиш мени эшикка ҳатто.

Нотанти қисматга қандай чидайин,
Бу жазойинг, Эгам, айтгин не учун?
Ёлғончи дунёни ташлаб кетайин
Десам, бўғизимдан чиқмас бирор ун.

Тилим қатларида қатланган бир сўз,
Юраман дейман-у, оёғим юрмас,
Гуноҳу савобим турар юзма-юз,
Кўраман дейман-у, кўзларим кўрмас.

Умр сарҳадлари борар торайиб,
Йиллар ўқилади гул кипригида.

Турибман нотавон, ночор ва заиф
Мисли Пулисирот қил кўпригида.

Оёғи кишанли, ночор қулдайин,
Бегона ҳаётни ўтолмам ҳатлаб.
Кулар масхаралаб шайтони лаъин,
Олдимга гуноҳим қўяркан тахлаб.

Бақиргим келади қўйиб довушим,
«Нечун танимайсиз одамлар, ахир?»
Аммо эшитмайди додимни ҳеч ким,
Барча дарвозалар ёпилган бир-бир.

Тушимда кузғунлар чўқир тилимни,
Осмон сарҳадлари боради ёниб.
Дуо қил, онажон, нодон ўғлингни,
Босириқ бу тушдан кетай уйғониб.

* * *

Улғайишни қилардинг ҳавас,
Бедовингни ниқтардинг тезроқ.
Йиллар эса сенга қасдма-қасд,
Жилмас эди жойидан бироқ.

Бугун эса сочингда қиров,
Бериласан оғир ўйларга.
Олиб қочар вақт – учқур бедов,
Хаёлларинг аллақайларга.

Хотирангда маъсум болалик,
Балоғатнинг олис тонглари.
Соғинасан дўлвор, соддалик,
Болаликнинг беғам онларин.

Ўзгармабсан сира ҳам, болам,
Дея онанг алдайди, борсанг.
Юзинг кулиб тургани билан,
Кўкрагингни босади харсанг.

Омад излаб ўзга юртларда,
Йилларингни совурдинг сомон.
Аммо ичинг ёқиб ўтларда,
Термуласан Сурхонга ҳамон.

Кираяпсан, кўнгил туғёнда,
Куз фаслига кўҳна дунёнинг.
Кўзинг юмиб очган бир онда,
Талвасага тушади жонинг.

Йиллар энди сочинг толаси,
Қуёшинг ҳам оққан қиёмдан.
Қувмоқ учун дилинг воласин,
Ўз-ўзинг-ла қурасан суҳбат.

ҲАЛИ

Ҳали умид гўдакдек маъсум,
 Жовдирайди кўзлари мунчоқ,
 Лабларида илиқ табассум,
 Ҳали дунё беғубор ва пок.

Ҳали ғунча тугмаган гуллар,
 Олам ҳали илоҳий тилсим,
 Уфқларга туташган йўллар
 Адоғида дарвоза сим-сим.

Ҳали шафақ товланар алвон,
 Ўнг келади жамики тушлар.
 Мусаффордир бепоён осмон,
 Тизилишиб учмоқда қушлар.

Тўкилмаган ҳали кўз ёшим,
 Ҳали қувонч бўлмаган адо.
 Эгилмаган ҳали бу бошим,
 Ҳали писанд эмасдир хато.

2015

* * *

Сўз деҳқони эрур касбим,
 кўнгилларга экарман сўз,
 Ҳуту ҳамал яхши келса,
 ҳимматингни кўрарман, куз.

Тутиб ўзини содиқ дўст,
 бўлди нечов тирноғу пўст,
 Айбимни айтдинг юзимга,
 нодўст, сенга чўкарман тиз.

Тиним билмас фалак чархи,
 пучак пулдир одам нархи,

Ҳарорат йўқ нигоҳларда,
Юракларда ўсаркан муз.

Ўқиб фалак иншосини,
Чалкаш-чулкаш имлосини,
Топсанг кўнгилга мосини,
Олтин эмас, чиқаркан жез.

Бани инсон эрур оти,
Бетайин лек таги, зоти,
Бозорга солар ўзини,
ор-номусдан қизармай юз.

Кузатдим кечаги кунни,
бир туғён ёқди кўксимни,
Бошимдан ирғитиб тунни,
шафақларга соларман из.

Кўнгилларда ўсар армон,
Қайда мен излаган макон,
Келарми, деб ўшал замон,
Йироқларга тутарман кўз.

2015

* * *

Ўчириб ўзимнинг отимни,
Хотирда бот тиклашим учун.
Ўтмаган кунларим ёдини
Кўзларимга михлайман букун.

Шамолларга сочилиб сўзим,
Тўзғиб кетар оламга урэн.
Мени сотган кўзимми, ўзим?
Тиқилади кўзларимга жон.

Тақдир ила этганимча баҳс,
 Интиламан бахтни қучмоққа.
 Ниятимни йўқотмасам бас,
 Улгураман кўкда учмоққа.

Жоним бордир танимда токи,
 Йитирмайин, муҳими, бахтни.
 Керак бўлса, бугун ҳаттоки,
 Қайтараман ортига вақтни.

Ҳар оқшомда бузиб ўзимни,
 Ҳар наҳорда тиклайвераман.
 Қуритсалар ҳам илдизимни,
 Ажириқдай кўклайвераман.

ОДАТ

Одатландик секин-секин,
 Тош ютамиз, топсак текин.
 Нима бўлса, бўлар кейин,
 Асло тешиб чиқмас текин.

Тош не бўпти, ютаяпмиз,
 Не дуч келса секин-секин,
 Кўзимиз оч ўтаяпмиз,
 Бу дунёдан аммо, лекин...

2015

АНЪАНА

Кундузми ё тун маҳали,
Эшигимиз туради очиқ
Меҳмон келса, удум азалий
Қўл ювдириб, тутамиз сочиқ.

Ўзгачадир бизда тўй-ҳашам,
Анъанага амал этамиз.
Бир кечада бўлиб шип-шийдам,
Бўғизгача қарзга ботамиз.

Чақалоқни туғруқхонадан
Етказамиз уйига «Жип»да.
Карнай-сурнай, тўй баҳонада
Қудаларни талаймиз итдай.

Мерос каби Одам Атодан,
Ҳаётимиз бир хилда кечар.
Улгу олар ўғил отадан,
Қиз онага қараб тўн бичар.

Ихлос қўйиб ҳар хору хасга,
Ўзимизни алдаб юрамиз.
Отамизни ўлдирган касга
Онамизни эрга берамиз.

ЭСКИ УСУЛ

Чиқиб қолса орамиздан бирор оқил,
 Анчагача мум тишлашиб ўлтиришар.
 Ал-оқибат истеъдодга таҳсин ўқиб,
 Миттигина курсичага қўндиришар.

Гумашталар атрофида ғужғон ўйнаб,
 Қўни-қўнжин пуч ёнғоққа тўлдиришар.
 Доноларнинг доноси сиз ўзингиз деб,
 Маймун ўйин ўйнатишиб, кулдиришар.

Ялоқхўрни пашша каби ҳайдаб солса,
 Акалари қўнғироқ қип билдиришар.
 Сал ён бериб, бир пиёла чойга келса,
 Сездирмайин қопқонига илдиришар.

Оқил зотни орқа қилиб не шоввозлар,
 Не бўлмаган ишларини бўлдиришар.
 Занглаб ётган аравани артиб-суртиб,
 Ботиб ётган ботқоғидан жилдиришар.

Гоҳ кўрқитиб, гоҳи мақтаб бечорани,
 Кўп бўлмағур кирдикорга қўндиришар.
 Пуч гапларни орқасидан ғийбат қилиб,
 Сопини ҳам бировларга йўндиришар.

Топилади салла деса, калла олган,
 Бу ишларни усталари дўндиришар.
 Қилни қирққа ёрган ўша оқилни ҳам
 Оёғини нақ осмондан келтиришар.

Нима қилсин, ақлли ҳам хом сут эмган,
 Курсичадан дарров пастга эндиришар.
 Кечагина бир товоқдан хўрак еган
 Улфатлари қоқ белидан синдиришар.

Оламда не қусур борки, айбдор оқил,
Йўқ айбларни елкасига миндиришар.
Ал-оқибат, ажалидан беш кун аввал
Бечоранинг паймонасин тўлдиришар.

2015

* * *

Феъли тор, кўз бежо кўрсанг, кўзингни юм,
Ҳаётда не хато кўрсанг, кўзингни юм.

Азал-охир демишлар бири кам дунё,
Не дарди бедаво кўрсанг, кўзингни юм.

Аҳли мўмин қавлиданман, деб тилида
Таги зоти расво кўрсанг, кўзингни юм.

Ажабланма кўриб ҳиссиз нодонларни,
Пули кўп, дил гадо кўрсанг, кўзингни юм.

Ки манфаат қули ялтоқланар мардак,
Пучак ҳамду сано кўрсанг, кўзингни юм.

Толеинг юлдузи қулган маҳалларда,
Нокасни ошино кўрсанг, кўзингни юм.

Қоронғуда қовушмиш рост ила ёлғон,
Ғаразли бир имо кўрсанг, кўзингни юм.

Тўғриларга дилинг оч, кўзларингни оч,
Эгри дил, беҳаё кўрсанг, кўзингни юм.

Ҳамиша яхшиларнинг хоки пойи бўл,
Ножинсу нобино кўрсанг, кўзингни юм.

2016

* * *

Билмам, неча кунлик умр савдоси,
Аммо тугамайди мангу ғавғоси,
Сиғдиролмас биров молу дунёсин,
Биров парча ноннинг ғариб гадоси.

2015

* * *

Осмон неча қават, ер неча қават,
Бешак, бундан огоҳ олим, билгирлар.
Инсоний нафсга йўқлигига ҳад
Жонли мисол бўлар юҳо олгирлар.

* * *

Ҳайрона бўлмагин, эй яхши киши,
Биров отда дея, биров пиёда.
Ахлат титкилашдан йўқ бўлак иши,
Уч юз йил яшаб ҳам қарға дунёда.

2013

ТҶЙ

(Ҳангома)

Довруқ солиб қишлоққа,
Бир тўй бўлди яқинда.
Малол олманг қулоққа,
Айтсам шу тўй ҳақинда.

Кенгашли тўй тарқамас,
Жамулжам қон-қариндош.
Куйдир-пишир басма-бас,
Лаган-лаган келди ош.

Осилсанг баланд дорга
Осил, дер амма, хола.

Ўтади бир кунлик тўй,
Қилсанг-да қарз-қавола.

Тўйга ўнта қозон ос,
Гуруч дамла юз пуддан.
Меҳмон чорлаб нома ёз
Фарғонаю Ургутдан.

Каму кўстдан гап очма,
Қамишдан қил белбоғни.
Харажатдан ҳеч қочма,
Тўйдир барча кўноқни.

Келсин қовун, тарвуз ҳам,
Аямай тўк борингни.
Зўр бўларди, келолсанг,
Кўчириб бозорингни.

Полвонлар бел олишсин,
От сурсин чавандозлар.
Ҳангу манг бўп қолишсин,
Қишлоқда не шоввозлар.

Тўйингга ҳофизлардан
Озодбекни айтасан.
Ёнига Жаҳонгирни
Кўшиб олиб қайтасан.

Тоға мўйловин мойлаб,
Кенгашга ясар якун:
“Кетса кетсину шовла,
Жиян, обрў кетмасин.

Шуни чиқарма ёддан,
Тўймисан-да, тўй бўлсин.
Донғи кетиб Ҳиротга,
Душманлар куйиб ўлсин”.

ТУҒЁН

Фалакларга нигоҳимни тиккан эдим,
 Юракларга армонларни эккан эдим,
 Ажирикдай тошни ёриб чиққан эдим,
 Кунларимни сомон каби йиққан эдим,
 Йиғиб барин битта қолга тиққан эдим,
 Эккан эдим, йиққан эдим, тиққан эдим.

Ишқни асраб кўзларимнинг қароғида,
 Улғайтирдим қароқларим ардоғида,
 Гуриллаган туғёнларнинг қучоғида,
 Умр ўтса-да, ёниб-тутаб, дил доғида,
 Кул бўлмадим ҳаттоки бир ўчоғида,
 Қароғида, дил доғида, ўчоғида.

Сўзларига кириб жоҳил, нодонларни,
 Инжитибман кўп бегуноҳ инсонларни,
 Надомат-ла бой бериб не имконларни,
 Қопқаларин тақиллатсам осмонларни,
 Мушкул, дейди қайтармоғинг у онларни,
 Нодонларни, инсонларни, имконларни.

Зоҳирда шод, ботинда бир ғамхонаман,
 Тунлар хушёр, кундуз ўздан бегонаман,
 Эл кўзида, бешак, далли девонаман,
 Олов билан ўйнашган бир парвонаман,
 Куйгунимча тиним билмай мен ёнаман,
 Ғамхонаман, бегонаман, парвонаман.

Нени кўрдим, сароб ҳамда рўё кўрдим,
 Кўзим очиб бошимда осийё кўрдим,
 Кўнгилларда ҳасад, ғулу, риё кўрдим,
 Чор-атрофим зулумот, зим-зийё кўрдим,
 Дунё ичра восвос, телба дунё кўрдим.
 Рўё кўрдим, хулё кўрдим, дунё кўрдим.

Туғенимдан уммон каби кўпираман,
Ўз-ўзимнинг решларимни ўпираман,
Энди ўтган кунлардан юз ўгираман,
Қачон тавба-тазарруга улгураман,
Борса келмас йўл устида ўтираман,
Кўпираман, ўпираман, ўтираман.

2015

ЁЗ ТУНЛАРИ

Саратоннинг илиқ кечаси
Ой тикади осмонда қўтон.
Чигирткалар шодон яллasi
Еру кўкни тутади чунон.

Ёдга тушар болалик такрор,
Орзуларда кўз очган маъво.
Лойқаланиб кўпирган анҳор,
Қўл узатсам етгудай само.

Куни бўйи толиққан, ташна,
Нафасини ростлайди осмон.
То тонггача қувониб яшнаб,
Шўх елларни кутади райҳон.

Уфқларга туташган даштга
Тўкилади оппоқ юлдузлар.
Ой нурида тўқийди кашта
Кумқўрғонда заркокил қизлар.

Узоқларда турган увушиб,
Юлдузларни пастга имлайман.
Ёз кечаси,
Олам товушин
Юрак-юрагимдан тинглайман.

1988

* * *

Эшигингдан эллик баҳор фасли ўтди,
Ураётир осмонингда қор бўралаб.
Ўзлигингни танимоққа фурсат етди,
Сездирмасдан сочларингга оқ оралаб.

Эловсираб ўтиб кетди эллик йил ҳам,
Эллик марта саждага бош қўёлмадинг.
Дунёни сув босса нима ўрдакка ғам?
Сўқир банда, Худодан бир уялмадинг.

Тасаллолар ахтарасан ўз-ўзингга,
Хатолару гуноҳларинг оқламоққа.
Қарамоққа қўрқаяпсан орт-изингга,
Фурсат эмас, аммо гина сақламоққа.

Тар очилиб қизғалдоқнинг ғунчалари
Адирларда кулаётир мисли гўдак.
Уйқуларинг кўздан қочиб кечалари,
Кўкрагингда типирчилар далли юрак.

Безор бўлди Яратган ҳам баҳонангдан,
Англамадинг куз еллари уфурганда.
Олтмишинг ҳам мўралади остонангдан,
Жилмайман, деб оёқ тираб ўтирганда.

Эллик йилки, чангитганча ер юзини,
Ўйга ботиб ўтирибсан чарчаб, ҳориб.
Англай олмай олатасир дунёсини,
Дил ичидан чиқолмадинг ҳатто ёриб.

2001

ТОШ ОДАМ

Олам чўккан зулмат қаърига,
Бошим ботар тошдай болишга.
Тош қўйвормас мени бағридан,
Уринсам-да шахт қўзғалишга.

Тўшагим тош, ёпинчиғим тош,
Зулумотда саргардон шуур.
Қутулмоққа сира йўқ бардош,
Бир фалокат бўлмоқда зухур.

Оёқ-қўлим боради совиб,
Туманлардан ўтаман карахт.
Кечагина юрганлар севиб,
Тош отмоқда қилганча мазах.

Тоқат дўниб боряпти тошга,
Тош косада оби ёвғоним.
Раҳм этмай кўзимда ёшга,
Дўнаётир тошга жаҳоним.

Тош қотади бўғзимда тилим,
Мен сизларга бир сўз демасман,
Дунёсида қолди, эҳ, кўнглим,
Энди тошман, одам эмасман.

1990

ТАСАЛЛИ

Қуёш кўз очади. Саховатпеша.
 Кунлар такрорлайди бир эртагини.
 Яшадинг бир умр қилиб андиша,
 Беҳуда гапларга қоқ этагингни.

Халойиқ тупуриб асл молингга,
 Ўкинма бозоринг касод этишса.
 Куппа-кундуз куни кўзинг олдида
 Ўғрилар уйингни тунаб кетишса.

Ҳали бисотингни чамалаб кўрсанг,
 Тўп-тўп имконларинг турар олдинда.
 Хуршиди толеинг тараҳҳум қилса,
 Хумо бошингдадир гадо ҳолингга.

Ранжу озорингни елларга бериб,
 Ҳаёт мавжларида отгин қулочинг.
 Осмонларда учгин қанотинг кериб,
 Балиқ бўлиб сузгин, етса иложинг.

Ҳаммаси аввало ўзингга боғлиқ,
 Эзгу умид билан кунингни бошла.
 Билса балиқ билар, билмаса Холиқ,
 Яхшилик қилгину дарёга ташла.

Яхшиликни қил Ҳақ ризоси учун,
 Майлига, халойиқ раҳмат айтмасин.
 Фақат яхшилигинг эртага бир кун
 Ўзингга ёмонлик бўлиб қайтмасин.

* * *

Яшагим келяпти, яшагим ёна,
Таъмагир сўзларга сезмай муҳтожлик.
Кўзларим чарақлар дадил, мардона,
Хиёнат, ёлғонга қиламан кожлик.

Бу тонг яшашимга кафолат бордек,
Осмон ярақлаган кўзгу сингари.
Митти кулбахонам кўзимга тордек,
Қарайман ёп-ёруғ дунёлар сари.

Қарайман, вужудим айланиб кўзга,
Ёп-ёруғ осмонлар сеҳрга тўла.
Қарайман, чароғон осмондан бизга
Оқиб келаверар жарангдор шуъла.

Ҳали туғилмаган даҳолар ҳаққи,
Сўзларим қиличдек, кескир, мардона.
Ҳали рўй бермаган гуноҳлар ҳаққи,
Ёруғ дунёларга боқарман ёна...

1994

АҲД

Баъзан ўз-ўзимдан тортдим хижолат,
Фурсат тулпорининг тутиб ёлидан.
Сўзлашга олибман кимдан ваколат,
Тилим қисикмасми виждон олдида?

Дунёга келдим-у, лек яшолмадим,
Саробга айланмиш тилаклар тугал.
Ҳаттоки, бир гулча бўла олмадим,
Кувонардим узса малаклар гўзал.

Баъзан ўз-ўзимдан тортдим хижолат,
Олмалар шиғиллаб мевалар тугса.
Эркатоё болалар қилмасдан шафқат,
Ларзон шохларини синдириб кетса...

Баъзан ўз-ўзимдан тортдим хижолат,
Тунлари ғафлатда ётганим учун.
Барча хўрликларга ётганча тоқат,
Шўх-шодон сатрлар битганим учун.

Қанча одамларга етказдим озор,
Кўнглим боғларини аёз ургандай.
Хотирим шаҳрида бесаноқ мозор,
Гўё ёлғиз ўзим тирик югандай...

Баъзан ўз-ўзимдан тортдим хижолат,
Мўъжиза – ҳаётни илмасдан кўзга.
Қанча кўнгилларни синдирдим, ҳайҳо,
Битта кинояли айтилган сўзда.

Кечар тўрт фаслда ўзгармас ҳолат,
Руҳимда ҳокимдир фасли тийрамоҳ.
Ўзинг нажот бергил, буюк рисолат,
Аҳли одамзодни кўраин уйғоқ.

Тонгни қаршилайин ғафлатда қотмай,
Келсин остонамга чарақлаб қуёш.
Токи ўз-ўзимдан хижолат тортмай,
Қуёшга қарашга топайин бардош.

ТАВАЛЛО

Кўнгилдаги гардларимни
Совурарман осмонларга.
Юракдаги дардларимни
Шивирлайман хазонларга.

Бедор ўлуб шому саҳар,
Дилда не рағбат улғаяр?
Фалак тоқида бир ахтар
Кўзларин сузиб жилмаяр.

Саҳроларнинг гулларида
Найсонларнинг хонишими?
Оловларнинг тилларида
Гулханларнинг ёнишими?

Этиб зору таваллолар,
Шамолдайн ўтарманми?
Кезсам дашти Карбалолар,
Манзилимга етарманми?

Кўнгилда туғён авжида,
Кўкда куйиб ёнар булут,
Не шиддат оташ мавжида,
Чақмоқ бағрида не сукут?

Ўзим митти зарраман-у,
Сизмайман кулли оламга.
Турса-да кўзларим кулиб,
Ўхшайман Қофдайн ғамга.

Аёзу қор кечиб йиллар,
Ҳамалларга салом элтсам.
Ишқда масрур кўнгиллар,
Муҳаббат юртига етсам!

Умидим мустажоб ўлгай,
 Фано водийсидан ўтсам.
 Ҳаётим жовидон бўлгай,
 Муҳаббат юртига етсам!

КЕТМОНБОЙ ИНИМГА

Биров доллар йиғар, биров қураар уй,
 Вақт ғилдираги тинмайди бир он.
 Олам кўчасида кунда байрам, тўй,
 Пахтага жонини беради Кетмон.

Очун иблисларни авраган бозор,
 Бойлари мунофиқ, гадоси шайтон,
 Ҳамма сотувчидир, ҳамма харидор,
 Бозорда арава суради Кетмон.

Ордона сигарет фалонча пулдир,
 Анқога шафедир бир чақа шу он.
 Ҳафтада бир марта шўрвайи шўлдир,
 Тишининг кирини сўради Кетмон.

Кибор Америка қизғанчиқ, нокас,
 Бўлса ортиқча дон чўктирар уммон.
 Юрагида санчиқ турса-да бехос,
 Бировга сир бермай юради Кетмон.

Тонгдан ваҳимани бошлар радио,
 Мағрибу машриқда ғулув ва туғён.
 Олам шов-шувига боқмасдан қиё,
 Не бўлса тақдирдан кўради Кетмон.

Одам Атомиздан то шу дамгача
 Турланиб-тусланиб эринмас жаҳон.

Ўтса ҳам асрлар тонгдан шомгача
Кетмонга эгилиб туради Кетмон.

* * *

Ҳаволанган кўнглим бор,
Мурувват, ҳимматга оч.
Дуч келсам йўлингизда
Дея кўрманг, нари қоч.

Наволанган кўнглим бор,
Ҳаққа бандаман мен ҳам.
Эшигингизга келсам,
Қилмангиз мени мулзам.

Зуваланган кўнглим бор,
Эгам, ўзингга қойил.
Қорибсан обу гилдан,
Ажаб шаклу шамойил.

Задаланган кўнглим бор,
Калтакларнинг захмидан.
Бандадурман умидвор,
Яратганнинг раҳмидан.

Майдаланган кўнглим бор,
Уни тош, кесак билманг.
Ногаҳон бир сўз билан
Дилимни вайрон қилманг.

Уваланган кўнглим бор,
Ножўя оғритмангиз.
Кафтларимни очганда
Қўлимга тош тутмангиз.

УЗОҚ ЎТМИШДАН ЛАВҲА

Подшо тобеларни олди буровга:
 “Сиздай нокаслардан тамом безорман.
 Итдан фарқингиз йўқ, ярамас овга,
 Уйингиз ёндириб, дорга осарман”.

Бир лаҳза тош қотди давлати аркон,
 Ўзин ўнглаб вазир сўз қотди тезда:
 “Шоҳим, келтирсаки ўзимиз арқон,
 Осасизми ёки арқонингизда?”

* * *

Тақдир сени дуч этса сурга,
 Ўзингни сол соқов ва кўрга.
 Билиб-билмай тегсанг ғашига,
 Юмма талар мисоли бурга.

Десанг дучор бўлмаин сурга,
 Ўтирма у ўтирган қурга.
 Ўчакишса сенга астойдил,
 Тинчимайди киргунча гўрга.

* * *

Сенга ҳаёт ваъда этган бахт,
 Ушалмаса, ташвишга ботма.
 Бой берсанг-да қўлдагини нақд,
 Аввало ниятни йўқотма.

Ниятингни қилолсанг бутун,
 Мушкулларинг ечилар осон.
 Борса келмас ёққа йўл олсанг,
 Ўлимлардан қайтарсан омон.

Юрагингда тирикдир ҳавас,
Армонларинг бўлар ижобат.
Қароқчилар талон қилмаса,
Карвонингга доримас офат.

Ёғдуларга чулғаб ҳар ённи,
Мўралайди қуёш хонангга.
Ҳали тунлар етаклаб тонгни,
Жилмаяди бахт остонангда.

Яшаш доим чигал муаммо,
Ҳаммасига ечим ўзингда...
Бой берсанг-да барини аммо,
Ниятни соғ асра кўксингда.

* * *

Дунё асли моли касод кўҳна бозор,
Дум ўйнатиб, тозиликни эплломайман.
Бу бозорнинг сотган моли ранжу озор,
Тарозига мен қозилик қилолмайман.

Кечир, она, ўғлонингни телба-далли,
Ўғил бўлиб, хизматингда қололмайман.
Ташналигинг қондирмоққа мен ақалли,
Эшигингга ариқ бўлиб келолмайман.

Ота асли фарзандларга қалъа, кўрғон,
Зарур онда боламни ҳам қўллолмайман.
Мозорингга кўзи очиқ кетган отам, –
Ўғил бўлиб, ҳовуч тупроқ соллолмайман.

Эзиб борар бола-чақа, рўзғор-ташвиш,
Қиёматли қарзларимни тўлолмайман.
Билган ишим ўз-ўзимни этиб тафтиш,
Ўзим билан бир битимга келолмайман.

Югурсам-да унмаяпти йўлим, аттанг,
 Қозиғимдан бир қарич ҳам жилолмайман.
 Икки жаҳон ғавғосидан бошим гаранг,
 Ҳаловатнинг кўчасига йўлолмайман.

Гунчадирман, кўзин очган қаҳратонда
 Яйраб-яшнаб, бир очилиб гуллолмайман.
 Сурбет ҳаёт саҳнасида отиб ханда,
 Бетавфиқлар даврасида кулолмайман.

Ич-ичимга ютганимча кўз ёшларим,
 Аросатда не қиларим биллолмайман.
 Тили бошқа, дили бошқа йўлдошларим,
 Сизлар билан битта йўлда бўлолмайман.

* * *

Кўрмаганнинг кўргани қурсин,
 Том устига кўтаради том.
 Хўмраяди, билмайсан нечун,
 Ўрмасанг ҳам арпасини хом.

Кўчасидан бўлмайди ўтиб,
 Сотиб олар юрар йўлни ҳам.
 Бир ямламай юборар ютиб,
 Иложини топса филни ҳам.

Гапларимда йўқдир маҳоват,
 Фойда учун алдар отасин.
 Хасислигин атар саховат,
 Фазилат, дер нуқсу хатосин.

Бу касларга пуфакдан ҳалво
 Ясамоқлик одатдир асли.

Жон берар-у, бермайди аммо
Қор сўрасанг зимистон фасли.

Эслатади нафси ўпқонни,
Тоғни ютар келса рўпара.
Чумолича кўрмас инсонни,
Бўлса дасти калта, бечора.

Ёлғон номли матодан тикиб,
Халойиққа кийдиран либос.
Ётсалар-да ботқоққа чўкиб,
Донолардан қилар иқтибос.

* * *

Исмим ўлиб кетса-да,
Умидим ўлмагайдир.
Жисмим ўлиб кетса-да,
Паймонам тўлмагайдир.

Паймонам тўлмагайдир,
Наслларим бўлса соғ.
Яратган қўллагайдир,
Қуримагай қадим боғ.

Қуримагай қадим боғ,
Гулга бурканар ларзон.
Кўз очар тонглар оппоқ,
Ғамдан бўларман дархон.

1992

* * *

Бағримни хун қилдинг,
Куним қилдинг тун.
Мен эса... Мен эса
Чиқармадим ун.

Гов солдинг йўлимга,
Кишан қўлимга,
Типпа-тик қарадим
Машъум ўлимга.

Ўлим нима бўпти,
Неча ўлганман,
Ҳатто дўзахдан ҳам
Қувғин бўлганман.

Зим-зиё тунни ҳам
Ютавераман.
Яшашни куну тун
Машқ этавераман.

Энди ҳаёт менга
Очади қучоқ.
Ажал-чи, қочади
Тобора йироқ.

* * *

Ўйлар сурдинг кечалар танҳо,
Фалакларга кўзингни тутиб.
Тугарми сен қилганинг хато,
Кетганингда дунёдан ўтиб?

Сўнарми сен ёнганинг олов,
Юрарми ел кулингни титиб?
Эгалларми ўрнингни биров,
Кетганингда дунёдан ўтиб?

Тугамайди юрганинг йўллар,
Тўрт тарафинг бепоён қутб.
Йиғлармикан қучганинг гуллар,
Кетганингда дунёдан ўтиб?

Не сирларга тўла бу дунё,
Ҳеч бирига бўлолмас етиб.
Туғилмаган сингари гўё,
Кетганингда дунёдан ўтиб.

Тўхтамайди кўзингда жоланг,
Кетаяпти соянг ҳам йитиб.
Йиғлайдими отам, деб боланг,
Кетганингда дунёдан ўтиб.

Тақдир азал келмоғу кетмоқ,
Ажал лаҳза турмайди кутиб.
Алам қилар яшамасдан, оҳ,
Кетганингда дунёдан ўтиб.

МИЖОЗ

Ўннга юрсам тортасан чапга,
Тоғдан келсам, боғдан келасан.
Гапларимиз қовушмас гапга,
Нима десам инкор қиласан.

Мен гўл-содда, сен эса қувсан,
Бало десам, деядирсан дард.
Мен олов-у, сен гўё сувсан,
Ёниб турсам ўчирасан шарт.

Турфа-турфа бўлса-да мижоз,
Ҳаёт бизни ҳамхона қилмиш.
Во ажабо, тақдири азал,
Устимиздан мириқиб кулмиш.

ИҚТИДО

Мастона ва лайливаш бу кечаларда,
Далли кўнглим умид-ла чоғ этаяпман.
Ўргимчакнинг тўридай бу кўчаларда,
Ниятларим қўлда маёқ – кетаяпман.

Орзуларим сарҳадлари туташ кўкка,
Йўртар эдим хаёлотнинг тевасида.
Ҳаёт – камон,
Отди мени гўё ўқдай,
Учиб кетдим шамолларнинг шевасида.

Мастона ва лайливаш бу кўчаларда,
Минг йилдирки,
сукут ичра этдим сабр.
Кунларимни алмаштириб кечаларга,
Йилларимни қораяпман мисли хамир.

Нуҳдан қолган кемадайн сузаяпман,
Ҳаёт отлиқ чўнг уммоннинг юзасида.
Бир илоҳий
тажаллийни сезаяпман,
“Ё Аллоҳ” деб урган юрак ҳар сасида.

Суза-суза ҳаётнинг чўнг уммонида,
Баъзан-баъзан тўлқинларда йитиб кетдим.
Яшаётган кунларимнинг ҳар ониди
Илоҳий бир мўъжизани
интиқ кутдим.

Содда, гўлнинг доим Худо ёри экан,
Адашишу алдовлардан бўлмаيمان ғаш.
Чалпак кутиб осмонларга кўзин тиккан
Афандига феълу хўйим жуда ўхшаш...

Ғаш бўлмаيمان,
туя думи ерга тегса,
Оту эшак кўпкарида қилса пойга,
Ишонаман, бу замонда чигит экса
Уддабурон хитойликлар чиқиб Ойга.

Кемирарди юрагимни озору ранж –
Жўраларим мени лақма аташганда.
Фақат менга
Таскин берар битта юпанч,
Худо ўзи йўл кўрсатар адашганга.

Севаман, деб қийнаган бўлсам,
 Ҳисларингни ўйнаган бўлсам,
 Чирмовуқдай йўлингни тўсиб,
 Ўз ҳолингга қўймаган бўлсам.
 Мени кечир...

Йўқ, ўзимни оқламайман ҳеч,
 Узрхоҳлик... балки энди кеч,
 Ўтинаман ҳолимни англа,
 Кечиролсанг, гуноҳимдан кеч,
 Мени кечир...

Бўлар-бўлмас маддоҳлигим-чун,
 Шаккоклигу бадхоҳлигим-чун,
 Қилгану қилмаган айбларим,
 Гумроҳлигим, густоҳлигим-чун
 Мени кечир...

Ўтди баҳор, оёқлар ёз ҳам,
 Ўтди ҳаёт, ёлғону рост ҳам,
 Фармонимга бўйсунмаяпти,
 Нима қилай, оппоқ қоғоз ҳам,
 Мени кечир...

ЯШАШ ҲУҚУҚИ

Қанча орзу-ҳавас, қанча ғурурни
 Баайни шамолга совурибман, аттанг.
 Биродарлар,
 Маъзур тутинг бу сўқурни,
 Аросат кўчада турибман ҳанг-манг.
 Бир пайтлар бу ҳаёт поклик тимсоли,
 Оллоҳдан берилган инъом-ку, дедик.

Биз уни яшайлик инсон мисоли,
Ҳалолу покиза, бекин, беҳадик.
Югурмасдим, унда сарсари учардим,
Тўлдирганча гул ёшлигим кўчаларин.
Парилар қўлидан шароб ичардим,
Олис қолмиш ул муҳаббат кечалари.
Мен кимман, оддий бир чумоли, ахир,
Тўқман, деб алдайман бўлсам ҳамки оч.
Кимгадир жилмайиб кўл узатаман,
Бир бандаи ожиз – ночор, ноилож.
Ахир бу дунёга бир бор келамиз,
Ўлчаб берилгандир умримиз, ахир.
Ноёб бир матодир ҳақ сўз,
биламиз,
Ёлғонга тобемиз, аммо, барибир.
Дунёга келиб, хўш, нега ғам еймиз,
Баъзан ўзимизга савол берамиз.
Бошқалар ҳам мендан пеш эмас,
деймиз,
Хуллас, эл қатори юрамиз.
Оғир,
Эҳ, кимлигинг англамоқ сенга,
Эллик йил ё юз йил судралган махлуқ.
Биродар, Сиз айтинг,
Одамман, дейишим менга
Ҳаётда яшашга берарми ҳуқуқ?

2012

* * *

Қисмат билан келиб юзма-юз,
Армонларим довлонлар ошди.
Осмонимда паришон, маъюс
Ой билан кун бетин талошди.

Қисмат жисмим оловда тоблаб
Маҳв этмоққа шайланар зимдан.
Ичдим қанча заққум шароблар
Ғам бодлари эсди қалбимдан.

Қисмат билан келиб юзма-юз
Тахланади йиллар ложарам,
Шикаста дил паришон, маъюс,
Умр ларзон – соқовдир қалам.

Қисмат қилса қилсин имтиҳон,
Ишқ майидан дили махмурмен.
Ё узукнинг чашмида пинҳон,
Дил нақшида ва ё мастурмен.

Хато суйдим сени, ай оғриқ,
Зор эмасдир қўнгил нусратга.
Ҳақ қўйида масту мустағриқ,
Соҳир диллар экан узлатда.

Уйғонаман, муфлис қул эмас,
Эрк майидан лаболаб ичиб.
Тушларимда тупроқ йўл эмас,
Булутларни юрарман кечиб...

1995

* * *

Зиллат дарборида қотилди бода,
 Бошимни қўтармай симирдим уни.
 Юзимга термулиб юрак – ғамбода
 Ёнди вужудимда бироқ ҳар куни.

Ёнди узвимдаги ҳар риштаи жон,
 Мен хоби ғафлатдан бўлмадим ихрож.
 Зиллу гуноҳимга кўтариб исён,
 Лошим тўрт тарафга олиб кетди бош.

Сочилдим тариқдай дашти жунунда,
 Сарбасар қарайман оёғу қўлга.
 Чок этиб ёқамни қиёмат кунда,
 Ўзимни ахтариб чиқарман йўлга.

Тушган бу роҳимнинг этаклари тор,
 Кулар масхаралаб фалак – машшота.
 Кетарман, изимда на ел, на ғубор,
 Ўзимни ахтариб козиб дунёда.

Кетарман қисматга қарама-қарши,
 Сочилган лошимни совуриб елга.
 Наззора этмайди фанонинг чархи
 Ўзидан Мосуво муфлис бу қулга.

Ўзим-ўзлигимга тутарман мотам,
 Тақдир доманида тупроқ билан тенг.
 Қулзум уммонига шўнғиган билан
 Руҳим жунубини юволмасман мен.

143

* * *

Мастона-мастона йиғлар андалиб,
Шамолнинг тилида эрка сават.
Дунё бир лаҳзада ўтди савт чалиб,
Дил ишқ оятини қилди тиловат.

Сўзона-сўзона йиғлар андалиб,
Чимилдиқда ойдек сузилди малак.
Дунё бир лаҳзада кетди айланиб
Кўксимдан томади изтироб чак-чак.

Тўлғона-тўлғона йиғлар андалиб,
Не савдо ўтибди менинг бошимдан.
Дунё бир лаҳзада куйди сарғайиб,
Жаҳонни сел олди қатра ёшимдан.

Мастона-мастона йиғлар андалиб...

1994

* * *

Мен ашъор битмадим шунчаки, осон,
Бир ғариб кўнглига далда бўлсин деб.
Хиёнат, сохталик юрсин деб омон,
Диёнат, эътиқод очдан ўлсин деб.

Ранж-алам кўксимга қўйганда уя,
Никоҳга кирганда ёлғон рост билан.
Кетдим дунёсидан мен куя-куя,
Ёвлашиб бир умр оқ қоғоз билан.

Мен ашъор ёзмадим, элу юрт, сенга,
Жонимни бемалол қилгум деб фидо.
Жимитдай ҳолимда ким қўйибди менга
Сен билан баҳслашиб юришни, дунё!

Мен ашъор ёзмадим, ишонинг, дўстлар,
Шайтон кутқусига учмадим зинҳор.
Алвидо, юракни ўртаган сўзлар,
Сизларни мен тўқиб-бичмадим бекор.

Мен ашъор ёзмадим, сохта шуҳрат-шон,
Ҳавойи ҳисларга сотиб ўзимни.
Ҳар ростгўй сатримда гаровдадир жон,
Ҳар ёлғон гапимдан ўйдим кўзимни.

1990

ҲАЁТ

*Киргил фано йўлига, Навоийки, даҳри дун,
Бу умри бесаботу мадориға арзимас.*

Алишер Навоий

Ҳаёт – бир ялт этиб чақнаган чақмоқ,
Руҳимни ўрайди номаълум ҳислар.
Англайман, ҳар нафас омонат, илло,
Ўзини ахтариб ҳақир дил бўзлар.

Кибринг жандасига чирмаб танингни,
Ишқ аҳлиман, дея чалма ноғора.
Ўлдирмай ичингда ётган ғанимни,
Ўзингни ахтариб бўлма овора...

Олам сирларидан ҳайратим ошар,
Бу бобо тоғларим не ўйни ўйлар?
Забон битсамиди бу қадим тошлар,
Не-не тарихлардан ривоят сўйлар?

Очун, тилсимингга ожиздир идрок,
Англагим келади сувлар тилини.

Шамоллар авжига солсам-да қулоқ,
Аммо тушунмайман ўжар феълени.

Ўзининг лафзида борлиқ, инсу жин,
Айтарми Халлоқи Ҳаққа саловат?
Дарахту гиёҳлар сўзин англари ким,
Япроқ шивирида не сир, аломат?

Бир-бирин васлига етмоқ муддао,
Қуёш, ой фалакда чопарми бетин?
Бир кунлик умрида капалак ҳатто,
Ўпиб ғунчаларни, жон берар кейин.

Фаҳму тафаккурим буларга етмас,
Аёнди ҳаммаси ёлғиз Аллоҳга.
Тўкилсам бир куни мисли хору хас,
Қоришиб кетмоғим бордир тупроққа.

Эртага ортимдан қоларми нишон,
Манзилим қаёнди, қайда адашдим?
Ожиз бу банданга раҳм эт, Раҳмон,
Бу адам даштининг борми ҳеч гашти?

Бедор, беҳаловат бу умрларда
Сен-ла тиллашурман, жимгина қўнгил.
Оҳанглари шовури шотомирларда,
Дил ишққа ташнадур, ишққа ташна дил.

2012

* * *

Эллик, ҳатто юз йил ҳам етмас
Бу дунёни ўрганиш учун.
Сен ҳаётга келгандирсан, бас,
Ёниб-куйиб, ўрганиш учун.

Тонг. Кўчага чиқасан, далли
Оёғингмас, бошлаб кетар онг.
Аммо сенга бермас тасалли,
Шовқин кўча, жимжит оломон.

Қисматингни яратган Холиқ
Дарж этгандир милён йил нари.
Дунё – уммон, сен эса – балиқ
Ва шўнғийсан издиҳом сари.

Давомийдир бу ҳолат ҳар кун,
Ҳаловату ором сенга ёт.
Элу юртдан қолмаслик учун
Уй қурасан, йиғасан бисот.

Сен ҳам барча одамлар каби,
Дейсан, бола-чақам, рўзғорим.
Сабоқ берар ҳаёт мактаби,
Сен-чи, ношуд толиби илм.

Элликми ё юз йил ортингда
Алмашгандир авлодлар янги.
Сен ойнага боқасан зимдан,
Чаккангда оқ – йилларнинг чанги.

Элликми ё олтмиш йил фурсат
Оқар сувдай кетмишдир оқиб,
Эвоҳ, умринг ўтгайдир наҳот,
Издиҳомлар ичра улоқиб.

Ўтиб борар шиддат-ла ҳар он,
 Гоҳ кулдириб, гоҳ ёшлаб кўзни.
 Англа, ҳаёт – синов, имтиҳон,
 Инсон, аввал таниб ол ўзни.

2009

БОЛАЛИК АРМОНЛАРИ

*Ҳар кун йўл четида чангларга ботиб,
 Ўйнаб ўтирар бир яланғоч бола.*

Эшқобил Шукур

Болаликнинг шўхликлари – баҳорларда,
 Зувиллатиб чиллик ўйнар ангорларда.
 Балиқ каби сувда сузиб анҳорларда,
 Улғайибман меҳрлару озорлардан.

Уватларда мол-қолларга ўт ўрардим,
 Жилғалар-ла қувалашиб югурардим,
 Кўкка туташ дарахтларни кўзга илмай,
 Шохдан-шоҳга сакрар эдим ҳадик билмай.

Гўдакликнинг ифорлари ўткир исли,
 Онам булут, отам шамол эди мисли,
 Хаёлимни ўғирлама, ай қизғалдоқ,
 Ўйнашайин қуёш билан қувлашмачоқ.

Вақт шамоли олис-олис кетди бошлаб,
 Энди Сурхон боғларига бегонамиз.
 Ёбонларга болаликни етим ташлаб,
 Сулувларнинг тушларида афсонамиз.

Томлар узра ял-ял ёнган қизғалдоғим,
 Олов каби ловуллаган ёшлик чоғим,
 Бир зум яшнаб очилиб у кулган лола,
 Қумқўрғонда қолиб кетган ўша бола.

Хазонларни бир-бир босиб афтодаҳол,
Кузги боғда тентирайман хазон мисол.
Болаликнинг шўхликлари келар эсга,
«Севдим...» дея хат битганим қўшни қизга...

Ёшлик ларзон. Севги армон. Умр ҳайрон,
Мени кутиб сарғайдингми, Сурхондарё?
Қайлардасан, болалигим, зангор осмон,
Ўксик кўнглим улғайтирган армон дунё.

Чанг тупроқли кўчаларим тунлар уйғоқ,
Келарми, деб йўлим пойлар неча замон.
Ўтмишдаги қайсар бола – пок, бегуноҳ,
Араз қилиб кетиб қолган аллақачон.

2013

КЕМА

Аввал шошилгандик, қани, тезроқ бўл,
Бири-биримизга беришиб далда.
Елкан кўтарилган, олдда равон йўл,
Шамол тўхтаб қолди ушбу маҳалда.

Ногоҳ билиб қолдик, шамол тўхтаган,
Кема саёзликда бўлмоқдадир ғарқ.
Фурсат бу ҳолатга кўникди дарҳол,
Яшашни бошлади лоқайду бефарқ.

Табиат инсонга бўйсунмас, инжиқ,
Эринчоқ шамоллар уйғонар қачон?
Омонат иқболга интизор, интиқ,
Ҳаммамиз боқамиз уфққа томон!

Яна шамол турди ур-йиқит, жанжал,
Ҳаммамиз шошамиз тагин кемага.

Ҳеч кимнинг ўйига келмас бу маҳал
Бунча шовқин-сурон, нечун, нимага?!

Тағин шошиламиз. Тағин тўполон,
Омонат иқболга парво қилмаймиз.
Кема бизни элтар қаёққа, қачон?
Етар манзилимиз қаён, билмаймиз!

ОТАМНИ ЭСЛАБ

Ўтираман чўмиб маҳзун ўйларга,
Йиллар ўтар шамолдайин шувиллаб.
Отам энди келмайди бу уйларга,
Уйим турар неча йилки хувиллаб.

Гурунг бермас уй тўрида ўтириб,
Кетгандайин гўё қўшни қишлоққа.
Юрагимнинг бир чеккасин ўпириб,
Отам кетган жуда узоқ-узоққа.

Элу элат дуосида бир тилак:
“Раҳматига олсин яхши одамни”.
Менга энди тасаллолар не керак,
Қўлларида тутолмадим отамни.

Ўгитларин олай десам энди кеч,
Қароғимга суролмайман изларин.
Етмай олам ишларига ақлим ҳеч,
Кўчаларга жовдирайди кўзларим.

Қандай одам эди отам, ўйласам,
Ёмонлик қилганни алқаб суярди.
Бир нон топса эл ила кўриб баҳам,
Топмаса ҳам қаноатдан тўярди.

Эски карвонсарой экан бу дунё,
Кўникар барига одам боласи.
Отамдан олмадим ризолик ҳатто,
Тинмайди шу боис кўнгил ноласи.

Ёлвораман Ҳақдан сўраб гуноҳин,
Мен Отамнинг шому саҳар чоғларда.
Тонг-ла маҳшар отам – пуштипаноҳим,
Шодон кезсин, дея жаннат боғларда.

ЎЗ-ЎЗИМГА

(Далда)

Қочаяпсан, абгор, шумшук,
Кундан-кунга ошар довлар.
Буқун йўлбарс бўлиб мушук,
Беша ичра сичқон қувлар.

Ўртадан ҳеч ўтмаган қил,
Дўст деганинг қўяр ғовлар,
Оёғингга бермоққа чил,
Ёлланади ким бировлар.

Кейин-чи, саволу сўроқ,
Қийноғу кишан, буровлар,
Гадойлар сенга ҳамтовоқ,
Ошнонг бўлар моховлар.

Неча кунки, тобинг йўқдир,
Уйқу бермайди тумовлар,
Нажот сўраб дўхтир борсанг,
Шифокор ўзи сирқовлар.

Уйга келдинг мирзақуруқ,
Жужуқларинг чўнтак ковлар.

Ҳе, садқаи одам кет, деб
Хотин асабинг эговлар.

Ёндирар, ўт-олов ичинг,
Чирмар оёғинг тушовлар,
Калимага келмас тилинг,
Кулар устингдан соқовлар.

Малибу – бедов янгича,
Келин танлайди найновлар,
Қизингга уй қўшиб бер, деб,
Дағдаға солар куёвлар.

Ўтар бари омон бўлсанг,
Қўл беради ҳатто ёвлар.
Беша ичра бўлмагин танг,
Асл шерлар жайрон овлар.

КЎП БУНЧА

Топмадим бу оламда битта бағри бутунча,
Эвоҳ, бахтга ташналаб жони ҳалак кўп бунча.

Турфа феълу турфа таъб, ҳаёт асли зўр мактаб,
Иш ўрнига сотиб гап, урган занах кўп бунча.

Зўрлар дейди зўрман, шўрлар дейди шўрман,
Келиб қумрига қирон, олашақшақ кўп бунча.

Шамол эсгани эсган, қилич кесгани кесган,
Ўзини доно сезган ғалча тентак кўп бунча.

Ҳаёт, деймиз, эҳ ҳаёт, гоҳ бунёд, гоҳи барбод,
Ўзини санаган от гала эшак кўп бунча.

Нокас сутни қора дер, амалдорлар пора дер,
Рост гапинг чикора дер, ўтрик, ўшак кўп бунча.

ПАРАДОКС

Мингта ҳақиқатнинг бир гумонида
Хамирдан зувала қораяпмиз-ку.
Умрнинг сахрою биёбонида
Судралиб ризқимиз тераяпмиз-ку.

Қўли калтароққа қараймиз кулиб,
Ожизнинг нонини оламиз юлиб,
Икки оёқли бир махлуқот бўлиб,
Кўксимиз осмонга кераяпмиз-ку.

Улфатлар пуфакдек шиширса гоҳо,
Ўзимиз санаймиз оқилу доно,
Иблис қутқусига алданиб аммо,
Дўзахга юзимиз бураяпмиз-ку.

Фанонинг зил-замбил юкин орқалаб,
Жужуқлар ўрнига кучук эркалаб,
Бири-биримизни шоқолдек талаб,
Беғуноҳ бошларни ёраяпмиз-ку.

Унутдик не савоб, нимадир гуноҳ,
Тириклик ташвиши ичмоғу емоқ,
Ўлимдан оғирдир ростини демоқ,
Ёлғонни опичлаб бораяпмиз-ку.

Қақшар кўчаларда оч, юпун кўнгил,
Уни юпатмоқлик мушкулдан-мушкул,
Борар йўлимиздан улоқиб буткул,
Шайтонга қўлимиз бераяпмиз-ку.

Дунё омонатдир. Сафар қияпмиз,
Имон мулкени зер-забар қияпмиз,
Эртамик бугундан баттар қияпмиз,
Амаллаб кунимиз кўраяпмиз-ку.

Болалар кўзида ҳайратлар ўлган,
Тоқат шокосаси тўлиқиб, тўлган,
Телбамиз, бизларни гўё жин чалган,
Оёқлар осмонда юраяпмиз-ку.

1989

* * *

Айланади гирдимда кунлар,
Уй – ишхона, ишхона ва уй.
Кўкрагимдан босади тунлар,
Бола-чақа, рўзғор деган ўй.

Юрагимга чаён санчар ниш,
Сиримни бой бермайман аммо.
Ўтиб борар умр – худди туш,
Ҳаёт – ечиб бўлмас муаммо.

Кузатади тўрт фасл бизни,
Гилдирагим айланар секин.
Ўтга-чўққа ураман ўзни,
Рўзғор ғори тўлмайди лекин.

Уйимдаги бу хотин эса,
Яширади рўзғор камини.
Кир ювади, босади дазмол,
Чиқармасдан асло дамани.

Мен кўтариб келган армондан
Пиширади тансиқ таомлар.
Узилмайди ҳеч дастурхондан
Қут-барака кундуз, оқшомлар.

Кунларимни ҳар куни қайта,
Уринаман таҳрир этмакка.
Бахтли санар ўзин бу хотин,
Ўтирса-да нимдош кўйлақда.

Кечалари уйғониб кетсам,
Ўтиради жимгина, маъюс.
Бу аёлни бахтли этмакка
Бисотимда топилмайди сўз!

ЗАРДА

Ўз ҳолимга қўй мени, ҳаёт,
Кавокиблар сайрини этсам.
Қоғозларни чектириб фарёд,
Кулиб-кулиб сатрлар битсам.

Нима дейсан менга, эй ҳаёт,
Эмасман-ку темир ёки тош.
Ўз жонимни қилмай эҳтиёт,
Ёлғонлигинг этаяпман фош.

Нима дейсан менга, эй ҳаёт,
Ҳар қадамим эҳтимол хато.
Аминманки кўкда олий Зот,
Бандаларин унутмас асло.

Ўз ҳолимга қўй мени, ҳаёт,
Нуқсонларим этмагин таъна.
Келар бўлсам бу дунёга бот,
Абдумажид бўлардим яна...

* * *

Шамолманми ё хаёлманми,
Гузарлардан ўтаётирман.
Ечими йўқ бир саволманми,
Аждодлардан кўҳна хотирман.

Шам кўтарган сўқирдай гўё,
Тор сўқмоқда йитаётирман.
Инкорим бу, иқрорим оё,
На муслиму ва на кофирман.

Юкинганча фақат кўнгилга,
Орқасидан кетаётирман.
Кунларимни созуриб елга,
Эрталарни кутаётирман.

Юракларим беланган қонга,
Лахта-лахта ютаётирман.
Меҳр истаган аҳли инсонга
Жоним нондай тутаётирман.

Ахтарганча ўзимни тинмай,
Ўзимга кўз тутаётирман.
Балки ҳали дунёга келмай,
Бу дунёдан ўтаётирман.

1991

* * *

Бола эдим содда, хувари,
Тоза эди кўнгилда ҳислар.
Тутиб ол, деб қочарди нари,
Мени туртиб қақажон қизлар.

Қувлаб-қувлаб тутганим заҳот,
Сочларидан тортардим бураб.
Қақажонлар сўрашиб нажот,
Ялиларди менга жовдираб.

Ўтди йиллар, улғайди ҳислар,
Ҳаддим сиғмас қизни қувлашга.
Сочларидан уфурган ислар
Изн бермас ҳатто силашга.



* * *

Ланж сўзларга йўқдир тоқатим,
 Сўзлар бўлса шиддатли, шахтли.
 Нурга тўлса борлиқ, ҳаётим,
 Инсон бўлсам дунёда бахтли.

Сўзлар бўлса онамдай мунис, –
 Меҳр билан кўксини тутса.
 Қирқ йилдирки кечаю кундуз
 Йўлларимга кўзини тикса.

Сўзлар бўлса навқирон, боқий,
 Дарёлардай тошқин ва уйғоқ.
 Айрилмасам улардан токи,
 Кўзларимга тўлгунча тупроқ.

Сўз излайман нондай табаррук,
 Оромимни йўқотиб тун-кун.
 Этолсайди дардлардан фориг,
 Топган сўзим оламини бир кун!



* * *

Дуч келса имонни асраган зотлар,
Қанчалар қувондим бундайин ҳолга.
Арзонга сотилса дин-эътиқодлар,
Учди ишончларим гўё шамолга.

Кўнгилга бир илинж ёқди шамчироқ,
Меҳрибон онамдек кўринди ҳаёт.
Нечун ўлчамайди тарози, бироқ
Уволу савобни теппа-тенг, ҳайҳот?

Ҳаёт жумбоқ экан бош-оёқ, хуллас,
Ҳар ким виждонига қозию ҳакам.
Қабиҳ қилмишидан уялмас нокас,
Ўзини фаришта санар муттаҳам.

Қанча ёлғонларга юзма-юз бўлдим,
Уларга ишониб, кўп қайтди раъйим.
Сочим оқарганда бир сирни билдим,
Ёлғончи ўзини алдаркан доим...

ҲАЙРАТ

Фозил Искандарга

Оғзининг сувини келтириб чунон,
Кўшни қабиладан келган гўдакни.
Олис аждодимиз ер эди банан,
Қизғаниб ўзича тансиқ неъматни.

Бола беихтиёр тамшанар лабин,
Ёввойи ҳам гўё хаёлга толган.
Бир чеккаси ачиб болага юраги,
Ўйларди, бечора қорни оч қолган.

Гала урфларига содиқлик маҳкам,
Темир қонун эди у пайтлар кўпга.
Гўдакка келарди аммо раҳми ҳам,
Мансуб бўлса ҳамки бегона тўпга.

Шу асно ёритиб еру осмонни,
Метеор парчаси тушди далага.
Одамзод еб турган ўша бананни
Жилмайиб узатди митги болага.

Болакай еярди, қувонарди у,
Ҳайратин яшира олмасди мубҳам.
Қаёқдан келди, деб инсоний туйғу,
Ўз-ўзига савол берарди одам.

* * *

Катман қирларида гулханлар,
Осмонларга ўрлар тутуни.
Ҳисларимни тургандай англаб,
Имлар кўкда юлдузлар мени.

Айрилиқлар кўмилган кўрга,
Нохос тушар юракка титроқ.
Энам кулча ёпар тандирга,
Хамир қориб меҳрдан қайноқ.

Кузатади кўнгли бузилиб,
Энам мени не бир аҳволда.
Дастурхонда турар тизилиб,
Кулчалар-чи, мунғайган ҳолда.

Китобларга тўлар жомадон,
Сиғмас энам ёпган кулчалар.
Очилади темиртан вагон,
Йўллар “Чўли Ироқ”ни чалар.

Йўл юришдан йўл эринмайди,
Тоғ ўтаман, сахро ўтаман.
Манзил эса ҳеч кўринмайди,
Нафасимни ичга ютаман.

Худо билар қанча масофа
Сурхон билан Тошкент ораси.
Йўллар сўқар узоқ фалсафа,
Ўртада соғинчлар дараси.

Умрим оқиб кетган дарадан,
Ўтиш оғир менга бунчалар.
Кечса ҳамки қирқ йил орадан,
Дастурхонда йиғлар кулчалар...

* * *

Катталикни этдик кўп даъво,
Аммо ҳали-ҳамон майдамиз.
Қўлдан келмас йиғламоқ ҳатто,
Метиндан ҳам қаттиқ дийдамиз.

Оқилликка кўп даъво қилдик,
Тўрт қулочдир оғизда тиллар
Ва ниҳоят хулоса қилдик,
Ер қаърига кетмиш оқиллар.

ҚАРҒИШ

Умид ила умид қилгандим,
Умидимни синдирдинг, аттанг.
Қоқ манглайим тешиб ўтди-ку
Сен қасд ила улоқтирган санг.

Нима бўлса Худога солдим,
 Ер қаттиғу осмондир йироқ.
 Мен-ку қуруқ тухматга қолдим,
 Умидингга етма сен, бироқ.

ЭСЛАШ

Улоққан шамолдек қочяпти тағин,
 Шабнамдек бокира, тоза кунларим.
 Юракда чақмоқлар чақади чақин,
 Бўғзимга тиқилар унсиз унларим.

Ниятлар кўнглимга ёқдию чироқ,
 Орзулар кафтида учдим кўкларга.
 Бир ҳамдард қидириб ўзимга бироқ,
 Учрадим бефаҳм бурундуқларга.

Қайтмагай у гўзал дамлар ортига,
 Овуга олмайман инжиқ кечани.
 Олис болаликнинг беғам юртида
 Бир бола чангитиб ўйнар кўчани.

Болалик хаёллар... Учқур лочиндай,
 Титаман жимгина кунлар қатини.
 Излайман минг йилки, чексиз очунда
 Беғубор Сусамбил мамлакатини...

Бир бола... Эсласам юрак зирқирар,
 Терларга ботаман нафасим қайтиб.
 Олисда... Эҳтимол, отам чақирар,
 Шамоллар ортидан исмимни айтиб.

Билмам, не ўйларда юрибди бугун,
 Узоқларда отам букилиб икки?

Унинг кўзларида бунча алам, мунг,
Найнов биргадирдан эшитиб дакки.

Тақдир такбирини этолмай таҳрир,
Йилларим ўтмоқда элас ва элас.
Мени олисларга бошлаган тақдир,
Изига қайтишга аммо шошилмас.

Отам ҳам кетди-ку учар қушлардай
Кўпларга қўшилиб олис-олисга.
Отам сиймосини кўрсам тушларда,
Чанг йўлдаги бола тушади эсга.

* * *

Болам, бу дунёда гапирсанг гап кўп,
Ҳар битта заррада олам намоён.
Фаҳм этсанг дунёни яхшидир, хўп-хўп,
Анқайиб ўтирсанг бу жуда ёмон.

Азал сирларига бўларсан ошно,
Боқсанг разм солиб соғу сўлидан.
Уммонга шўнғисанг мисоли ташна,
Чиққайсан бир куни Гоби чўлидан.

АЛҲАЗАР

Аралаш-қуралаш бўлди ҳаммаси,
Қоришди оқилу нодонлар турфа.
Алҳазар, қисматнинг бу не нағмаси,
Аждоди одам-у, авлоди чурпа.

ШОИР

Гўдак каби ўжар, бир сўзли,
 Жаҳон билан келмас муросанг.
 Ҳамроҳингдир – тахайюл гизли,
 Тер тўксанг-да оқармас косанг.

Умид билан келиб дунёга,
 Эгилса-да қадларинг ногоҳ.
 Жавобгарсан ҳамма балога,
 Ер юзида қўпса не гуноҳ.

Шарбат эмас, ичганинг оғу,
 Машраб бўлиб осилдинг дорга.
 Кўкда Чўлпон бўлсангда гоҳи,
 Отдилар-ку тираб деворга.

Эътирофу хўрлик ёнма-ён,
 Битта бошинг сиғмас Ватанга.
 Фурқатида чекдингу фиғон,
 Ҳижрат этдинг мулки Хўтанга.

Аламларим сиғмайди дилга,
 Сукутда Нодири давронлар.
 Қайтармикан минг йилда элга,
 Навоийдек буюк инсонлар?

Ишинг фақат кўксингни тилмоқ,
 Халлождайин ёниб гулханда.
 Кутилмаган бир онда ўлмоқ,
 Яшамоқдир мангу – ўлганда.

БАХИЛГА

Ахтарганча яшаш учун тадбир-чора,
Бугун ҳамма бир иш билан банд, овора.

Илму амал қилганидай гўё пари,
Кўмочига кул тортадир ёшу қари.

Ер юзида тирик жон бор – қимирлаган,
Эртаю кеч ўз иши-ла ғивирлаган.

Аmmo гўё ўлчагудек бўйи эним,
Соям каби эргашасан нега, иним?

Бўлмадим ҳеч ҳамтовоқ ё сафардошинг,
Маъракада емаганман текин ошинг.

Шубҳали бир улфату ошином йўқ,
Пиёдаман, бисотимда мошинам йўқ.

Рўзғоримда бўлиб турар каму кўстим,
Анқога ҳам шафемасдир ёру дўстим.

Азон туриб ишхонага оламан йўл,
Ёмғир ёғса, бош-оёғим бўлади ҳўл.

Етишмаса гоҳи кўмир, гоҳи ўтин,
Хархаша ҳам қилиб турар уйда хотин.

Хотин зоти азал-азал зарбулмасал,
Жини тутса, шайтонни ҳам этар ўсал.

Пишт демадим аммо, иним, пишагингни,
Тескари ҳам қилмадим ё эшагингни.

Жаҳл қилиб ё отангни урганим йўқ,
Онанг ҳақда ўтрик-ўшак сурганим йўқ.

Сен ҳақингда ножоиз ўй ўйламадим,
Ғараз ила қийшиқ оғзинг пойламадим.

Очиғин айт, магар менда ўчинг бўлса,
Жонимни ол Азроилдек кучинг бўлса.

Фақат менга йўқ жойлардан айблар тақиб,
Жосус ёки айғоқчидай этма таъқиб!

Сенга нима, мен тарафга қуёш чиқса,
Кутмаганда ё сигирим эгиз туғса?

Чиқиб қолсам гоҳ олдинги марраларга,
Қувончимдан қаҳ-қаҳ урсам давраларда.

Худо ўзи камитмаса ризқ-рўзимни,
Порлоқ кўрсанг кўкда омад юлдузимни.

Қопағон бир итдай менга ириллама,
Алам билан бурнинг тишлаб жириллама.

Одам бўлсанг, илло, қушнинг уйин бузма,
Этак билан осмондаги ойни тўсма.

Чўзганимдан маъно йўқдир гапни, хуллас,
Алалхусус, бошқа иш топ ўзингга, бас.

* * *

Савоб учун битта ниҳолни қада,
Ҳамалинг жавзога жилмасдан бурун.
Яхшилик қилгину дарёга ташла,
Исмингни балиқлар билмасдан бурун.

Қайғуни йўлатма кўнгил боғингга,
Ташвишлар ёқангни юлмасдан бурун.
Сумак шарт эмасдир чақалоғингга,
Ҳали бу дунёга келмасдан бурун.

Ўтгайдир ёшлик ҳам фусункор, сўлим,
Сузгин мавжларида сўлмасдан бурун.
Бу ҳаёт бир куни бўйнингга, ўғлим,
Рўзғор халтасини илмасдан бурун.

Ниқобин ечаркан турмуш – тасқара,
Ҳушёр бўл домига олмасдан бурун.
Яшагин қисматни қилиб масхара,
Ҳолингга маймунлар кулмасдан бурун.

Сочингда оқ билан борарсан қишга,
Хазон боғларингда елмасдан бурун.
Уринма ҳайбатли тоғни йиқишга
Аввало ҳолингни билмасдан бурун.

Худодан дилингни узмагин токи,
Исрофил сурини чалмасдан бурун.
Бу дунё кузакнинг битта япроғи,
Нафсингни ўлдиргин ўлмасдан бурун.

БОШ ВА ТОШ

Ҳаёт бу синовдир, аслида кўрсанг,
 Ҳар касу нокасга бўларсан дучор.
 Гоҳо бир эшикка бошингни урсанг,
 Минг эшик очилар сенга баробар.

Тириклик бўйнингга ташвишлар илар,
 Ҳаммасидан тўйиб, тугар бардошинг.
 Яшасанг бошингдан ўтмайди нелар
 Ҳатто кўтаролмай қоларсан лошинг.

Умрнинг паст-баланд йўлакларидан
 Ўтиб бораркансан дилгир, фаромуш.
 Бошинг олиб кетгинг келар баридан,
 Осмонларга учиб худди дайди қуш.

Учишга йўл бўлсин, қанотларинг йўқ,
 Минг-минг муаммолар тўзони бошда.
 Ҳатто кўчадаги майна қилар дўқ,
 Парво ҳам қилмасдан қўлингда тошга.

Мўмин бир бандасан ночор, ноилож,
 Кўнарсан бошингга келган савдога.
 Юзма-юз турарсан бешафқат ва оч
 Дийдаси тош қотган ғаддор дунёга.

Чирпираб айланар тегирмон тошинг,
 Бошингни уришни билмайсан қайга.
 Тангрининг тошидир аслида бошинг,
 Қаёққа ирғитса, тушар шу жойга.

* * *

Бунча ҳовлиқасан ўпканг босолмай,
Ўзни парвонадек уриб ўт-чўққа.
Дунё кўҳна бозор, ҳаммадан қолгай,
Биров етиб, биров етмай қуйруққа.

Асло ўрин йўқдир ранжу озорга,
Кулли кўмочига кул тортар ҳар ким.
Энди бораяпсан сен бу бозорга,
Мен-чи, аллақачон бозордан қайтдим.

МЕН

Ўсмирлигим, уришлару талашларим,
Бургутдан ҳам ўткир эди қарашларим,
Майдонларни зир титратган курашларим,
Шамоллардан шошқин эди, эҳ, шаштларим,
Боласидай эркаларди қир-даштларим.

Мен-чи, кетдим, тоғда қолди бургутларим,
Каптарларим, ҳаққушларим, худхудларим,
Ўтовларим, чодир-чаман худудларим,
Йиғлаб турар осмонларда булутларим,
Чақмоқларнинг кўзларида сукутларим.

Шамолларнинг этагида учган ўзим,
Найсонларда шабнамларни ичган ўзим,
Тақдиримнинг либосини бичган ўзим,
Юлдузларнинг уммонида кечган ўзим,
Париларни Кўҳиқофда қучган ўзим.

Бир йўлчиман, билмам, асло қай йўлдаман,
На ердаман, на осмон, на ҳилолдаман,
На оташу, на тупроқ, на кулолдаман,
На ёмғиру, на уммон, на шамолдаман,
На иблис, на малак, на зулжалолдаман.

Бир йўлчиман, йўлларимда сабру сабот,
 Бир куйчиман, тилларимда қанду новвот,
 Йўллар юрсам, йўллар чиқди қават-қават,
 Карвонлардай ўтаяпман работ-работ,
 Бир даллиман, кўзларимда кулар ҳаёт.

Бир чўпонман, афтода бир ўтинчиман,
 Саҳроларда барханлардай кўчкинчиман,
 Ё тингчиман, ё синчиман, ё жангчиман,
 Ҳузурингда дунё кўноқ, ўткинчиман,
 Мен онамнинг соғинчиман, ўкинчиман.

ВАТАНГАДО ҚИСМАТИ

1

Олис-олисларга йўлларим тушди,
 Ҳижрат ғуссасидан юрак увишди.
 Бахту иқболимни тўкис топсам-да,
 Ҳолим ёмон бўлди турсам-ётсамда.
 Жайхун сувларидан ичмадим қона,
 Йўлларимни пойлаб йиғлади онам.
 Адаштириб қўйдим юрар йўлимни,
 Соғиндим қадрдон она тилимни.
 Одамлар қўлини нуққанча бир-бир,
 Дедилар: “Бу шўрлик ғариб, мусофир”.
 Тилка-пора бўлди орзу-ўйларим,
 Сомондай сарғайди рангу рўйларим.

2

Кўкайим сўкилди бир-бир чокидан,
 Бир учқун сачради юрак оҳидан:
 “Бегона элларда тождор бўлгунча,
 Ўз она юртингда токи ўлгунча,

Хору сарсонликда юрсанг-да, ҳатто,
Яшамоғинг бахтдир бўлиб бир гадо.
Қидирган бахтингни топмасанг ёнма,
Арзонга алданиб, ўзингдан тонма.
Оқиллар пандидан бурмагин кулоқ,
Отангдир, онангдир шул азиз тупроқ.
Ёмонинг бўлса ҳам, чиқарма ёддан,
Яхшидир минг бора бегона, ётдан”.

3

Юрагим оҳидан титради осмон,
Вужудим чулғади ғалва, ғалаён,
Дедим, Ватанимга тезроқ кетайин,
Фарзандлик бурчимни адо этайин.
Соғинч изтиробда ёнмасин таним,
Ҳолимга кулмасин бетавфиқ ғаним.
Тутмасин онамнинг берган оқ сути,
Куйиб кул бўлмасин имон ҳудуди.



* * *

Дарди йўқ кесакдир, ишқи йўқ эшак,
Дардимиз ҳам бордир, ишқимиз бор.
Бир феълимиз ёққан Худога демак,
Одам унвонига бўлдик сазовор.

* * *

Буюк бир ибратдир валлоҳи аълам,
Қайтармоқ жоиздир саломга салом.
Биров саломига ким алиқ олмас,
Яратганнинг унга саломи бўлмас.

* * *

Дунёга келгандинг насабинг инсон,
Дўст бўлмоқ истадинг инсонлар билан.
Ғафлатда ақлингни ўғирлаб шайтон,
Ҳамтовоқ айлади шайтонлар билан.

Сенга кор қилмади панду насиҳат,
Ҳою ҳавасингга беравердинг зеб.
Ҳар қадаминг бўлди гуноҳ, масъият,
Шайтон ҳам олдингда эшолмади ип.

Дунёга келгандинг инсон шаклида,
Жаҳон саҳнасида қўғирчоқ бўлдинг.
Сен энди эмассан башар аҳлидан,
Инсон бўп туғилиб,
Шайтон бўп ўлдинг.

ДОСТОНДАН СЎНГ

Йиллар кечар гўё дақиқа,
Дақиқалар йилга айланмиш.
Араз қилиб мендан ҳақиқат,
Хайём билан май этади нўш.

Ўтмишларда садоқат, вафо –
Паривашлар сочи қирқ қулоч.
Бугун бир сўз демасдан ҳатто
Ташлаб кетди гўзалларни соч.

Эзгуликлар достонда қолмиш,
Имон-инсоф кечанинг гапи.
Хафа бўлма, иним, Кунтуғмиш,
Ҳотамтойлар анқога шафе.

Алп ботирим омон бўлса, бас,
Қайтиб келар охири бир кун.
Бахшим, ростла озгина нафас,
Достон ҳали топмади якун.



ШАЙТОННИНГ ДЎСТИ

Дўсту оға-ининг саломат бўлса,
 Қаторда норим бор, деёласанми?
 Ишинг тушиб борсанг, писанда қилса,
 Етти ерга кириб уяласанми?

Калаванг учини йўқотиб баъзан,
 Обдан элаганда ҳаёт ғалвири.
 Қўлини узатса яхшилар лутфан,
 Танимасга олар каслар қилвири.

Йиқитиб, топтовчи бисёр ҳамиша,
 Сал-пал бўшашсанг, копток бўларсан.
 Қўрқоқ деб айблашар, қилсанг андиша,
 Ростини сўзласанг шаккок бўларсан.

Эзгу ишингдан ҳам топади нуқсон,
 Хаёли-ўйида бўлмағур ўйлар,
 Ҳатто уяларсан дейишга инсон,
 Жаноза пайтида латифа сўйлар.

Ғаламис иғвоси тинмайди бирпас,
 Ҳамиша булардан безордир очун.
 Муқаррар қутурган тўфон босилгач,
 Осмон очилади, чарақлайди кун.

Яхшилар ҳамиша бўлингиз омон,
 Сиз билан бутундир дунё кам-кўсти.
 Сен ҳам бир гапимни унутма, ёмон,
 Иблисга муриддир шайтоннинг дўсти.

ЖАРАЁН

Лозимдир ҳамиша сукут этмоғим,
Ёлғонни тупукдек туфлай олмасдан.
Кўлимда пиёла...Бир қултум сувга
Ташна термуламан ҳўплай олмасдан.

Либосим эгнимда олақуроқ зап,
Юрибман ўзимга ўзимни мақтаб,
Кўнглим эшигини очдим, ё раб,
Калитин йўқотдим қулфлай олмасдан.

Ҳаёт араваси лоқайд имиллар,
Одамлар яшамас, фақат ғимирлар,
Юракда исмсиз дардлар симиллар,
Бораман ҳаттоки “их”лай олмасдан.

Ўзимни ахтардим гузар, йўллардан,
Изғидим бенаво саҳро, чўлларда,
Уялиб тураман нафис гуллардан,
Тилимни каломга жуфтлай олмасдан.

Ҳаётим йўллари чалкашиб кетмиш,
Оёғи осмонда келажак – ўтмиш,
Гарчи тазаррулар фурсати етмиш,
Лолу ҳайрондирман йиғлай олмасдан.

Ҳаётим тўлдирди ёлғон-ўтриклар,
Шопирганим алдов, хулё, кўпиклар,
Бахтиёрман, дея битдим битиклар,
Кўнгил хароботин тиклай олмасдан.

Ёғмоқда бошимга қорлар бўралаб,
Кўчани кезаман ухлай олмасдан.
Касбим шу,
Ўтаяпман қоғоз қоралаб,
Йўлимнинг ярмида тўхтаб қолмасдан.

* * *

Йигит алдовига учма қизгина,
Эҳтимол устингдан кулмоқда йигит.
Ақлинг йиғиштириб олгин тезгина.
Ортингдан йигитмас, келаётир ит.

Бежиз менгзамадим мен уни итга,
Ит-ку иззатини аммо билади.
“Тур” десанг, ўзини олади четга,
“Баҳ” десанг, олдингга чолиб келади.

* * *

Икки қош ораси менинг ҳаётим,
Лаҳзада тирилиб, ўлиб яшайман.
Вояга етса ҳам ўрганмай қўлга,
Хуркагу ёввойи тойга ўхшайман.

Ўхшайман бир гиёҳ ўсмаган тоққа,
Ўзани қуриган сойга ўхшайман.
Одамлар унутган ғариб сўқмоққа,
Момомдай дардли бир куйга ўхшайман.

Бу куйнинг ноласи оламни ўртар,
Қамишдан кесилган найга ўхшайман.
Қирчанғи бу дунё манзилга йўртар,
Туёғидан кўчган лойга ўхшайман.

Юракда фарёдим, бўғзимда додим,
Ёронлар, бир ҳоли войга ўхшайман.
Ўқлари отилиб олис манзилга
Добонбийдан қолган ёйга ўхшайман.

Совуқ изиллаган қаҳратон кунда
Томи ёпилмаган уйга ўхшайман.

Ўхшашим топмадим жумла очунда,
Бўри чангалида қўйга ўхшайман.

Бир эгнимда савоб, бирида гуноҳ,
Булутлар ортида ойга ўхшайман.
Бўлсам-да аслида афтода, қашшоқ,
Худдики минг қўйли бойга ўхшайман.

ИСТАК

Даштлар уйғонади қиш оғушидан,
Саҳар қучоғида уйғонар кеча,
Бесўроқ кирасан, малак, тушимга,
Ширин хотиралар эшигин оча.

Шамоллар шивири бот эшигимда,
Дийдор илинжида шошади шодон.
Кўклам уйғонади қиш бешигида,
Чечаклар кўзида кулади найсон.

Самолар уйғонар, энтикар дунё,
Чақмоқлар кўксимга солар қасирға.
Ўрик шохларида ғунчалар гўё,
Ял-ял товланади тилло исирға.

Кирдинг тушларимга бесўроқ, бесўз,
Юрагим уйғонди хуш товушингдан.
Кўзларим очолмай ётибман ҳануз,
Сира кетмаслигинг истаб тушимдан.

* * *

Кетаяпман кунлар ортидан,
 Ой, йилларга айланади вақт.
 Синалмаган дунё сиртидан
 Ўтаяпман, тўхтамасдан шахт.
 Неча-неча ошиёнлардан
 Бораяпман сукут ичида.
 Қон қақшаган қаҳратонларга
 Юрак чида. Юрагим чида.
 Ташлаб кетди қанча дўстларим,
 Жўнадилар бобом, момом ҳам.
 Силагандек бўлиб юзларим,
 Ўтиб кетди шамолдай отам.
 Кечалари ботиб хаёлга,
 Шамоллар-ла суҳбат қураман.
 Тушларимда чиққанча йўлга.
 Ота уйга кириб бораман.
 Ота уйим, сендай маъво йўқ,
 Остонангга дардларим экдим.
 Каъбамдирсан – мўътабар, улуғ,
 Армонларим пойингга тўқдим.
 Ота уйда катта-кичик жам,
 Ўзгармаган ҳамма-ҳаммаси.
 Уй тўрида ўтирар отам,
 Энди даштдан қайтган чамаси.
 Салом сенга, файзли кошона,
 Ака-ука, опа-сингиллар.
 Бир-бировнинг меҳридан қона,
 Ёришади яна кўнгиллар.
 Тўрт кўз тугал, ҳамма саломат,
 Раҳмат ҳаёт шафоатига.
 Қайтар яна файзу тароват
 Болаликнинг мамлакатига.

...Уйғонаман уйқудан бехос,
Тушларим ҳам қолади чала.
Узоқлардан келади овоз:
“Уйғонақол, тонг отди, болам”.

КЕЧА ВА БУГУН

Замон ўзгармоқда, ўзгармоқда одам,
Кечаги саллалилар шляпада бугун.
Кечаги киборнинг бугун боши ҳам,
Кечаги қулларнинг бугун тили узун.

Марҳамат айлади Яратган бизга,
Қолмади кўнгилда зиғирча армон.
Ҳатто ақл кирди ақли ноқисга,
Кечаги мушриклар бугун мусулмон.

* * *

Кўчада бир одам айтарди қўшиқ,
Овозини баланд қўйиб борича.
Атроф-теваракка ҳеч парвоси йўқ,
Тинглар қўшиғини ёп-ёруғ кўча.
Тинглар қўшиғини оғочлар, гуллар,
Ором олганича оқшом қўйнида.
Билмадим, бу одам не учун куйлар,
Не қувонч, не ҳасрат фикру ўйида.
Куйлаб бораётир кўчада одам,
Тинглар қўшиғини ҳорғин йўлаклар.
Чақалоқ сингари мудрайди олам,
Қўлчасини сўриб ухлар гўдаклар.
Балки у куйларди қувонч баҳрида,
Шодланиб-шодланиб отаркан қулоч.
Эҳтимол, бир ўзи соғинч шаҳрида,
Ҳасратин ёзмоқда ночор, ноилож.

Эҳтимол, ўша кун олгандир маош,
 Дўстлар учрашгандир дийдор баҳона.
 Балки тўй қилгандир қавму қариндош,
 Базму зиёфатдан қайтар шоҳона.
 Балки куйламоқда дилгир, ғамзада,
 Ёзиларми, дея ҳасрат-ғуссаси.
 Қимтир лабларини ўшал аснода,
 Хаёлида тотли жонон бўсаси.
 Кетиб бораётир ярим кечада,
 Оламга сиғмаган битта девона.
 Овози борича катта кўчада,
 Кўшиқ куйлаганча ёна ва ёна.

* * *

Илиққина баҳор кечаси,
 Тупроқларда найсон нафаси.
 Интиқликда сени кутаман,
 Кел, келақол, кўнглим эркаси.

Кел, келақол, келгин ёнимга,
 Юрагимни бердим кўлингга.
 Ҳаёт бахш эт ҳар бир онимга
 То тонггача кўзим йўлингга.

Мудраётир яқин-йироқлар,
 Сукунатда ухлар чироқлар,
 Ёдимдадир айтган ҳар сўзинг,
 Хаёлимда, ўйимда ўзинг.

Кел, келақол, келгин ёнимга,
 Юрагимни бердим кўлингга.
 Ҳаёт бахш эт ҳар бир онимга,
 То тонггача кўзим йўлингга.

Таърифингни қўймайди тилдан,
Осмондаги афсунгар ҳилол.
Раҳм этгин шайдо кўнгилга,
Кел ёнимга, келгин, келақол.

Кел, келақол, келгин ёнимга,
Юрагимни бердим қўлингга.
Ҳаёт бахш эт ҳар бир онимга,
То тонггача кўзим йўлингга.

ҚАФАСДАГИ ҚУШ

Жонсарақ симларга урганингча тўш,
Нимани ўйларсан қафасдаги қуш?

Субҳидамда шодон овозинг қани,
Чексиз осмонларда парвозинг қани?

Олис ёбонларда бўм-бўшми ининг,
Тангу тор қафасга қолдими кунинг?

Ғанимлар не кунни бошингга солмиш,
Кўзларинг аламли ёшингга тўлмиш.

Айириб беомон йўғу борингдан,
Жудо этдиларми севар ёрингдан?

Дунё кўзларингга шунчалар торми,
Митти жужуқларинг йўлингга зорми?

Озод кунларингни соғинармисан,
Тангу тор қафасга ё кўнармисан?

* * *

Қўшни уйда қиёмат,
 Тўполон қўшни юртда.
 Бўй етган ҳамсоя қиз
 Ташлар ўзини ўтга.
 Бор дунёни унутиб,
 Унутиб даҳшатларни
 Кўрасан интернетда
 Худкушлик, ваҳшатларни.
 Қўшни уйдаги қайғу
 Сени ташвишга солмас.
 Ўйламагин бу қутқу
 Бир кун бошингга келмас.
 Ҳаёт ҳали раҳмдил
 Сенга жилва қилмоқда,
 Аммо, ўғлон, ҳазир бўл,
 Офат яқин келмоқда.
 Тугамас ваҳшат, қирон,
 Давом этмоқда бузғун,
 Чарх ураётир бу он
 Томинг устида қузғун!
 Ўйлайсан бу туш ёмон,
 Ўйлайсан бу бир рўё,
 Кўзинг илинса бир он,
 Чаппа айланар дунё.
 Уриб турсин безовта,
 Кўксингда мудом юрак.
 Агар билсанг дунёда
 Одам одамга керак.
 Қўққисдан бало келмас,
 Бой бермагин имонни,
 Иккиланма, қутқар, бас,
 Ёнаётган инсонни!

* * *

Мен олов ёқаман: ёнади лов-лов,
Кўрмайди ўзимдан ўзга ҳеч биров.
Мен олов ёқаман: ёнар ер-осмон,
Бу олов қасдидан топмасман омон.

Томир-томиримга вобаста, туташ,
Юрагим ёқмоқда бу олов-оташ.
Нетайки, мен ақлу ҳушдан бегона,
Ёнарман бу олов ичра урёна.

Ўт-олов урилар юзу кўзимга,
Ёнишим сабаби аён ўзимга.
Ичимда бир олов-оташ гурлайди,
Дуди осмонларга қараб ўрлайди.

Чирмайди танимни бу олов-оташ,
Лов-лов ўчоғида ёнарман – қақнус.
Бир тақдир топмадим ўзимга ўхшаш,
Қанча ёнган билан вужудим муз-муз.

Оловни бунчалар ёниб суярман,
Бир ўзим ёнарман, ўзим куярман.
Ўзимман оловни ёқаётган ҳам,
Ўзимман оловда ёнаётган ҳам.

* * *

Мен энди сўзларимни қоғозга эмас,
Ёзаяпман титраётган япроқларга.
Қадамларим тинглаётган хушёр, бесас
Боболарим ухлаётган тупроқларга.

Мен энди сўзларимни қоғозга эмас,
 Юрагингга ёзаяпман, қадимий тош.
 Уйғонади оламдаги бор мавжудот,
 Уфқлардан кулиб-кулиб кўтарсам бош.

Мен энди сўзларимни қоғозга эмас,
 Дарж этаман майсаларнинг юзларига.
 Қир-адирни яшилликка буркаб бирпас,
 Кетажакман қайтиб яна изларимга.

Мен энди сўзларимни қоғозга эмас,
 Битаяпман дарёларнинг мавжларига.
 Кетаяпман олисларга оқиб-оқиб,
 Етаяпман ҳаётимнинг даштларига.

Мен энди сўзларимни қоғозга эмас,
 Шамолларнинг ўнгирига битаяпман.
 Биров билиб, биров буни ҳатто билмас,
 Шамоллардай бу дунёдан ўтаяпман.

* * *

Мени ташлаб кетинг,
 тумтароқ тушлар,
 Забун аҳволимни мендан сўраманг.
 Осмонимда учган қоп-қора қушлар,
 қора хаёлларга таним ўраманг.
 Орзум даласига тинмай эрта-кеч
 эккан зироатим – сўзлар ҳавойи.
 Қора қарғаларим, ташвишланманг ҳеч,
 умрингизга сира йўқдир даъвойим.
 Ўзимни кўрдаин уриб ўт-чўққа,
 сўзларни чайнадим – қалампир аччиқ.
 шам каби титрайди юлдузлар кўкда.
 сўзлар юрагимни тилкалайди – тиг.

Олам дарахтида эдим бир япроқ,
қисмат кўчаларим айлади чалкаш,
юрагимни юлиб отсам-да, бироқ
ўсиб чиқаверди кўксимдан яккаш.
Ҳаёт элагида эланиб минг бор,
қайрадим тилимни мисоли ханжар.
ажабмас, маҳшарда кўз очсам такрор,
Абдумажид эмас, бўлиб Самандар!
Осмонимда учган қоп-қора қушлар,
қора хаёллар-ла мени ўраманг.
Сизни тарк этаман,
тумтароқ тушлар.
оппоқ саҳарларга кириб бораман.

ЖУМА ДЕВОНА

Элбоёнда тарқалди миш-миш:
“Ойга ошиқ Жума девона
кечалари томда юрармиш,
ой ишқида ёниб урёна”.

Энасига айтади сирин,
учрашганин ой билан сойда:
“Эна, ойни менга оберинг,
тўй қилайлик келаси ойда”.

Энасига айтар дил ёзиб,
кеча ойдан олганин бўса:
“Фақат ойдир менга муносиб,
юрагимни ёндирган ўша”.

Эна эса бир сўз деёлмас,
ич-ичидан қовурилади.

Зир югуриб қидиради қиз,
калишлари едирилади.

Бораяпти ёши ҳам қирққа,
Болалар-ла ўйнайди чиллак.
қизлар тегмас телба ошиққа,
ўсмирларга Жумабой эрмак.

Атайлабдан отишади гап
девонага қувгина қизлар.
Энасини қўймайди тезлаб:
“Қачон совчи жўнатасизлар?”

Эна эса кўксини ушлар
қадалгандай заҳарли бир ўқ.
Ошиқ Жума гўдакдай йиғлар:
“Ойдан ўзга менинг тенгим йўқ”.

Элбоёнда тарқалди миш-миш:
“Томдан учиб кетганмиш Жума,
осмонларда сузиб юрармиш
юрагини қилиб у кема”.



* * *

Осмон тўнкарилган бепоён уммон,
уммонда оловли кемадир қуёш.
Ҳаётдан чарчадим шу кунлар ёмон,
яшашга қувват бер, кўксимда бардош.
Асад осмонига боқсам солиб син,
узоқ қитъаларга ғозларим учар.
Билмам, қай лаҳзада юрак олар тин,
қачон бу оламдан изларим ўчар?
Хотирлаб хотирда ёдларни азиз,
тадорик кўраман йўлга шошилмай.
Юракни ғижимлар аллақандай ҳис,
хатолар қилдим кўп билиб ё билмай.
Силкиб этагимни дарвешдай далли,
Ғурбат дунёсидан кетолмадим, йўқ.
Юракка санчилиб турибди ҳали,
Кўксимга қаратиб дўстим отган ўқ.
Бардошу тоқатга айланган кўзим,
ҳасрат водийсида изладим нажот.
Заминда чирқираб қолмасин сўзим,
онамдай бошимни силагин, ҳаёт!
Қайналай, майлига, изтироб чекай,
тутқун бўлай, майли, ғайбий сеҳрга.
Вайрона чашмадай қуримай кўкай,
Кўксимдаги нафрат дўнсин меҳрга.
Севгига айланиб кўксимда армон,
ғуссаю аламлар бўлсинлар адо.
Ҳаётдан чарчадим шу кунлар ёмон,
қўлларимдан тутгин, ўзинг, эй дунё!

РАҲМАТ

Иззату эҳтиром халқимга хосдир,
 Бир-бирин уйига чорлайди, албат.
 Иддао қилмасдан қишми ё ёздир,
 Меҳмонга садаға, мезбонга раҳмат.

Дастурхон мўллиги эмас тасодиф,
 Бу нақ ўн икки ой чекилган заҳмат.
 Саҳарда қуёшни юрган уйғотиб,
 Тупроққа эгилган деҳқонга раҳмат.

Инсон ойга етди тафаккур ила,
 Зухро билан кўкда қурмоқда суҳбат.
 Фақат яхшилиқни ўтирган ўйлаб,
 Нияти покиза инсонга раҳмат.

Оламни йўқликдан бунёд айлаган,
 Еру осмонларни тахлаган қат-қат,
 Бизни бандаликка суйиб сайлаган,
 Алқисса, Раббимиз Раҳмонга раҳмат!



* * *

Терак юксалмасин қанчалик ўрга,
Арранинг қаҳридан қололмас омон.
Нурдан яралса-да бўлди бадарға
Жаннат даргоҳидан кибр-ла шайтон.

Жумлаи оламга бўлсанг-да подшоҳ,
Тақдири азалга беролмайсан чап.
Бошинг осмонларга етса-да ҳатто,
Муқаррар бир куни кетишинг қулаб.

Отга миндим дея бунча керилма,
Ўзини мақтайди ҳамиша аҳмоқ.
Охир-оқибатда, майли, ким бўлма,
Тупроқсан, бор-йўғи бир ҳовуч тупроқ.



* * *

Тунда кўзларимни очиб уйқудан,
 Юрагим, нолангни тингладим – мудҳиш.
 Сени овутмоғим энди беҳуда,
 Дунёйи оламни фарёдинг тутмиш.
 Ўзингча ўртаниб, ўзингча куйиб,
 Билмам, ўз тилингда нелар сўзладинг.
 Ёқангни чок этиб, жонингдан тўйиб,
 Аламингни сочиб, менга гизладинг,
 Нима бўлса бўлди, оқибат-алал,
 Ортимга қайрилиб боқмайман сира.
 Эҳтимол кимларга берарман халал,
 Кимларнинг кўнглини этарман хира?
 Кетарман, юракни ғажир ранж, алам,
 Дардимни дарж этиб осмон юзига.
 Ичимни ёндириб боради нолам,
 Кирдимми наҳотки, ҳаёт кузига.
 Бу кеча сиқарман сени анордай,
 Кўксимда йилларнинг озорлари бор.
 Ўғиллар изига термулиб зордай,
 Ётади отамнинг мозорлари хор.
 Кимларни ранжитдим умримда ноҳақ,
 Солдим юрагига ўчмас жароҳат.
 Қақшатиб кимларни йўлларда илҳақ,
 Ўжар бу феълимдан қилдимми роҳат?
 Хиёнат қилдимми айтган сўзимга,
 Имонни сотдимми мисоли мато.
 Нокас тупурса-да беҳос юзимга,
 Журъат етмадими жавобга ҳатто?
 Ором, ҳаловатдан бўлдим бегона,
 Киприкдайн қисқа, сокин бир кеча.
 Алвон шароб тўла юрак – паймона,
 Тонггача тугатдим мен ича-ича.

* * *

Сеҳр бор одамнинг кўнглида,
Одамнинг кўнглида олам бор.
Меҳр бор одамнинг кўнглида,
Одамнинг кўнглида одам бор.

* * *

Ўзим билан ўзим юзлашадурман,
Ўзим билан ўзим бўзлашадурман,
Худдики оламда бир ўзим якка,
Ўзим билан ўзим сўзлашадурман.

* * *

Қоронғида сўзон керакдир менга,
Яшашга бирор он керакдир менга,
Жонимга бир жонон керакдир менга,
Бор-йўғи бир инсон керакдир менга.



ЎТИНЧ

Хазонга юз бурган тийра кузингда,
Оламни яшнатиб лолазор қилма.
Қорларингни йўллаб авжи ёзингда,
Қаҳратонда бизни қорга зор қилма.

Бахту омад асли қанот йигитга,
Қанотин қайириб забун, хор қилма.
Мутелик қисматдир эҳтимол итга,
Оқилни нодонга мардикор қилма.

Якка ўзингдадир инон-ихтиёр,
Оламни баайни чорбозор қилма.
Ғарибу мушфиқни қақшатиб зор-зор,
Залолат илкини устувор қилма.

Шафиқ ҳам ўзингда, ўзингда шафқат,
Номусни кўчада шармисор қилма.
Неки қилсанг қилу, ўтинчим фақат –
Инсон боласини забун, хор қилма.



* * *

Ҳар бир йўқотишда битта топиш бор,
ҳали кўп дўстларим мени унутмаган.
Олдимда турибди неча қиш, баҳор,
омад қушим ҳали қўлдан кетмаган.

Қурган иморатим турибди чала,
томда жой қолмади чакки ўтмаган.
Фақат қилолмайман сира ҳафсала,
рўзғорда нимадир доим етмаган.

Эртанги кунимга ишонаман, лекин –
ишонган тоғда ҳам кийик ётмаган.
Турмуш араваси борар секин-секин,
иш борми, охири бир кун битмаган.

Хаёллар сураман ҳуда-беҳуда,
дўстни соғинаман мени кутмаган.
Содда Афандига ўхшайман жуда,
неча бор ўлса-да, асло йитмаган.



* * *

Меҳнат заҳматидан ўлмаган ҳеч ким,
Тиккил чоригингни сабр-бардошдан.
Яшаш мумкин эмас қилмасдан чиқим,
Пўлат тобланади пишиб оташда.

Олам ҳовлисини айланиб кўрсанг,
Иссиғу совуғи бўлгайдир аён.
Ёмонлар қаҳридан ерларга кирсанг,
Яхшилар сўзидан бўларсан осмон.

Каслар бор қишда ҳам қизғаниб қорни,
Ҳалол насибангга уради панжа.
Ҳатто сен эгарлаб қўйган тулпорни
Минмоққа ишқибоз юрганлар қанча.

Лекин бир ҳолатдан этайин огоҳ,
Барчага баробар ҳаёт йўриғи.
Демишлар ўрмонга ўт кетса ногоҳ,
Ёниши муқаррар ҳўлу қуруғи.

Токи бу жаҳонда экансан тирик,
Ҳар недан ижикиб, бузма кўнглингни.
Доғда қолдирса-да минг йиллик шерик,
Имоннинг кўлидан узма кўлингни.

* * *

Омадинг чопқиллаб, юришганда иш,
Бўлолсанг бирорта ниҳолга ҳачча.
Олис Ҳиротдан ҳам топилади хеш,
Лўлига эҳтимол чиқарсан почча.

Бир кун ишларинг бўлса пачава,
Суйган хотининг ҳам асабинг ўйнар.
Жигаринг бошингдан тўкар мағзава,
Ҳатто дайди итга бўласан майна.

* * *

Минг йил ўтса ҳамки ўша-ўшасан,
Ёлғон мақтовлардан шардай шишасан.
Ўзингни қанчалик билмагин осмон,
Бир куни ёрилиб, ерга тушасан.

* * *

Олувчи ҳам ердир, берувчи ҳам ер,
Пойингда ялиниб турувчи ҳам ер,
Қанча ғўддаймагин, қанча кўкрак кер,
Танингни бағрига олувчи ҳам ер.



* * *

Тўкилади дувиллаб куз барги хазонлари,
 Яшнаган баҳорлардан кета олмайман сира.
 Мезонларга кўмилган Туркистон осмонлари,
 Эртага бу кунлар ҳам бўлар ширин хотира.
 Мен – бир ёлғиз йўловчи, тегмас ерга оёғим,
 Ғуруб сари қуёшим оғмоқдадир бу нафас.
 Ҳаёт, асло бемаҳал ўчирмагил чироғим,
 Дувиллаб ёғаётган оддий хазонлар эмас.
 Бу асли ўтган умрим, маънос хаёлларимдир,
 Шеърим сатрларига кўзимдан тўккан нурлар.
 Гунгу соқов дунёга аччиқ саволларимдир,
 Жувонмарг орзуларга қалбимда қазган гўрлар.
 Тупроқдайин чуқурга тўкиламан, тўлмайман,
 Кунларим хазон каби сочилади йўлларга.
 Қачон, қайси сатрда тўхтамоғим билмайман,
 Сўнг қовушиб кетарман ўзим ҳам шамолларга.
 Ҳеч қачон посангига келмаган тарозиман,
 Кузнинг ҳазин шивири жўр бўлади куйимга.
 Мен ўзимга айбнома ёзаётган қозиман
 Ўйлаб-ўйлаб негадир етолмасман ўйимга.
 Телефон дафтаримда ўчмаса-да номлари,
 Қаторимда кўринмас не-не дўсту ёронлар.
 Эй сиз кўнгил уйининг мўътабар меҳмонлари,
 Изларингиздан учар андуҳ каби хазонлар.
 Манзил ҳали кўп узоқ, олдинда не синовлар,
 Заъфар кузак юзига боқарман илинж ила.
 Қошу кўзим қопламиш букун оппоқ қировлар,
 Дарёларим энтикиб, тўлғанмиш ўкинч ила.
 Ана кўринди дейман ахир манзил қораси,
 Эртаю кеч йўртаман манзилга ета олмай.
 Мен – орзу фуқароси, армоннинг гунг боласи,
 Фурсатим зиқ, турарман ўзимни кута олмай.

ЎЗБЕК ТИЛИМ

Бобомнинг тилисан, момомнинг тили,
Отамнинг тилисан, онамнинг тили.

Осмондай белоён туғилган еринг,
Ҳеч кимга маълуммас аввал-охиринг.

Қадимий аждодинг ул Абуттуркдир,
Ўтовинг Осиё – бошингда бўркдир.

Тўмарис шиддати, Широқнинг қони,
Мангуберди ўчи, Темурбек шони.

Кошғарий дилида ёнган баётсан,
Яссавий тилида мангу ҳаётсан.

Навоий армони, Бобур нидоси,
Фароғий ўкинчи, Машраб видоси.

Чўлпону Қодирий, Усмон Носирсан,
Элинг хизматига ҳозир-нозирсан.

Истибдод қўрғонин янчиб, йиқолдинг,
Олов-оташлардан омон чиқолдинг.

Сен рўйи заминга ўзбек тилида
Саломлар йўллайсан ўзбек элидан.

Теран илдизлардан олган қудрат, куч,
Ҳайбатли чинорсан новдалари ғуж.

Минг йиллар ўтса-да навқирон, ёшсан,
Мудом бошимизда порлоқ қуёшсан.

Ўзимнинг тилимсан, боламнинг тили,
Ўзбегим тилисан, оламнинг тили.

МАСЛАҲАТ

Зир-зир югурасан тиним билмасдан,
 ҳаётингга тағин шитоб керакдир.
 Кунларинг ўтади кунинг кулмасдан
 сенга ботмайдиган офтоб керакдир.

Итга тиним бор-у, сенга тиним йўқ,
 жонингга бунчалар азоб керакдир.
 Билмадим нимасан, одамми, махлуқ,
 кўзингни оч, деган хитоб керакдир.

Ул керак, бул керак, битмас ташвишинг,
 не учун бунчалар чоп-чоп керакдир?
 Шу зайл ўтади неча ёз-қишинг,
 пул керак, пул керак, қоп-қоп керакдир.

Улушингни балки олиб бўлдинг ҳам,
 балки бир кулбаи хароб керакдир.
 Аммо ўзлигингни билмайсан одам,
 олтин тоғ сингари сароб керакдир.

Ҳаёт қил учида, тил учида жон,
 ҳаммасига ҳисоб-китоб керакдир.
 Дунёда бор-йўғи меҳмонсан, меҳмон,
 бир кун охиратда жавоб керакдир.

Эҳтимол қолгандир умрингдан бир кун,
 яхшилик керакдир, савоб керакдир,
 Сўзимни мухтасар айласам якун,
 аввало одамга инсоф керакдир.

Дўппи

Биз қачон ўзгардик, қайси бир замон,
Қачон қулаб кетди буюк устунлар?
Юрар тўйдан тўйга овора сарсон,
Эгасин тополмай дўппию тўнлар.

Дўпписин қўндириб отанг ғоз юрган,
Бошни азиз тутган аждодлар, илло.
Кимки ўзбекман деб кўксига урган,
Бошида дўпписи бўлсин аввало.

Самодан тушмадинг, чиқмадинг ердан,
Бордир бу дунёда насабу зотинг.
Мабодо сўз очсам Амир Темурдан,
Гўё қўлтиғингдан ўсар қанотинг.

Жонингдан суярсан миллату элинг,
Шайсан фидоликка мисоли Широқ.
Қаерда юрсанг ҳам унутма тилинг,
Бошингдан тушмасин ҳамиша қалпоқ.

Фарқинг бўлмагайдир манқуртдан сира,
Элу элатингни жондан суймасанг,
Рўмол ўраб юргин сен ундан кўра,
Бобонг дўпписини бошга киймасанг.

Ўзбеклик номингда ғурур бир олам,
Тош отиб бўлмайди ахир қуёшга.
Боболар номуси дўппи бу, болам,
Ярашар кўтарсанг эъзозлаб бошга.



ЕВГЕНИЙ ЕВТУШЕНКО

Россия

* * *

Оппоқ қорлар ёғмоқда
Сирғалиб ипга гүйе.
Ҳеч ўлмасанг дунёда,
Бунга илож йўқ аммо.

Узоқда кимлар руҳи
Изсиз йўқолаётир.
Худди оппоқ қор каби
Кўкка йўл олаётир.

Бўралайди оппоқ қор...
Кетгум мен ҳам йўқликка.
Ўлимдан не ғамим бор,
Даъвом йўқ мангуликка.

Сеҳру жоду менга ёт,
Қор ё юлдуз эмасман.
Дунёга келмасман бот,
Ҳеч қачон, ҳеч қачон.

Ўйлардим, сўқир банда –
Бўлардим ахир ким ҳам.
Менга шошқин ҳаётда
Не улуғ ҳаётдан ҳам.

Суйдим мен Россияни
Қону жонимга қадар.
Дарёлари тошган чоғ,
Қалин муз босган дамлар.

Суйдим гирду гўшасин,
Қарағайзорлар ҳидин...
Пушкин ва Стенкасин,
Боболар шаън-шукуҳин.

Ҳаёт баъзан серқилиқ,
Нечун надомат аммо?
Кечмади умрим силлиқ,
Яшадим Рус, деб танҳо.

Бир илинжга юкиндим,
(Хавотирга тўла қалб).
Заррадайин бўлса ҳам,
Россияга бердим наф.

Майлига, у унутсин
Бир зумда мени осон.
Фақат, фақат у бўлсин,
Тоабад соғу омон.

Шиғалайди оппоқ қор,
Ҳамма вақтдайин гўё.
Пушкин, Стенка тугул,
Мендан кейин ҳам ҳатто.

Лайлақорлар ёғмоқда
Осмонлардан гупириб.
Мен ҳамда бегоналар
Изларини супуриб...

Мангуликка йўқ даъвом,
Аммо умид қиларман.
Россиям бўлса омон,
Мен ҳам ҳаёт бўларман.

* * *

Яшил бедазорлар шовулламоқда,
Қарағай шамолда қарсиллаётир.
Шуурим неларни хотирламоқда,
Мен ҳам қачонлардир ўламан охир.

Аммо томлардаги тарнов ёнида
Пайдо бўлар ногоҳ каптарбоз бола.
Биламан, ўлмоқлик ваҳима жуда,
Ўзим ва муҳими, бошқаларга ҳам.

Ўлим туйғусисиз йўқ ҳаёт ҳисси,
Қумликка сувдайин кетмасмиз бизлар.
Марҳумлар ўрнига келар тириклар,
Аммоки...уларда ўзгача ҳислар.

Ненидир англадим айни ҳозирда,
Еган калтакларим кетмабди бекор.
Унутдим ҳаммасин бўлса хотирда,
Эсладим барини, унутдим не бор.

Гўдаклик майин у қорларни ёдлар,
Балоғат ёшида адирлар яшил.
Англадим, ҳаётда не бир ҳаётлар,
Неча сулувларга юбордим кўнгил.

Бахтнинг кўзларида нодонлик зоҳир,
Енгилтак аёлдай кўринади бахт.
Ғусса нигоҳида саволлар оғир,
Кўзингга аламнок тикилади шахт.

Бахт гўё осмондан заминга боқиш,
Бахтсизлик оламини кўрар рўйи рост.
Бахт – хоин сингари алдамчи хоҳиш,
Ғусса одамларни ҳеч қачон сотмас.

Авваллари эдим ёвқур ва шодон,
Бахтим кулолмади, шуқур Худога.
Имконсиз нарсани истаган эдим,
Барча истакларим дўнди рўёга.

Мен сизни севаман, яхши одамлар,
Бахтга интиласиз туғилган ҳамон,
Мен энди бахтлиман абадул-абад,
Чунки изламасман бахтни ҳеч қачон.

Менга шу ям-яшил бедазор бўлса,
Тилларимдан музни олиб ташласам.
Муҳими, чивиндай митти жон билан
Ўлимдан нарироқ яшай бошласам.

* * *

Қайиқдамиз, шарросдир ёмғир,
Қўлим музлаб рулга ёпишган.
Сен севмассан, қўрқаман ахир,
Қўрқаман мен сени севишдан.

Тошаётир бир соқов ҳасрат,
Ёқут Серафимнинг кўзидан.
Ўхшаб Колимадаги гулхан
Оловидан чиққан тутунга.

Қоп-қора чой, мисоли қатрон,
Тузукмиди, балки қанд ташлаш...
“Айт, Серафим, бахт ўзи нима?”
“Бахт, менимча, узоқроқ яшаш”.

Ухлар чоғинг бўлса-да, жўра,
Оламан лек сени қисту бас.
“Жуда узоқ яшашдан кўра
Яхшимасми, севги бир нафас?”

Серафим ҳам қайтарар жавоб,
Кўзларини юмганча мудроқ.
“Яхши – фақат бу ҳам хавфли-да,
Кимки севса, яшолмас узоқ”.

Ёқут, чукча билади буни,
Патрондайин кунларни асрар:
Қиммат тушар ҳиссиёт бизга,
Ҳаётимиз пичоқдай қирқар.

Олтин топди дарёдан Борис
Ва олтини бошига етди.
Мана, нега ишқдан кўрқамиз,
Ўша олтин вабодай худди.

Кўрқитмасин ёнғин рўёдай,
Ўчир ўтни, босиб тепкила.
Бу оловнинг тутуни аччиқ,
Ҳатто энг бахтиёр севгида.

Суҳбатимиз шундай узилар,
Колиманинг зулмат тунида,
Ёмғир тортган кумуш чизиқлар,
Ярқиллайди аёл танидай.

Тортилгандай мисли таранг тор,
Шаррос ёмғир қуяди бу чоқ.
Узоқ умр менга не даркор,
Яшамаслар севганлар узоқ.

ОҚ ЙЎЛ

М.Кацга

Ўз оёғингни ўзинг
Кўтариб юр ҳамиша.
Йўллардан-чи, йўлларнинг
Ҳолидан қил андиша.

Сўрасин йўлнинг ўзи
Эгилиб буралишни.
Севиб, ардоқлаб бизни
Елкасига олишни.

Омма Худосиз бўлса,
Не қилолур пайғамбар.
Йўлсизликда бизларга,
Йўлдир Аёл – мўътабар.

Қисмат ажин юзига,
Маили, тўлов қилмасин.
Аммо карам шўрвасин
Кўйлагига тўкмасин.

Аёлинг ва болангни
Яша жонингдан суйиб.
Ёвузлар ўз феълидан
Аламдан кетсин куйиб.

Кўтарсин йўлин ҳар ким,
Қулоқ тутиб виждонга.
Бу дунёда сиғинар
Ким амал, ким Яздонга.

Яна битта тарафи
Кўшиб кўйилсин, албат.

Қўлласин ҳар кимни йўл,
 Хоин чиқмасин фақат.

Қайда эманзор, дала,
 Жонинг бўлар роҳатда.
 Юр нарироқ, албатта,
 Шон-шуҳрат, сиёсатдан.

Тобут ва қабр устида
 Нутқ бўлмасин узоқ...
 Сендан марҳум қабрига
 Кифоя бир кафт тупроқ.

Ўлим олди тўлғанма,
 Ажалнинг кўнглини ол.
 Яша, майли, тоабад,
 Навқирон – мисли мақол.



БИРИНЧИ ВА ОХИРГИ ЭМАС

Биринчи ва охирги бор эмас,
Қийноқ комидасан... Тургил, жаҳд қил.
Ишон – бошқа қулликлардан пеш эмас,
Ўз ёғингга ўзинг қовурилишинг, бас.
Биринчи ва охирги бор эмас,
Кимдир хафа қилди ноўрин, ноҳақ.
Ўзингга ачиниб ботдингми лойга?
Ҳолбуки, хўрлаган хўрланар фақат.
Уятдир дардингни дастурхон этмоқ,
Буни таъқиқлагин минбаъд ўзингга.
Биринчи ва охирги бор эмас,
Қийноқ комидасан...
Хўш, айтгил, нега?

1976

* * *

Ёдимда, ёдимда – гувоҳ Худойим,
Сенсизликда итдай увиллаб ўтдим.
Қачонки илк бора учратдим моҳим,
Мен унутдим. Барчасини унутдим.

Чўчибми ўсмирдай бу ҳароратдан,
Ногоҳ толиқишми юзимда кечган.
Изғирин шамолдай бу башоратми,
Қисмат ёзуғини билган азалдан?

Ўтмиш учрашувлар келтирган алам,
Йўқолиб кетгайдир малолсиз мутлоқ.
Энди унутганим кўп-кўп хотира,
Мени унутгандир атайин қасднок.

Демам ҳеч бирига: “Тирил, кўрайин”.
Аммо шивирлайман ўтиниб такрор:
“Айтгин, ахир қандай жудо бўлайин,
Ҳали учрашмадик сен ила, дилдор”.

1975

* * *

Сиз мени севасиз. Дарровда эмас,
Сиз мени севасиз пинҳона, бесас.

Мени севасиз танда титроқ тургандай,
Гўё куш ойнадан учиб киргандай.

Сиз мени севасиз – тоза, кир ҳолда,
Сиз мени севасиз – хор, бемор ҳолда.

Сиз мени севасиз шуҳрат-шонимда,
Сиз мени севасиз, жоним оғзимда.

Сиз мени севасиз асо тутганда,
Сиз мени севасиз куним битганда.

Сиз мени севасиз. Қўллар боғлиқдир,
Бизга бу заминда айрилиш йўқдир.

Мени севасизми? Ақлингиз тўлмас,
Сиз мени севмайсиз. Дарровда эмас.

* * *

Мен сизлар ўйлаган мусаввир эмас,
Эмасман одамлар ардоқлаган гул.
Мен Сибирь даштида ўсган зубтурум,
Ғилдираклар ўтгач, қаддин ростлар ул.

Сонсиз аравалар ўтди мажақлаб,
Мошину танкларнинг тагида қолдим.
Такрор ва такрор яна қарсиллаб,
Русим тупроғида ўсиб чиқолдим.

Қушқўнмас сингари кўтардим бошим,
Ўзни асрамадим ғубор, чанг-чунгдан.
Замон, сенинг қонинг ва кўзёшингни
Ютоқиб симирдим вужудим билан.

Йўлни кесиб ўтдим, тонмайман бундан,
Чунки ҳақлигимга имоним комил.
Асфальтмашинага урилган онда,
Қутқардим амаллаб жонимни, сабил.

Эътиқодим ҳаққи, илдизларим-ла,
Ўзим ўсган ерга ёпишдим қаттиқ.
Ҳиссиз харсангларни уриб синдирдим,
Яна дуч келсалар, уришим аниқ.

Дағал бутоқларим бойловга келмас,
Гулдастага тўғри келмайман, албат,
Ҳеч ким зубтурумни таомга қўшмас,
Уни жароҳатга босишар фақат.

1975

* * *

Лойиқ бўл, муҳими, лойиқ бўл,
ҳар даврга чиқишга рўбарў.
айниқса, даврлар турғун бўлса,
тагигача лойқаланиб ётса у.

Лойиқ бўл, муҳими, лойиқ бўл,
олғирлар ризқингни қиймасин.
молхонага етаклаб бориб,
оғзингга похолни тикмасин.

Вақт олдида қўрқув – йиқилиш,
титрамагин қўрқувдан, эй жон,
йўқотишга доимо шай тур,
ҳаммасидан йўқотиш ёмон.

Бўлганида ҳаммаси барбод,
тузатишга топмасанг тўзим.
сен ўзингни шундайин юпат:
“Бу кунни ҳам ўтказиш лозим...”

1976

* * *

Машага

Сени табиатдан севаман кўпроқ,
Сенинг ўзинг асли табиат, ишон.
Сени озодликдан севаман кўпроқ,
Сенсиз озодлик ҳам турмадан ёмон.

Мен сени севаман билмай эҳтиёт,
Равон йўлда эмас, жар ёқасида.
Мен сени имкондан севаман зиёд,
Ноимкондан кўпроқ севгум аслида.

Мен сени севаман муддатсиз, ҳадсиз,
Бўкиб ичиб олиб, сўкиниб гоҳи.
Ўзимдан ҳам ортиқ севаман, шаксиз,
Ўзингни ўзингдан зиёд ҳаттоки.

Сени Шекспирдан севаман кўпроқ,
Сенда мужассамдир олам жамоли.
Барча мусиқалар мавҳум, тумтароқ,
Афсункор мусиқа ўзингсан, олий.

Сени кўп севаман шону шуҳратдан,
Ҳаттоки келажак замонларда то.
Менга нима бўпти занглаган Ватан,
Ватан менга ўзинг, ўзингсан танҳо.

Сен бахтсизми? Бунча солаяпсан дод?
Чирқираб Худони қақшатма, эркам.
Мен сени бахтдан ҳам севаман зиёд,
Сени кўп севаман муҳаббатдан ҳам.

1995

* * *

Айтдим қанча ақли гаплар,
 Силаб-сийпаб елкангни бир-бир.
 Йиғлаганча гўдакдан баттар,
 Дединг: “Сени севмайман, ахир”.

Беҳудадир қол, деб ёлвориш,
 Ёмғир кечиб кетдинг мардона.
 Гоҳ юқори тортди ёмғирпўш,
 Гоҳ ёнингда бўлди парвона.

Чўккан каби бенишон, бешаън,
 Йўқликларнинг қаърига алҳол.
 Ёмғирларда югурардинг сан,
 Нозиккина, юпун, навниҳол.

Тарновларнинг бўғзида ваҳм,
 Чинқирарди олами жаҳон:
 “Биз бераҳм, бизлар бераҳм,
 Айбимизга зарра йўқ омон”.

Тому девор – бераҳм бари,
 Уйлар узра кафтини очган.
 Телевизор антенналари
 Ўхшар Исо михланган хочга.

1957

* * *

Мажнунтол тагида ўйларга толдим,
Қирғоқлар кезиндим бесадо, бесас.
Қандайин бахтиёр этай, севгилим,
Бунга балки минбаъд иложим етмас.

Унга кам болалар ва тўкин ҳаёт,
Меҳмондорчилигу кинолар аҳён.
Қолдиқсиз ва тугал керакман, ҳайҳот,
Мен эса бор-йўғи қолдиқман, аён.

Замон дарахтига елкамни тутдим,
Шохлари елкамни кетди-ку ўйиб.
Севгилимга эса қолмади елкам,
Йиғламоғи учун бошини қўйиб.

Гул тутиш ўрнига, ажин тасвирин
Ўйдим севгилимнинг юзига кўп бор.
Эрлар разиллик-ла хиёнат қилар,
Шўрлик аёллар-чи, аламдан ночор.

Севгилимни қандай этолсам бахтли,
Не қилиб бўлса-да беролсам шодлик.
Унга илк қадамнинг ўзида тақдир
Қуртлаган ҳаётни айлади тортиқ.

Қувончни қўяйлик, уларни мудом,
Бир сўзда ранжитиб қўямиз дарров.
Аёлни йиғлатиш ҳаммага осон,
Бахтиёр этишни билмас ҳеч биров.

1981

* * *

Московнинг қутурган бўронлари аро,
 Соғинчдан ичикиб ҳаммадан кўпроқ,
 Наҳот мансуб бўлсам, бўлсам фуқаро –
 Ватанга, боёнлар бошқарган, эвоҳ,
 Заҳил чеҳрасига уларнинг магар,
 Турарми иссиқни жўнатиб Канар?
 Ножоиз ҳадядан менга на фойда?
 Не қилсам тушмасман юзтубан лойга?
 “ЛогоВАЗ” да бир масхарабоз банда,
 Ё бўлсамми мафияда – хонанда?!
 Наҳотки мансубман мен ҳам,
 Наҳотки, ёт тупроққа кетган ётларга.
 Ўзга жаннатларга юртин алмашиб,
 Ўзини унутган разил зотларга?
 Кремлнинг ўзи гўё юз буриб,
 Кетди Кремль дунёчасига кириб.
 Ўз-ўзига Дума беркинди қочиб,
 Таъна-маломатга аммо не ҳожат!
 Не деб таъна қилар бўғиқ, хирқироқ,
 Теннисчи майкада, шоҳ ота, бироқ?
 Сағир-етимларин долларга сотиб,
 Халқим не дер менга таъналар отиб!
 Бизда мана шундай аҳли аҳбоблар,
 Қозоннинг бошида разил, қаллоблар,
 Сизга ялтоқилик қилишга асло,
 Йўл қўймас шоирлик ғурурим аммо.
 Қаёққа, қаёққа, бечораларим,
 Сукут ризоликка ўхшар ҳарқалай.
 Кечаги кун либераллари –
 Капиталга бу кун қул, малай.
 Зиёфатда увулдириқ, бутерброд, –
 Тортиб оғзингизни ёпмоқда, хайҳот!

Майли, ўлиб кетай Оклахомада,
Ковбой даштларида топмайин омон.
Ҳомийларнинг юмшоқ,
аммо чириган –
сомонида ётиш ўлимдан ёмон!

1997

МУНДАРИЖА

<i>Рустам Мусурмон. Шоир йўли</i>	3
---	---

БИР ЭПКИН БЎЛСАМ

Эл ишончи	26
Ўзбек элим	27
Самарқанд	28
Хавотир	29
Мулоқот	30
Меники	31
Худойим	32
Туркий лафзга бериб жон.....	33
Уйғон, Туркистон.....	34
Бир эпкин бўлсам	36
Йўллар	37
«Минг йилдирки...».....	38
Йилларим.....	39
Тоғай Муродга.....	40
Не бахтдир.....	41
«Офтоб нурларин қониб ичаман...».....	42
Ота уй, қора қумғон ва танча ҳақида	43
Баҳор бўлай дедим.....	45
Ўргимчак тўри.....	46
Дўст овози	47
Китоб ўқи.....	49

УЧ КУНЛИК ДУНЁ

Бобо сўз.....	50
Устоз Абдулла Ориф дуоси	51
Кетаяпман... ..	53
Кўнгил	54
Фигон	56

«Бу ҳаёт сўқмоқлари...»	57
Эй, биродар	58
Ниятни яхши қилсанг	59
Ассалому алайкум	60
Тилак	60
«Отланаман...»	61
«Ажални кўзимга илмасдим...»	63

МАЙСА БЎЛИБ КЎТАРАРМАН БОШ

Ҳамал	64
«Осмонда тузилиб...»	64
«Қаҳратонлар чекиниб...»	65
Найсон кечаси	66
Эврилиш	67
«Булутларни аллалар шамол...»	68
Зангори тун	69
Эй	70
Адашган мактуб	71
«Мен сени суйганимни...»	72
Ўранмоқда дунёлар оппоқ	73
Ўтинч	73
«Олис масофалар...»	74
Дил рози	75
Хуш кунлар	77
«Кулиб кўзинг учида...»	78
Бахтнинг бир лаҳзаси	79
Илк севги баҳори	81
Бир ишқ бўлса	82
«Ойга боқма...»	83
Ой ётган кулбада	83
«Саҳроларда дайдиган...»	84
Эртақдаги қиз	86
«Ўн олтига кирган...»	86
«Бир қиз келар...»	87
Кутманг мени	88

ОЛАМ РАНГЛАРИ

Омад кулса.....	89
Неварам Саидумархонга.....	90
Сурхонга жўнаш	91
«Тун ила тонг ичида...»	92
Қиём палласи.....	93
Усмон Носир сўзи.....	94
Инсон умри	95
Босинқираш.....	96
«Улғайишни қилардинг ҳавас...»	98
Ҳали.....	99
«Сўз деҳқони...»	99
«Ўчириб ўзимнинг отимни...»	100
Одат.....	101
Анъана	102
Эски усул.....	103
«Феъли тор...»	104
«Билмам...»	105
«Осмон неча қават...»	105
«Ҳайрона бўлмагин...».....	105
Тўй	105
Туғён	107
Ёз тунлари.....	108
«Эшигингдан эллик баҳор...»	109
Тош одам.....	110
Тасалли.....	111
«Яшагим келяпти...».....	112
Аҳд	112
Тавалло.....	114
Кетмонбой инимга	115
«Ҳаволанган кўнглим...»	116
Узоқ ўтмишдан лавҳа.....	116
«Тақдир сени дуч этса...».....	117
«Сенга ҳаёт ваъда этган...»	117
«Дунё асли...».....	118

«Кўрмаганнинг кўргани...»	119
«Исмим ўлиб кетса-да...»	120
«Бағримни хун қилдинг...»	121
«Ўйлар сурдинг...»	122
Мижоз	123
Иқтидо.....	123
«Севаман, деб...»	125
Яшаш ҳуқуқи.....	125
«Қисмат билан...».....	127
«Зиллат дарборида...»	128
«Мастона-мастона...»	129
«Мен ашъор битмадим...»	129
Ҳаёт	130
«Эллик, ҳатто юз йил...»	132
Болалик армонлари	133
Кема	134
Отамни эслаб	135
Ўз-ўзимга	136
Кўп бунча	137
Парадокс.....	138
«Айланади гирдимда...»	139
Зарда.....	140
«Шамолманми ё хаёлманми...».....	141
«Бола эдим...»	142
«Ланж сўзларга...»	143
«Дуч келса...»	144
Ҳайрат.....	144
«Катман қирларида...»	145
«Катталиқни этдик кўп даъво...».....	146
Қарғиш	146
Эслаш.....	147
«Болам, бу дунёда...»	148
Алҳазар.....	148
Шоир.....	149
Бахилга.....	150

«Савоб учун...»	152
Бош ва тош	153
«Бунча ҳовлиқасан...»	154
Мен	154
Ватангадо қисмати	155
«Дарди йўқ кесакдир...»	157
«Буюк бир ибратдир...»	157
«Дунёга келгандинг...»	157
Достондан сўнг	158
Шайтоннинг дўсти	159
Жараён	160
«Йигит алдовига...»	161
«Икки қош ораси...»	161
Истак	162
«Кетаяпман...»	163
Кеча ва бугун	164
«Кўчада бир одам...»	164
«Илиққина баҳор кечаси...»	165
Қафасдаги қуш	166
«Қўшни уйда...»	167
«Мен олов ёқаман...»	168
«Мен энди...»	168
«Мени ташлаб кетинг...»	169
Жума девона	170
«Осмон тўнкарилган...»	172
Раҳмат	173
«Терак юксалмасин...»	174
«Тунда кўзларимни...»	175
«Сехр бор...»	176
«Ўзим билан ўзим...»	176
Қоронғида	176
Ўтинч	177
«Ҳар бир йўқотишда...»	178
«Меҳнат заҳматидан...»	179
«Омадинг чопқиллаб...»	180

«Минг йил ўтса...».....	180
«Олувчи ҳам ердир...».....	180
«Тўкилади дувиллаб...»	181
Ўзбек тилим	182
Маслаҳат.....	183
Дўппи	184

ИЛТИЖО

(Таржималар)

Евгений ЕВТУШЕНКО (Россия)

«Оппоқ қорлар...».....	185
Яшил бедазорлар	187
Қайиқдамиз.....	188
Оқ йўл.....	190
Биринчи ва охири эмас	192
«Ёдимда...».....	192
«Сиз мени севасиз...»	193
«Мен сизлар ўйлаган...»	194
«Лойиқ бўл...».....	195
«Сени табиатдан...».....	196
«Айтдим қанча ақлли гаплар...»	197
«Мажнунтол тагида...».....	198
«Московнинг қутурган бўронлари...»	199

Адабий-бадиий нашр

Абдумажид АЗИМ

ТОНГ ТАБАССУМИ

Шеърлар

Мухаррир *Дилрабо Мингбоева*
Бадий муҳаррир *Акбарали Мамасолиев*
Мусахҳиҳ *Шаҳзода Ҳакимова*
Саҳифаловчи *Азамат Қайимов*